

# ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

# ЎЗБЕКИСТОН 1996

ТОШКЕНТ 1996

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТНИНГ МУАЛЛИФЛАР ГУРУҲИ

**Гуруҳ раҳбари**

***Галина Саидова*** - Мазмуни
Боблар 1, 2, 4(4.1),5(5.3, 5.4), 6(6.1, 6.2)

**Муаллифлар**

***Раҳмат Абдукаримов*** - Боб 5(5.3,5.4)
***Қаландар Абдурахмонов*** - Боб 3(3.3)
***Евгения Елфимова*** - Боб 4(4.4)
***Антонина Фёдорова*** - Боб 5(5.3,5.4)
***Вячеслав Голышев*** - Боб 1
***Татьяна Гуськова*** - Боб 1
***Боходир Ҳўжаев*** - Боб 4
***Исматулло Мардонов*** - Боб 3(3.1,3.2)
***Пароҳат Менликулов*** - Боб5(5.1,5.2)
***Завихулла Насриддинхўжаев*** - Боб 3(3.3)
***Людмила Попова*** - Боб 6
***Боходир Умурзоқов*** - Боб 6(6.3,6.4)
***Раиса Задорожная*** - Боб 5(5.1,5.2)

**Ҳорижий Маслаҳатчилар**

***Кейт Гриффин***-1, 6-Боблар, ***Терри МакКинли***-1,3,5-Боблар, ***Джой Флад*** 4-Боб

**Алоҳида ташаккур**

***Халид Малик*** - БМТ доимий мувофиқлаштирувчиси
***Бақодур Эшонов*** - Ўзбекистондаги БМТ ваколатҳонаси маслаҳатчиси

**Статистик иловаларни тайёрлаш гуруҳи**

***Петр Долгополов*** (гуруҳ раҳбари)
***Раҳимжон Агзамов***
***Людмила Тилепина***

**Маслаҳатчилар**

***Александр Агафонофф***
***Клаудио Калдароне***
***Таральд Хетланд***
***Войчех Хюбнер***
***Марк Анстей***

**Маъмурий кўмакчилар**

***Наримон Алиҳўжаев, Исоқ Жамолов***

**Таржима**

***Оламгир Разоқов***

**Муҳаррир**

***Жой Драчман***

**Компьютерда саҳифалаш ва дизайн**

***Андрей Аминов***

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Мундарижа

Сўз боши ........ 7

Мундарижа ........ 9

I боб. Иқтисодий ислоҳотлар ва инсоний тараққиёт ........ 15

*1.1. Инсоний тараққиёт - концепция ва сиёсат* ........ 15
*1.2. Ислоҳотларнинг бош мақсади - инсонни ривожлантириш* ........ 15
*1.3. Инсоний тараққиёт ва иқтисодий юксалиш* ........ 17
*1.3.1. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш манбалари* ........ 18
*1.3.2. Макроиқтисодий барқарорлаштириш бўлажак иқтисодий юксалиш учун асос сифатида* ........ 19
*1.3.3. Институционал ислоҳотлар* ........ 20
*1.3.4. Сектор ислоҳотлари* ........ 22
*1.3.5. Иқтисодий юксалиш инсоний тараққиётга кўмаклашадими?* ........ 24
*1.3.6. Инсоний тараққиёт иқтисодий юксалишга кўмаклашадими?* ........ 24

2-боб. Инсоний тараққиёт: ўтмишнинг акс этиши ва келажакка назар ........ 27

*2.1. Инсоний потенциалнинг ривожланиш даражаси* ........ 28
*2.2. Ислоҳотларга эҳтиёж бормиди? Ислоҳотларнинг ижтимоий қиймати* ........ 29
*2.3. 1994-1995 йилларда эришилган тараққиёт* ........ 31
*2.3.1. Макроиқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар* ........ 31
*2.3.2. Структура ўзгаришлари* ........ 32
*2.3.3. Инсоний тараққиёт индексидаги ўзгаришлар* ........ 33
*2.3.4. Ўлчовларнинг хилма-хиллиги* ........ 34
*2.4.1. Ўхшашликлар ва номувофиқликлар* ........ 35
*2.4.2. Фарқларнинг сабаблари* ........ 37
*2.4.3. Яқинлашиш йўналишлари* ........ 38

3-боб Қишлоқни ривожлантириш ва инсоний тараққиёт ........ 41

*3.1. Қишлоқ хўжалик сектори иқтисодий юксалиш учун база сифатида* ........ 41
*3.1.1 Ер, табиий ресурслар ва инсоний тараққиёт* ........ 41
*3.1.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш* ........ 43
*3.2. Қишлоқ хўжалигида институционал ва структура ислоҳотлари* ........ 44
*3.2.1. Ислоҳотларнинг зарурлиги* ........ 44
*3.2.2. Ислоҳлоҳотларнинг асосий йўналишлари* ........ 44
*3.3 Қишлоқ жойларида аҳолининг бандлиги* ........ 49
*3.3.1. Ислоҳотлардан олдинги даврда бандлик* ........ 49
*3.3.2. Ўтиш даврида бандлик структурасидаги ўзгаришлар* ........ 50
*3.3.3. Демографик жараёнларнинг тамойиллари ва қишлоқдаги бандлик* ........ 50
*3.3.4. Қишлоқ жойлардаги потенциал ишчи кучи* ........ 51

www.ziyouz.com kutubxonasi

*3.3.5. Қишлоқда бандликни таъминлаш стратегияси ва устунликлари* ........... 51

4-боб. Турар жой, уй-жой инфраструктураси ва инсоний тараққиёт ........... 55

*4.1. Инсоний тараққиёт ва яшаш муҳити ўртасидаги ўзаро алоқа* ................. 55
*4.2.1. Анъанавий ўзбек шаҳри* ................. 56
*4.2.2. Уй-жой билан таъминланганлик ва унинг сифати* ................. 58
*4.2.3. Уй-жой қуриш материаллари* ................. 60
*4.3. Уй-жой сиёсатидаги ислоҳотлар: натижалар ва муаммолар* ................. 61
*4.4. Яшаш муҳити инфраструктураси* ................. 65
*4.4.1. Сув таъминоти ва энергия таъминоти* ................. 65
*4.4.2. уй-жой ва атроф муҳит* ................. 68
*4.4.3. Иссиқлик таъминоти* ................. 69
*4.4.4. Савдо, хизматлар* ................. 69
*4.4.5. Транспорт* ................. 72
*4.4.6. Алоқа* ................. 74

5-боб. Ижтимоий инфраструктура: барқарор инсоний тараққиётни таъминлаш мақсадидаги ислоҳотлар ................. 75

*5.1. 1995 йилда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий устунликлари* ................. 75
*5.1.1. Самарадорликни ошириш* ................. 75
*5.1.2. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш* ................. 76
*5.1.3 Касалликлар профилактикаси* ................. 78
*5.2. Соғлиқни сақлашдаги ислоҳотлар* ................. 79
*5.2.1. Бошланғич тиббий-санитария ёрдамини мустаҳкамлаш* ................. 79
*5.2.2. Тиббий ходимларни тайёрлашни ислоҳ қилиш* ................. 81
*5.2.3. Соғлиқни сақлашни бошқаришни марказлаштиришдан ҳоли қилиш* ...... 82
*5.2.4. Соғлиқни сақлашни пул билан таъминлашни ислоҳ қилиш* ................. 82
*5.2.5. Бундан кейинги ҳаражатлар дастури* ................. 85
*5.3. 1995 йилда таълимни ривожлантиришнинг асосий устунликлари* ............ 85
*5.3.1. Умумий ўрта таълим сифатини ошириш* ................. 86
*5.3.2. Олий таълим сифатини ошириш* ................. 87
*5.3.3. Минтақавий марказларда олий ўқув юртлари тизимини ривожлантириш* ................. 88
*5.3.4. Ўрта ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш* ................. 88
*5.3.5. Мактаб ўқувчилари ва талабаларни хорижда ўқитиш Халқаро ҳамкорлик* ................. 89
*5.4. Таълимни ислоҳ қилишни давом эттиришнинг асосий устунликлари* ........ 90
*5.4.1. Қишлоқ умумий таълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш* ................. 90
*5.4.2. Иқтисодий таълимни такомиллаштириш* ................. 90
*5.4.3. Янги ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш* ............ 91
*5.4.4. Таълимнинг уч босқичли тизимига ўтиш ва янги таълимий стандартлар* ................. 92

www.ziyouz.com kutubxonasi

*5.4.5. Таълимни пул билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш* ............ 92
*5.4.6. Умумий таълим мактаблари ва олий таълим учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш* ............ 93

6-боб. Кам бағаллик ва ижтимоий ҳимоя ............ 95

*6.1. Камбағаллик тушунчаси* ............ 95
*6.2. Ўзбекистонда "кабағал одам" нинг ижтимоий қиёфаси* ............ 96
*6.2.1. Нисбий камбағаллик* ............ 96
*6.2.2. Мутлақ камбағаллик* ............ 98
*6.2.3. Даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик* ............ 99
*6.3. Аҳолининг заиф табақаларига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мавжуд дастурлари* ............ 101
*6.3.1. Оилаларга ёрдам кўрсатиш асосий шакллари хусусияти* ............ 101
*6.3.2. Ногиронларга ёрдам дастурлари* ............ 102
*6.3.3. Пенсия таъминоти* ............ 104
*6.4. Камбағалликка қарши кураш дастурлари* ............ 105
*6.4.1. Даромад бўйича камбағалликнинг қисқариши* ............ 105
*6.4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ислоҳ қилиш йўналишлари* ............ 106
*Статистик маълумот* ............ 111

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Сўз боши

Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йиллари унинг тарихида анча мураккаб давр бўлди. Қачонлардир тарихчилар бу даврда энг асосийси сиёсий ва ижтимоий беқарорлик, зиддиятли вазиятларни четлаб ўтиш имконини берган мамлакат раҳбариятининг қаттиқ сиёсий иродаси бўлди, деб қайд этсалар керак. Афсуски, бу собиқ социалистик блокнинг қолдиқларида вужудга келган янги мустақил давлатларнинг аксариятига жароҳат етказди.

Қулай ички ва ташқи муҳит Ўзбекистонга иқтисодий ислоҳотнинг амалий масалалари, миллий иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларида бозор муносабатларини жорий этиш билан шуғулланиш имконини берди.

Бошқа кўпгина давлатлардан фарқли равишда ўтиш даврида Ўзбекистон ислоҳотларни ўтказишнинг олға қараб борадиган вариантини танлади, бунда ҳар бир қадам у одамлар турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатишига қараб тузатиб борилди. Бу ислоҳотларнинг ижтимоий қийматини камайтириш, қулай ички муҳит ва халқнинг ўтказилаётган ислоҳотларга ишончини уйғотиш имконини берди. Ислоҳотларнинг Президент Ислом Каримов томонидан аввалбошданоқ қўйилган асосий мақсади ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти давлатини вужудга келтиришдан иборатдир.

Ўтган йили нашр эттирилган инсоний Тараққиёт бўйича биринчи Миллий Ҳисобот Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олға сураётган барқарор инсоний ривожланиш концепциясига содиқликнинг далили бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг шунга ишончи комилки, инсон унинг эҳтиёжлари ва муаммолари билан ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиш, қудрат ва гуллаб-яшнаш сари интилиши халқимиз ҳаётини яхшилаш учун керакдир.

Бу китобда тақдим этилаётган "Инсоний тараққиёт бўйича ҳисобот" ўз эътиборини қуйидаги бешта асосий муаммога қаратган: инсоний тараққиёт ва иқтисодий юксалиш муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги; инсоний ривожланишга кўмаклашадиган тармоқларда бозор ислоҳотларини ўтказиш; қишлоқ муаммолари; истиқомат қилиш муҳитининг инсоний ривожланишга таъсирини таҳлил этиш; камбағаллик муаммоси. Бу муаммоларнинг ҳар бири жуда улкандир. Шунинг учун ушбу ҳисобот фақат бошланиши, давлат ва жамоат арбоблари, фан ходимлари ва амалиётчилар ўртасида бу муаммоларни янада чуқур муҳокама қилиш ва улар устида фикр юритишга таклифдир.

Ўтган йилдагидек ушбу ҳисоботнинг хусусияти шундан иборатки, унинг устида етакчи миллий ва халқаро экспертлар иш олиб боришган. Миллий экспертлар мамлакатнинг етакчи идоралари - "Ўзистиқболстат", Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги вакилларидан иборатдир. "Ҳисобот" катта статистик материал тўпланган бўлиб, унинг таҳлил қисмида иқтисодий ислоҳотларнинг ўз йўлини танлаган мамлакат - Ўзбекистоннинг ютуқларини ҳам, муаммоларини ҳам акс эттиради.

Инсоний тараққиёт ҳақидаги Миллий Ҳисоботни тақдим этар эканман, у мамлакатнинг давлат ва жамоат арбобларига, халқаро жамоатчилик вакилларига, олимларга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, унинг халқини барқарор ривожлантиришни таъминлашдан ғоят манфаатдор барчага фойдали бўлади, деб умид билдираман.

***Ўктам Исмаилов***

**Бош вазирнинг ўринбосари**
**"Ўзистиқболстат" раиси**

***Халид Малик***

**БМТ доимий**
**мувофиқлаштирувчиси**



www.ziyouz.com kutubxonasi






www.ziyouz.com kutubxonasi

# Мундарижа

## *Сўз боши*

1995 йил ёш Ўзбекистон давлати тарихида халқнинг иқтисодий барқарорликни тиклаш, иқтисодий юксалиш учун шароит яратиш, яхши келажак учун умид уйғотишга интилишида уни жипслаштириш йили бўлди.

"Инсоний тараққиёт бўйича ҳисобот. Ўзбекистон. 1996" қуйидаги муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган:

- инсоний тараққиёт ва иқтисодий юксалиш муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги;
- инсоний тараққиётни белгиловчи энг муҳим соҳалар: соғлиқни сақлаш ва маорифда ислоҳотларни амалга ошириш;
- қишлоқ жойларида ижтимоий тараққиёт хусусиятлари;
- Ўзбекистон аҳолисининг истиқомат қилиш муҳити;
- камбағаллик ва унга қарши кураш дастурлари.

## *1-боб. Инсоний тараққиёт, концепция ва сиёсат*

Ўзбекистон давлатчиликка эга бўлиб, зиммасига ўз фуқароларига ривожланишнинг муносиб даражасини, улар хавфсизлигининг етарли даражасини таъминлаш, камбағалликни бартараф қилиш ва унга йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш мажбуриятини олди. Ҳеч қандай ислоҳот, агар у одамлар ҳаётини яхшилашдан иборат пировард натижага қаратилмаган бўлса, ўзича аҳамиятга эга бўлмайди.

Шунинг учун Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда ҳукуматнинг иқтисодий стратегияси учта вазифани ҳал этишга қаратилган:

1. Ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш.
2. Иқтисодий юксалишнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришиш.
3. Барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратиш.

Ҳукумат шуни ҳам тушунадики, янги мустақил давлат учун иқтисодиётни жонлантириш жамиятни маданий ва маънавий қайта тиклаш билан қўшиб олиб борилиши керак, бунда мустаҳкам ижтимоий негиз барқарор иқтисодий юксалишни таъминлаши керак.

Ўзбекистон учун табиий ресурслар ва сармояни жамғариш билан бирга инсон капиталига сарфланган маблағ - ишчилар кучи малака даражасини ошириш, соғлиқни сақлаш ва овқатланишга харажатлар, маориф, малакани ўзгартириш ва илмий тадқиқотларга сармоялар иқтисодий юксалишнинг энг муҳим манбаи ҳисобланади.

1995 йилда Ўзбекистон макроиқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида муайян ютуқларга эришди. Ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайишини тўхтатиш, пулнинг қадрсизланиш суръатини сезиларли равишда пасайтириш, инвестицияларни кўпайтириш ва давлат бюджети камомадини паст даражада сақлаб қолишга муваффақ бўлинди.

Бунда иқтисодиётнинг устун тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган институционал ислоҳотлар, сектор ўзгаришлари кўмаклашди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### *2-боб. Инсоний тараққиёт: ўтмишнинг акс эттирилиши ва келажакка назар*

Бой табиий ресурслари, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқлар малака даражасининг юксаклиги, кўникмалари ва меҳнатсеварлигига қарамай, 80-йилларнинг охирларидаёқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад, меҳнат унумдорлиги, аҳолининг реал даромадлари салбий нисбатга эга эди.

1991 йилда бошланган ислоҳотлар собиқ Иттифоқ барбод бўлгани муносабати билан хўжалик алоқаларининг узилишини бартараф этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш учун шароитларни яратишни мақсад қилиб қўйган эди.

Одатда ислоҳотлар дастлабки босқичда юқори ижтимоий қийматга эга бўлади. Ўзбекистон ҳукумати шуни ҳисобга олиб ислоҳотларнинг юқори ижтимоий қийматини камайтириш ва уларнинг муваффақиятини таъминлаш чора-тадбирларини кўрди.

1995 йилда ислоҳотларнинг мўлжалланган режасини муваффақиятли амалга ошириш туфайли аҳолининг реал даромадлари ошди, гўдаклар ва оналарнинг ўлими қисқарди, кутилаётган умрнинг давомийлиги ошди.

Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Мамлакат улкан ҳайдаладиган ер майдонларига, йилига икки ва ундан ортиқ ҳосил йиғиб олиш имконини берадиган ажойиб табиий шароитларга эга. Шу билан бирга қишлоқ жойларида аҳолининг кўпайиши анча юқори. Ҳар йили қишлоқда қарийб 500 минг бола ёки бир йилда мамлакатда туғилган ҳамма болаларнинг 70 фоизи дунёга келмоқда.

Бугунги кунда қишлоқда мамлакатнинг 16 ёшгача бўлган учта боладан учтаси, 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган бутун ёшларининг деярли 60 фоизи истиқомат қилмоқда, Ўзбекистоннинг асосий бўлажак потенциали шу ердадир.

Ўзбекистоннинг бевосита қишлоқ хўжалигида ва у билан боғлиқ бўлган агросаноат тармоқларида бутун ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизигача қисми вужудга келтирилмоқда. Қишлоқ жойларида мамлакат бутун банд аҳолисининг 55 фоизи ишламоқда.

Ўзбекистоннинг имконият тараққиётига ёндашувида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўрта маълумотга, бошланғич тиббий-санитария ёрдамига, овқатланишга, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида иштирок этишига бир хилда йўл очиқлигига эътибор берилган.

Шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасида сезиларли фарқ мавжуд бўлиб, улар иқтисодий, демография омилларига, миллий одатлар ва анъаналар билан шарт қилиб қўйилган.

Турмуш сифатини ошириш ва камбағалликни қисқартириш дастурлари қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ошириш, қишлоқда ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга қаратилган чораларни ўз ичига олиши керак.

### *3-боб. Қишлоқни ривожлантириш ва инсоний тараққиёт*

Қишлоқни ривожлантириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Қишлоқ аҳолисининг ташаббускорлиги ва ижодий ғайратини оширишга кўмаклашадиган институционал ислоҳотларни ўтказиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ошиши учун ҳал қилувчи жиҳат ҳисобланади. Одамлар ишлаб чиқаришни ошириш учун аниқ иқтисодий омилларга муҳтождир. Жамоа хўжаликларини фермерлик уюшмаларига айлантириш бу йўналишдаги қадам ҳисобланади, уларда фермерлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш масалалари юзасидан мустақил қарор қабул қилиш учун кўпроқ имкониятга эга бўладилар. Фермерлар ўртасида узоқ муддатли ижара асосида ерни тақсимлаш улар фаолиятини анча яхшилаши ва инвестицияларни рағбатлантириши керак. Мерос бўлиб қолган буйруқбозлик тизимидан воз кечиш қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг ташаббусини анча ошириш имконини беради.

Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш катта инсоний муаммо ҳисобланади. Аввалги тартибдан мерос бўлиб қолган яширин ишсизлик юқоридир.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликка қарши кураш дастурлари қишлоқ аҳолиси бандлик даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, қишлоқда бозор муносабатлари ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак.

Ўзбекистонда қишлоқни ривожлантиришга бағишланган бўлим фақат қишлоқ жойларида инсоний тараққиёт муаммоларинигина эмас, шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ жойларида инсоний тараққиёт даражаларининг мутаносиблигини ҳам тадқиқ этади. Ҳисобот жавоб беришга уринган саволлар орасида қуйидагилар бор: Инсоний тараққиёт даражаси юзасидан шаҳар ва қишлоқ қандай фарқланади? Номутаносибликнинг асосий сабаблари нимада? Қишлоқ аҳолисига ўз ривожланишларига шаҳарликлар фойдаланадиган имкониятларни реал тақдим этиш учун нималар қилиш керак? Қишлоқ учун шаҳардаги одамлар турмуш даражаси ва тарзи билан номутаносиб бўлган ноқулайликни бартараф этиш учун жамият ишлаб топаётган маблағни қишлоқни жадал ривожлантириш фойдасига қандай қайта тақсимлаш лозим? Ўзбекистон учун бу муаммолар қанчалик муҳим? "Ўзбекистонда Инсоний Тараққиёт бўйича Миллий ҳисобот. 1996" асосини ана шу ва бошқа масалалар ташкил этди.

Қишлоқ иқтисодиётигаислоҳотларнинг жорий этилишини таҳлил қилиш ҳисоботнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

## *4-боб. Уй-жой, уй-жой инфраструктураси ва инсоний тараққиёт*

Инсон турмуш даражаси ва сифати одамларнинг яшаш муҳити: уй-жой, уй-жой хизматлари, атроф муҳитга мустаҳкам боғлиқдир.

Жон бошига даромадлар даражаси пастлиги, овқатланиш ва тоза ичимлик суви борасида муаммолар борлигига қарамай, Ўзбекистон аҳолиси асосан якка тартибдаги уй-жой билан таъминланган. Ўтиш даврида маблағ билан таъминлаш етарли бўлмаганлиги ва пулнинг қадрсизланиши юқорилиги туфайли якка тартибдаги уй-жой қурилиши анча камайганига қарамай, мамлакатда уйсизлик муаммоси йўқ. Иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи давомида мамлакатдаги собиқ давлат квартираларининг деярли ҳаммаси хусусийлаштирилди. Шунинг учун Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси улар истиқомат қилаётган уй-жойнинг эгаси ҳисобланади.

Квартираларни хусусийлаштириш ва уй-жой олди-сотдиси соҳасидаги қонунларни либераллаштириш уй-жой бозорини вужудга келтириш имконини берганига қарамай, унинг ривожланиши ҳозирча халқаро стандартларга жавоб бермайди. Бу квартиралар ва уйларни сотишда улар нархининг баланд бўлиши сабабларидан бири ҳисобланади, бундан кейинги уй-жой қурилишига тўсқинлик қилади ва келажакда ёш оилаларни янги уй-жой билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Уй-жой бозорини ривожлантириш унинг қонуний асосларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

мустаҳкамлаш, кўчмас мулкни сотиш бўйича профессионал агентликлар, инвестицияларни жалб этиш учун шароитлар яратиш билан боғлиқдир.

Одамларнинг яшаш муҳитини уй-жой шароитлари билан бирга миллий урф-одатлар ва анъаналар вужудга келтиради. Мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистонда совет жамиятидан олдинги ўтмишда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар қайта тикланмоқда, улар ёшларни тарбиялашда иштирок этмоқда, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар улар зонасида истиқомат қилаётган барча оилалар уларнинг қувончлари ҳам, ташвишларида ҳам ёрдамга келмоқда.

Давлат уй-жой инфраструктурасини, айниқса қишлоқ жойларидаги уй-жой инфраструктурасини ривожлантиришга катта маблағ сарфламоқда. Якка тартибдаги уй-жойларнинг сув, газ ва электр энергияси, канализация, иссиқлик билан юқори даражада таъминланганини ана шу билан изоҳланади. Ўзбекистон қишлоқ аҳолисига ана шундай хизматлар кўрсатиш, шунингдек маориф ва соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатиш жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини таъминлади.

### *5-боб. Ижтимоий инфраструктура: барқарор инсоний тараққиётни таъминлаш мақсадидаги ислоҳотлар*

Ўтиш даврининг мураккабликларига қарамай, Ўзбекистон аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ўзининг кўпгина мавқеини сақлаб қолди. Анча дуруст тиббий хизмат кўрсатиш тизими шаҳар аҳолиси учун ҳам, қишлоқ аҳолиси учун ҳам асосан бепул ва ҳаммабоп бўлиб қолмоқда. Умрнинг узоқлиги ошди, гўдаклар ва оналарнинг ўлими қисқарди. Шу билан бирга аҳоли саломатлиги ва овқатланиши соҳасида салбий жараёнлар ҳам мавжуд: касалликларнинг олдини олиш унча кучли эмас, мамлакат соғлиқни сақлаши аҳолини эмлаш соҳасида ғоят заиф, чунки хорижий вакциналар ва сиворотказарнинг етказиб берилишига боғлиқдир.

Молиявий ресурслар етарли бўлмаган шароитда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бюджет ресурсларини устун йўналишлар: профилактика бошланғич соғлиқни сақлашни мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қайта йўналтиришни назарда тутиши керак.

Инсоний тараққиёт ва таълим ўртасида мустаҳкам алоқа мавжудлиги равшан. Ўзбекистонга хос бўлган аҳоли таълимининг юқори даражаси - мамлакатнинг олий ютуқларидан бири. Ўзбекистон аҳолиси амалда мутлақ саводхон бўлган унча кўп бўлмаган ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Шу билан бирга молиявий чеклашлар туфайли ялпи ички маҳсулотда таълимга харажатларнинг салмоғи 1993 йилдаги 11 фоиздан 1995 йилда 9,9 фоизга камайди. Шу йилларда ялпи ички махсулот ҳажми ҳам камайиб борганини хисобга олсак, таълимга ажратилган реал маблағлар унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва жорий эхтиёжларини молиялаштириш учун етарли эмас эди. Бунинг натижасида мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртларини таъмирлаш, уларни зарур ускуналар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш билан боғлиқ кўпгина муаммолар мавжуд. Педагоглар иш ҳақининг юқори эмаслиги ва бунинг оқибатида тармоқдан малакали кадрларнинг кетиб қолиши алоҳида муҳим муаммо ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси таълим соҳасида ислоҳотларни жадаллаштиришни зарур қилиб қўяди. Ўтиш давридаги энг кичик вазифа эришилган натижаларни йўқотмай таъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лим тизимини ислоҳ қилиш, унинг янги ҳаётий воқеликларга мослаштиришдан иборатдир. Ҳозирнинг ўзида ўтиш давридан кейин таълимни ривожлантириш учун янги пойдевор яратиш янада муҳимдир.

### *6-боб. Камбағаллик ва ижтимоий ҳимоя*

Собиқ Совет Иттифоқида камбағаллик ва қашшоқлик муаммоси очиқ муҳокама қилинмаган бўлса ҳам, у кўпгина бошқа мамлакатлардаги каби ғоят ўткир бўлиб турган эди. Шуни айтиш кифояки, фақат Ўзбекистон бўйича 1989 йилда собиқ совет статистикаси томонидан расмий равишда рўйхатга олинган маълумотларга кўра барча оилаларнинг 44 фоизи киши бошига мамлакатда белгиланган энг оз иш ҳақидан кам пул даромадига эга эди.

Ўтиш даври собиқ СССРнинг барча давлатлари учун бу муаммоларни чигаллаштирди. Аҳолининг ўзларини камбағал деб ҳис қиладиган янги табақалари: қочоқлар, тобора кўпайиб бораётган ишсизлар, қайд этилган кам миқдордаги иш ҳақига эга бўлган нафақахўрлар, ўқувчилар, ижтимоий тармоқларнинг ходимлари вужудга келди. Хотин-қизлар, кўп болали оилаларнинг моддий аҳволи ёмонлашди. Бу муаммоларнинг қай бири Ўзбекистон учун долзарб, улар қандай ҳал этилмоқда, камбағаллик муаммосини ҳал этиш учун яна нималар қилиш мумкин? Ана шу масалалар ушбу Ҳисобот диққат марказидадир. Ҳисоботда кўриб чиқилаётган аксарият муаммоларга камбағаллик ва уни қисқартириш юзасидан стратегияни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан қаралган.

Камбағалликни белгилашга учта турлича ёндашув мавжуд: даромадлар бўйича камбағаллик; инсондаги мавжуд қобилиятларни рўёбга чиқариш мумкин эмаслигига кўра камбағаллик; атрофдаги мавжуд ҳолатга нисбатан турмуш даражасидаги жиддий фарқ билан белгиланадиган камбағаллик. Даромадлар бўйича камбағалликда нисбий ва мутлақ камбағалликни ажратиб кўрсатиш мумкин. Даромадлар даражаси яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдор (энг кам истеъмол савати) билан таққосланади. Даромадларнинг ана шу энг кам даражаси кейинчалик "камбағаллик чизиғи"ни белгилаш учун негиз бўлиб қолади. "Камбағаллик чегараси"дан кам даромадга эга бўлган одам камбағаллар тоифасига мансуб бўлади.

Камбағалликни белгилашга иккинчи ёндашув - бу ҳар бир одамдаги мавжуд қобилиятларни рўёбга чиқаришнинг мумкин эмаслиги. Бу ҳолда даромадлар одамларга ўз қобилиятларини ривожлантириш имконини берадиган восита бўлиб қолади. Пировард мақсад даромадлар эмас, умрнинг узоқлиги, яхши соғлиқ, жаҳон билим манбаларидан баҳраманд бўлиш ва ҳоказолар ҳисобланади. Бундай ёндашувда одамлар, агар у ёки бу сабабга кўра уларнинг ўзларидаги мавжуд потенциални ривожлантиришдаги имкониятлари чекланган бўлса, камбағаллар тоифасига мансуб бўладилар.

Ана шу концепцияга асосланиб, одатда потенциал имкониятлари чеклангани муносабати билан вужудга келган аҳвол туфайли камбағалликка тез дучор бўладиган аҳолининг "заиф гуруҳлари": ногиронлар, ёлғиз оналар, етим болалар, кекса кишилар ва ҳоказолар ажратиб кўрсатилади.

Учинчи ёндашув ўз даромадлари даражаси, потенциалини ривожлантириш имкониятлари, турмуш даражасининг бошқа хусусиятлари бўйича атрофидаги одамлардан ва ушбу жамиятда қабул қилинган меъёрлардан сезиларли фарқ қиладиган кишиларни камбағаллар қаторига киритади. Бу концепцияда камбағал бўлиш ушбу жамиятда мақбул бўлган стандартлардан


www.ziyouz.com kutubxonasi

паст бўлишни билдиради. Одам унга даромадлар етишмагани ёки у ўз қобилиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлмагани учун камбағал эмас, балки у бу борада яқин атрофидаги бошқа кишиларга нисбатан чекланганлиги учун камбағалдир.

Ўтиш даврининг мураккабликларига қарамай, Ўзбекистонда нисбий камбағалликнинг кўпайганлиги, шунингдек даромадлардаги тенгсизлик кучайганлиги белгилари мавжуд бўлса ҳам мутлақ камбағалликнинг кенг оммалашиши кузатилмаяпти.

Ҳукумат аҳолининг заиф табақаларига кам таъминланган оилаларга нафақалар, моддий ёрдам кўрсатиш, пенсия таъминоти тизими орқали ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг кенг дастурини ишлаб чиқди ва жорий этмоқда.

Шу билан бирга камбағалликка қарши кенг миқёсдаги кураш даставвал қуйидагиларга қаратилган чораларни ўз ичига олади:

- иқтисодий юксалиш;
- меҳнатни қилиш соҳаларини кенгайтириш;
- майда ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- бозорларнинг фаолият кўрсатишини яхшилаш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# I боб. Иқтисодий ислоҳотлар ва инсоний тараққиёт

### *1.1. Инсоний тараққиёт - концепция ва сиёсат*

Одам ҳаётини яхшироқ қилиш йўлларини излаш инсониятни қадимдан ташвишга солиб келади. Прагматизмга асосланган йигирманчи аср аввалги даврларнинг утопик ғояларини четга суриб қўйиб, беихтиёр тарзда иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва ишлаб чиқариш самарадорлигини жамият хатти-ҳаракатини танлашнинг асосий мезони даражасига кўтарди. Иқтисодиётни ташкил этишнинг бозор тизими "нимани ва қанча ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш" саволларига жавоб бериб одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг энг самарали йўлларини танлаш масалаларини анча муваффақиятли ҳал этмоқда. Бироқ одамнинг ҳаётий фаолияти, унинг турмуш шароитлари, руҳий ва маънавий қадриятлар бу тизим ортида қолмоқда. Шу билан бирга шу нарса мутлақо равшанки, мазкур асрда одамнинг ҳаётий фаолияти барча соҳаларини ривожлантиришда эришилган тараққиёт одамнинг ўзини жамият ривожланишининг марказига қўйиш заруратини кучайтиради ва бунинг учун имконият яратади. Жамият учун инсоннинг ўзи: унинг турмуш ва иш шароитлари, маълумот олиш имконияти, унинг саломатлиги, жисмоний ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялаш имконияти, атроф муҳит ва турар жой ва бошқалардан муҳимроқ ҳеч нарса йўқдир. Инсонни ривожлантириш - инсоний жамиятнинг асосий мазмуни, яшаш шаклидир. Барқарор инсоний ривожланиш концепцияси инсонни ривожлантиришдек бош манба, ундовчи ғоя ва одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг бош мақсадини тиклайди. Бу ерда ишлаб чиқариш инсоннинг муносиб яшаши учун мақсад сифатида эмас, восита сифатида ўртага чиқади. Шу билан бирга бу ерда тескари алоқа - одамлар ривожланиш даражасини ошириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янада юқори даражасига ҳам эришилади. Жамият тараққиёти мамлакат иқтисодий потенциалининг қанчалик юксаклиги билан эмас, балки бу потенциал ҳар бир кишининг гуллаб-яшнаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилганлиги билан баҳоланади. Инсоний тараққиётнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадларини оқилона қўшиб олиб борилганда инсоний тараққиётининг барқарор тусда бўлишига эришиш мумкин. Яъни ҳозирги пайтда бу соҳадаги тараққиётга келажак авлодларга зарар етказиш ҳисобига эришилмаслиги керак. Инсоният тараққиёти соҳасида доимий тараққиёт бўлиши, йил сайин аввалги даврларда эришилган даража такомиллаштирилиб ва ошириб борилиши зарур. Шу билан бирга узоқ муддатли мақсадлар ҳозирги пайтда инсонни ривожлантириш юксак мақсадларини инкор этиш деган маънони билдирмайди.

*Инсоний тараққиёт - бу жамиятни ривожлантириш мақсадлари тўғрисида фикр юритишнинг янги ва ўзига хос йўли*

### *1.2. Ислоҳотларнинг бош мақсади - инсонни ривожлантириш*

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларнинг ўзи танлаган йўлини изчил амалга оширмоқда. Бу МДҲнинг бошқа кўпгина давлатларида қўлланилган "карахт қилиб қўювчи" усулга нисбатан аста-секин олиб бориладиган прагматик ёндашувдир. Бу ёндашув кўп жиҳатдан одамлар турмуш даражасини ҳимоялашга ва улар инсоний ривожланиш даражасини сақлаб қолишга қаратилгандир. Бундай ёндашувда иқтисодий йўқотишлар энг кам миқдорга келтирилди ва эндиликда мамлакат ўзининг иқтисодий юксалиши ва ривожланиши арафасида турибди. Халқаро дунёда Ўзбекистон малакали ишчи кучига, улкан табиий ресурсларга эга



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ҳар бир кишининг жамият ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши орқали одамларнинг муносиб турмуш даражасига эришиш - Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий ғояси*

бўлган сиёсий жиҳатдан барқарор давлат сифатида қаралмоқда, бу эса тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш учун жуда қулай имкониятларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон муваффақияти кўп жиҳатдан Президент Ислом Каримов бошқараётган ҳозирги ҳукумат сиёсати билан боғлиқдир. Аввал бошданоқ ислоҳотларнинг ҳар бир қадами пухта ўйланган эди. Аввалги идеология зўравонлиги ўрнини қонуннинг устунлиги эгаллади. Хусусий иқтисодиётга ривожланиш учун давлат сектори билан бирга тенг шароитлар яратиб берилди. Бозорнинг тўла эркинлиги ҳақидаги шубҳали шухрат қозонган ёндашув рад этилди. Иқтисодий ислоҳотлар стратегияси эса иқтисодиётда давлатнинг асосий ўрин тутиши принципига асосланган эди. Ижтимоий сиёсат иқтисодиётни либераллаштириш Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини анча ёмонлаштиришга олиб келмаслигига қаратилган эди.

Ўзбекистон давлатчиликка эришиб, ўз зиммасига фуқаролари ривожланишининг муносиб даражасини, улар хавфсизлигининг етарли даражасини таъминлаш, камбағалликни бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик юзасидан барча чораларни кўриш мажбуриятини олди. "Бозор иқтисодиётига барқарор ижтимоий йўналтирилган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш пировард мақсад ҳисобланади..."

Ҳеч қандай ислоҳот, агар у одамлар ҳаётини яхшилашдек пировард натижага йўналтирилган бўлмаса, ўзича ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди. Ислоҳ қилиш учунгина ислоҳ қилиш беҳуда гапдир. Ҳеч нарса ўзининг соғлом ва қувноқ боласига тикилиб турган онанинг бахтли жилмайишидан қимматроқ бўлмайди, ҳеч нима қашшоқлик, саводсизлик, одамларнинг касалликлари ва ҳалок бўлишини оқлай олмайди. Ҳеч нарса ҳар бир киши ўз қобилиятларини намойиш эта оладиган, ўзига ва ўз оиласига муносиб турмуш даражасини таъминлай оладиган тизимни яратишдан адолатлироқ бўла олмайди.

**Ҳар бир кишининг жамият ривожланишига муносиб ҳисса қўшиши орқали одамларнинг муносиб даражасига эришиш - Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий ғояси.**

Тўғри, барқарор инсоний тараққиётнинг моддий асосини биринчи навбатда илмий-техник ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш, мавжуд табиий ресурслардан янада самарали фой-

**1.1. қўшимча. Ўзбекистоннинг мақсадлари ва устунликлари**

Ўзбекистон янги истиқлол давлати сифатида зиммасига қуйидаги мақсадлар ва устунликлар ҳақида мажбурият олди:

инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, маданиятларнинг хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, этник ва диний негиздаги бирон-бир зиддиятга йўл қўймаслик;

тинчлик ва ўз фуқаролари хавфсизлиги манфаатларини, мамлакатда ижтимоий барқарорликни ҳар қандай бошқа: иқтисодий, мафкуравий, сиёсий манфаатлардан юқори қўйиш;

одамнинг яшаш муҳити сифатида атроф муҳит ҳолатини сақлаш ва яхшилашга алоҳида аҳамият бериш. Мамлакат бундан кейин ҳам энг мушкул улкан экологик муаммоларидан бири - қуриб бораётган Орол денгизи муаммосини ҳал этишга катта миқдордаги маблағлар ажратаверади;

фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолияти, тадбиркорлик билан шуғулланишга, касб танлашга ва ўз меҳнати билан қатнашишга кафолатли конституцион ҳуқуқларни таъминлаш;

аҳоли саломатлигини сақлаш, умумий ўрта таълимни таъминлаш, олий касб маълумотини оширишда фаол иштирок этиш, жамиятнинг таълимий ва интеллектуал потенциалини ошириш учун шароитлар яратиш;

бозорга ўтиш даврида ва шундан кейинги даврларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича олдиндан кўриладиган чоралар шаклидаги кучли ижтимоий сиёсатни таъминлаш;

ўзбек халқининг фуқароларнинг ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари - маҳалла йиғинларини жалб этиш шаклидаги одамларнинг бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатиши бўйича асрий анъаналарини тиклаш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

даланиш, шунингдек яратилган миллий маҳсулотни жамиятнинг барча аъзолари ўртасида янада адолатли тақсимлаш билан тахминланадиган барқарор иқтисодий юксалиш ташкил этади. Бироқ ёш Ўзбекистон давлати учун барқарор инсоний тараққиётнинг маънавий асосини Ўзбекистон халқларининг буюк маданий ва маънавий меросини, улар тарихини, юксак ахлоқий ва маънавий принциплари, негизлари, анъаналарини инсоний маданият, жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги ютуқлари билан қўшган ҳолда қайта тиклаш ва ривожлантириш ташкил этиши ғоят муҳимдир.

Ўтиш даврининг биринчи йилларида Ўзбекистон бошқа кўпгина давлатларда қўлланилган анча радикал бўлган "карахт қилиб қўювчи терапияга" муқаррар ҳамроҳ бўлган ислоҳотларнинг юксак ижтимоий қийматини четлаб ўтиш имконини берадиган сиёсатни қатъият билан олиб борди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон иқтисодиёти пасайган бўлса ҳам, инсоний тараққиётнинг кўпгина кўрсаткичлари барқарор бўлиб қолди ва ҳатто ошди. Таълим даражаси юқори бўлиб қолмоқда, умрнинг узоқлиги ошиб бормоқда, оналар ва гўдакларнинг ўлими камайди.

Мамлакатнинг муваффақиятлари кўп жиҳатдан унинг одамлари билан боғлиқдир. Ўртача жон бошига тўғри келган даромадлар даражаси нисбатан юқори бўлмаган ҳолда мамлакатда инсоният тараққиёти даражаси жуда юқоридир. Мамлакат шубҳасиз энг қимматли ички ресурсларга: соғлом, яхши маълумотга ва касб таълимига эга бўлган ишчи кучига эга. Агар бу ресурслар тўла ишга солинса ва улардан самарали фойдаланилса, барқарор иқтисодий юксалиш таъминланади.

Шу билан бирга сезиларли ижтимоий мақсадлар ва устунликларнинг эълон қилиниши мамлакат олдида инсоний тараққиёт соҳасида муаммолар йўқ, деган маънони билдирмайди. Мамлакат аҳолиси жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари билан қиёс қилса бўладиган таълим ва маълумотлилик даражасига, бой табиий ресурсларга эга бўлиб, халқнинг асрий қадриятлари сифатида меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам туйғуларини мерос қилган ҳолда ишлаб чиқариш тузилмасининг мукаммал эмаслиги, иқтисодий ривожланиш даражаси етарли эмаслиги натижасида жамиятнинг ҳар бир аъзосига ҳисоблаганда пул даромадларининг паст даражасига эгадир. Шунинг учун бугунги кунда мамлакатнинг ўртача фуқароси кўпгина муаммоларни бошидан кечирмоқда.

### *1.3. Инсоний тараққиёт ва иқтисодий юксалиш*

*Ижтимоий стратификацияни ислоҳ қилишда бир ижтимоий поғонадан бошқасига ўтиш осонлиги омили алоҳида аҳамиятга эга бўлади*

Иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт ўртасидаги нисбат ҳақидаги масала мунозарали, ҳатто бирбирига зид ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам БМТТР "1996 йилда инсоният тараққиёти ҳақидаги улкан ҳисобот"ни ана шу муаммога бағишлаб, уни зиддиятга олиб келдими? Инсоний тараққиёт концепцияси иқтисодий юксалишга тўсқинлик ҳисобланадими? Инсоний тараққиёт ва иқтисодий юксалиш пировард натижада битта мақсадга олиб келадими? Бу тушунчалар бир-бирига мос келадими? Ёки инсоний тараққиёт концепцияси мутлақо бошқа сиёсий қўлланишга эгами, асосий эътиборни иқтисодий юксалишга қаратадиган ёндашувга муқобил ёндашув ҳисобланадими?

Эҳтимол бу муаммо юзасидан назарий мунозара қилишнинг охири бўлмаса керак. Ушбу ҳисобот инсоний тараққиёт ва иқтисодий юксалиш концепциялари ўртасида мустаҳкам ўзаро алоқа бор, деган фактни амалда тасдиқлашга ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилиб қўйган.

Кейинги йилларда ўтиш даврини бошидан кечирган бошқа давлатлар билан бирга иқтисодий пасайишни бошидан кечирган Ўзбекистон учун иқтисодий юксалиш муаммоси учта изчил босқичдан иборатдир. Биринчи ва иккинчи босқичлар иқтисодиётдаги пасайишни тўхтатиш ва тегишли равишда иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш, шунингдек иқтисодий юксалиш учун шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар билан боғлиқдир. Учинчи



www.ziyouz.com kutubxonasi

босқич - бу барқарор иқтисодий юксалиш босқичидир.

Биринчи ва иккинчи босқичларда инсоний тараққиётнинг эришилган даражасини сақлаш ва аста-секин ошириш учун шароитлар яратилиши керак. Учинчи босқичда - иқтисодиёт ва инсоний тараққиётнинг барқарор ўсиши учун шароит яратиш зарур.

### *1.3.1. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш манбалари*

Иқтисодий фанни ривожлантиришнинг дастлабки босқичларидаёқ барқарор иқтисодий юксалишни таъминлайдиган аҳоли жон бошига даромадларнинг юқори даражаси манбаи сифатида табиий ресурслар (табиий сармоянинг) муҳимлигини кўрсатиш анъанага айланган эди. Ўзбекистон бой табиий ресурсларга: нефть, газ, олтин, бошқа рангли ва ноёб металларга, пахта, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун яхши табиий шароитларга эга. Ўзбекистон эга бўлган табиий ресурслар йиғиндиси мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий ва молиявий барқарорлаштиришни таъминлаш учун иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида улардан фойдаланиш юзасидан қулай шароитларни вужудга келтиради.

*Фақат табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган иқтисодий юксалиш барқарор бўла олмайди*

Бироқ табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган юксалиш чексиз давом этиши мумкин эмас, чунки ишлаб чиқариш кенгайиб бориши билан муқаррар равишда фойдаланилаётган ресурслардан самара камаяди: ерларнинг унумдорлиги, қазиб олинаётган рудалардаги фойдали қазилмалар концентрацияси камаяди ва ҳоказо. Эртами-кечми фойдаланилаётган табиий ресурслардан самаранинг пасайиши иқтисодий турғунлик сабаби бўлиши мумкин, бунда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ошиши тўхтаб қолади.

Ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатлар ўзларининг иқтисодий юксалишларини табиий капитал: нефть ва газ, ёғоч-тахта материаллари, балиқ, минерал хом ашё ва бошқалардан фойдаланишга асослаётган бўлсалар ҳам, бироқ тобора кўпроқ табиий ресурслардан фойдаланишни кенгайтиришга асосланган юксалиш уларни тўлдириш даражасидан ортиқ эканлиги (тикланадиган ресурслар бўлган ҳолда) ёки истеъмол қилинган ресурсларни умуман қопламайди (тикланмайдиган ресурслар бўлган ҳолда) деб тан олинмоқда.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари бундай ёндашувнинг бутун ҳалокатлилигини ўзларида синаб кўрдилар: сув ресурсларини пахта етиштириш учун ҳаддан ташқари ишлатиш натижасида Орол денгизидаги сув камайиб кетди.

Бу муаммонинг иқтисодий жиҳати ҳам бор. Юксалиш негизи сифатида асосан табиий ресурслардан фойдаланадиган мамлакатларда иқтисодий юксалиш суръатлари одатда соф даромаднинг ошиши меъёрини ортиқча баҳолайдилар, чунки табиий ресурсларнинг камайишини ҳисобга олмайдилар. Бундан ташқари қайта тикланмайдиган ресурслардан фойдаланиш шунга тенг бўлган бирон-бир нарсани яратиш билан ўрни қопланмаса, мавжуд ресурслар пировард натижада, ҳатто одамларнинг эришилган турмуш даражасини сақлаш учун ҳам етарли бўлмай қолади. Шу тариқа фақат табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган иқтисодий юксалиш барқарор бўла олмайди.

Кўпгина мамлакатлар борки, улар ўз юксалишларини жисмоний, капитал - машиналар, ускуналар ва ҳоказоларни тўплашга асослайдилар. Иқтисодий тадқиқотларнинг кўрсатишича, капитални жамғаришнинг ўртачадан юқори бўлган меъёрига эга бўлган мамлакатлар иқтисодий юксалишнинг ҳам юқори суръатларига эга бўлганлар. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ўзининг индустриал сиёсатини иқтисодиётнинг иқтисодий юксалишини таъминлайдиган устун йўналишларига қўшимча капитал маблағ сарфлаш ҳисобига қурмоқда. 1995 йилда мамлакат инвестицияларнинг ижобий ошишига эришишга муваффақ бўлди. Аввалги 1994 йилга нисбатан у 102 фоизни ташкил этди. 1994 йил бошига ке-



www.ziyouz.com kutubxonasi

либ янада кўпроқ ошишига эришилди. Устун тармоқларга мамлакат барча капитал маблағларнинг қарийб 60 фоизи йўлланди.

Ўтиш давридаги бошқа давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам иқтисодий юксалишнинг ноанъанавий манбаи мавжуд. Бозор ўзгаришлари улар кенгайиб бориши билан бутун ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун янги рағбат бағишлайди, бу эса пировард натижада ўтиш давридаги иқтисодий барқарорлаштириш ва аста-секин юксалишнинг муҳим омили бўлиб қолади. Шу билан бирга ўзгартишлар жараёни юксалишнинг чексиз манбаи бўла олмайди.

Замонавий юксалиш назарияларининг асосий заифлиги шундаки, жисмоний капиталнинг иқтисодий юксалишга қўшаётган ҳиссаси жуда камтарона бўлиб чиқмоқда. Эксперт ҳисоб-китобларига кўра одатда табиий ва жисмоний капитал биргаликда эришилган иқтисодий юксалишнинг кўпи билан 40 фоизини таъминлайди. Қолган 60 фоиз инсоний омил туфайли таъминланади.

Бундай шароитларда инсоний капиталга қўшилган маблағ - ишчи кучи малакаси даражасини ошириш, соғлиқни сақлаш ва овқатланишга харажатлар, таълим, малака ошириш ва тадқиқотларга сарфланган инвестициялар иқтисодий юксалишнинг энг муҳим манбаи бўлиб қолади.

### *1.3.2. Макроиқтисодий барқарорлаштириш бўлажак иқтисодий юксалиш учун асос сифатида*

Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятлари кўп жиҳатдан ҳукумат ўтказаётган макроиқтисодий сиёсатга боғлиқдир. Ўз моҳияти жиҳатидан у марксистча догматик ҳам, монетаристик догматик ҳам ҳисобланмайди. Ҳукумат "карахт қилиб даволаш" билан боғлиқ хатоларни четлаб ўтишга муваффақ бўлди. Президент Каримовнинг "Янги уйни қурмай, эскисини бузмаслик керак" деган принципи бўйича анча секин, анча эхтиёткорона, анча мутаносиб ёндашувдан фойдаланилди. Барқарорлаштиришнинг қисқа муддатли мақсадларига потенциал иқтисодий юксалиш имкониятини бўғиш имкони берилмади.

Ўтиш даврининг бошқа мамлакатларидан фарқли равишда Ўзбекистон ҳаддан ташқари қаттиқ монетар сиёсатни қабул қилмади, бу сиёсат бутун макроиқтисодий сиёсат марказига пулни таклиф этишни қўяди. Бунинг ўрнига Ўзбекистонда пул сиёсати тузилиш ислоҳотларига ва иқтисодий юксалиш учун потенциал яратишга кўмаклашди.

*Ўзгаришлар жараёни юксалишнинг чексиз манбаи бўла олмайди*

Агар 1990 йил асос қилиб олинса, Ўзбекистондаги иқтисодий пасайиш нисбатан кам бўлди. 1990 йилга нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори тахминан 18,2 фоиз кам бўлди. Бу МДХдаги қўшни давлатлар: Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркманистондаги ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оғир пасайишидан кескин фарқ қилади. Бу давлатларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори 40-60 фоиз ва ундан кўпроқ пасайди. Россияда у тахминан 48 фоиз паст бўлди. Ўзбекистонда энг кўп пасайиш 1992 йилда кузатилди ва қарийб 11 фоизни ташкил этди.

**1.2. қўшимча. Иқтисодий барқарорлаштириш вазифалари**

Қуйидагилар Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлаштиришга эришишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайишига йўл қўймаслик, агар у тузилиш ўзгаришлари ва ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлмаса;

устун тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш фаолиятини барқарорлаштиришга кўмаклашиш;

давлат бюджети барқарорлигини ва корхоналар молиявий аҳволини мумкин бўлган даражаларда таъминлаш;

пулнинг қадрсизланиш жараёнини тўхтатиш;

тўлов баланси аҳволини ва давлат валюта резервлари аҳволини яхшилаш ва шу асосда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, шунингдек сўмнинг мустаҳкам хорижий валюталарга айирбошлаш курси барқарорлигини сақлаш;

ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасини мустаҳкамлаш учун кучли ижтимоий сиёсатнинг мутаносиблигини таъминлаш.

*Иқтисодий юксалишнинг 60 фоизи инсоний омил туфайли таъминланади*



www.ziyouz.com kutubxonasi

1995 йилда эса пасайиш атиги 1,2 фоиз бўлди.

Ислоҳотлар даври давомида бюджет тақчиллигини чеклаш ҳисобига иқтисодиётни барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этиш ва иқтисодий фаолиятни жонлантиришни барқарорлаштирувчи жорий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган харажатларни пул билан таъминлаш ўртасидаги оқилона нисбатни таъминлаш бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси бўлди. Ислоҳотларнинг бутун даври мобайнида бюджет тақчиллигининг ҳар йилги миқдори 3,5 фоиздан ошмади. Айни пайтда мамлакат ижтимоий эҳтиёжларга турли даврларда 40 фоиздан 50 фоизгача бюджет маблағларини сарфлади. Давлат бюджети харажатлари тузилмасида инвестицияларга харажатлар улушининг кўпайтиришнинг барқарор тамойилини шакллантириш фактини ижобий тамойил сифатида баҳолаш мумкин. Агар 1994 йилда бу кўрсаткич ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан 3,9 фоизни ва харажатлар умумий ҳажмига нисбатан 10,4 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда у тегишли равишда 6,7 ва 18,4 фоизни ташкил этди. Амалга оширилаётган сиёсат туфайли ҳозирги пайтда иқтисодиётда пасайиш суръатларининг секинлашишигина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг ошиши ҳам рўй бермоқда. Қишлоқ хўжалигидан ташқари бу саноатнинг ёнилғи-энергетика, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоқларига ҳам тааллуқлидир. Кейинги даврда пулнинг қадрсизланиши ўртача ойлик даражаси анча камайди ва 1995 йилда 5,9 фоизни ташкил этди. Бу Ўзбекистон ҳозирнинг ўзида пулнинг қадрсизланиш жараёнлари барқарор камайиши хос бўлган даврга кирганлигини билдиради.

### *1.3.3. Институционал ислоҳотлар*

Бозор иқтисодиётига ўтиш институционал ўзгартишларни ўтказиш доирасида тегишли бошқарув тузилмасини вужудга келтиришни белгилайди. Бугунги кунда республикада бошқаришни ислоҳ қилиш умуман амалга оширилди, дейиш учун асос бор. Маъмурий буйруқбозлик, бюрократик тизим негизини ташкил этувчи, марказлаштирилган режалаштириш тизими - Давлат режалаштириш қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нарх белгилаш қўмитаси, Давлат деҳқончилик ва саноат қўмитаси ва бошқаларнинг мустаҳкамлиги ва оғишмаслигини мужассамлаштирган органлар бекор қилинди. Улар ўрнига янги тузилмалар ташкил этилган бўлиб, улар янги бозор

**1.1-жадвал. МДҲ мамлакатларининг 1995 йилдаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари (1990 й. - 100 фоиз)**

| МДҲ давлатлари | Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш | Саноат маҳсулоти умумий ҳажми | Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти | Капитал маблағ сарфлаш |
|---|---|---|---|---|
| **Озарбайжон** | 38,2 | 45 | 54 | 33 |
| **Арманистон** | ... | 47 | 114 | ... |
| **Беларусь** | 60,5 | 61 | 73 | 41 |
| **Грузия** | ... | 17 | 26 | ... |
| **Қозоғистон** | 45,4 | 48 | 54 | 20 |
| **Қирғизистон** | 50,3 | 35 | 57 | 37 |
| **Молдова** | 38,6 | 44 | 66 | 14 |
| **Россия** | 62,2 | 50 | 67 | 30 |
| **Тожикистон** | ... | 44 | 36 | 21 |
| **Туркманистон** | ... | 65 | 76 | ... |
| **Ўзбекистон** | 81,8 | 39,9 | 89 | 54 |
| **Украина** | 44,4 | 53 | 61 | 26 |

***Манба: Статистика қўмитаси***



www.ziyouz.com kutubxonasi

иқтисодий муносабатларининг ташаббускорлари ва тарқатувчилари бўлиши керак. Марказий иқтисодий органлар ва вазирликларнинг фаолияти тубдан қайта қурилмоқда. Улар зиммасига юкланган вазифалар тубдан ўзгармоқда. Республикада икки даражали банк тизимини шакллантириш реал тарзда бошланди. Бир вақтнинг ўзида кредитив ва ҳисоб-китоб-операция муассасаси вазифаларини бажарган республиканинг собиқ Давлат банки ҳозир йўқ. Марказий банк зиммасига федерал захира тизими учун хос бўлган вазифалар юкланган. Мутаносиб равишда тижорат банкларининг ривожланиши рўй берди. Собиқ тармоқ давлат банклари тугатилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тузилди. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, унинг хусусий, нодавлат секторини тиклаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди. Унинг зиммасига кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат тасарруфидан чиқаришда устуворликларни белгилаш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш вазифалари юкланди. Ҳозирги пайтда республикада 4 мингтадан ортиқ очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари рўйхатга олинган. Фуқароларнинг иқтисодиётни ривожлантиришда фаол иштирокини таъминловчи фонд бозорлари ташкил этилди ва фаол фаолият кўрсата бошлади. Охирги йили республикада 2,7 миллиард сўмликдан ортиқ пулга акциялар сотилди. Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция муассасалари сифатида қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияларга эга бўлган 125 тадан ортиқ корхона ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

Ташқи алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни таъминлайдиган бошқарув тузилмаларини ташкил этиш институционал ўзгаришларнинг муҳим йўналиши бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилиб, унинг вазифасига халқаро товарлар ва хизматлар бозорларини таҳлил этиш, иқтисодий фаолият соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, экспорт-импорт маҳсулотларини етказиб беришни амалга ошириш, республиканинг барча ташқи иқтисодий ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш кирди.

Институционалислоҳотларни амалга ошириш давомида тармоқ вазирликлари уларни уюшмалар, иттифоқлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш орқали тўлалигича йўқ қилинди. Концернлар, уюшмалар ва корпорациялар таркибига корхоналар ва ташкилот-

**1.3. қўшимча. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи**

Режалаштириладиган, юқори даражада марказлаштирилган совет тизимидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига чуқур ўзгартириш Ўзбекистон каби мамлакатларда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотнинг асосини ташкил этади.

Институционал ислоҳот - ислоҳотларнинг биринчи ва энг қийин вазифасидир. Ислоҳотлар ҳуқуқий негизини вужудга келтириш уни ўтказишдаги биринчи қадам ҳисобланади. Аввал мавжуд бўлган қонунлар совет тузумининг манфаатларига хизмат қилиб, хусусий мулк, рақобат ва бозор муносабатлари мавжуд бўлишини истисно этарди. Бундан ташқари аввалги қонунлар Ўзбекистоннинг ўзига хослигини тўла даражада ҳисобга олмасди.

Бугунги кунда ислоҳотларни қонуний тарзда тартибга солишнинг ягона тизими вужудга келтирилган. Бу тизим ўз ичига 100 дан ортиқ асосий қонуний ҳужжатларни олади ва бир неча йўналиш бўйича амалга оширилади:

давлат томонидан бошқариш ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш принципларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш;

тизим ўзгартишларини, сифат жиҳатдан янги иқтисодий муносабатларни, даставвал мулкчилик муносабатларини амалга оширишни шарт қилиб қўядиган қонунлар тўпламини шакллантириш;

корхоналар хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонун шартларини яратиш ва янги бозор инфраструктурасини вужудга келтириш;

Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида белгиловчи ҳуқуқий меъёрларини вужудга келтириш;

одамнинг мустаҳкам конституцион ва юридик ҳуқуқларини, аҳолининг ижтимоий кафолатлари ва ижтимоий мададини таъминловчи қонунларни шакллантириш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар иқтисодий манфаатларнинг умумийлиги асосида кўнгилли равишда киради. Улар ўз фаолиятини пай ва кириш бадалларини тўлаш, қатнашчилар томонидан акциялар мажмуаларини сотиб олиш асосида ташкил этадилар. Ҳозирги пайтда нодавлат мулкида республикадаги барча корхоналарни 80 фоизи бўлиб, уларда иш билан банд бўлган барча аҳолининг 67 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда, иқтисодиётнинг бу секторида вужудга келтирилаётган миллий даромад улуши эса 60 фоиздан кўпроқдир.

### *1.3.4. Сектор ислоҳотлари*

Чуқур тузилиш ўзгартиришларини ўтказиш барқарор иқтисодий ривожланиш, аҳолининг фаровонлиги ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашга эришишнинг бош шартларидан бири ҳисобланади.

Тузилиш ўзгартишлари иқтисодий ислоҳотлардаги кенг миқёсни қамраб олади ва тўртта асосий йўналиш бўйича амалга оширилади:

**1. Тармоқ тузилиш ўзгартиришлари** республика эга бўлган бой табиий, минерал-хом ашё, меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланишга асосланди.

**2. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тузилишини ўзгартириш** республиканинг ишчи кучи ортиқча бўлган туманларида аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадларида амалга оширилди. Қишлоқ жойларида кичик ва хусусий корхоналарни жадал ривожлантириш учун шароитлар яратилмоқда, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш юзасидан кенг миқёсдаги иш олиб борилмоқда.

Шу мақсадларда республика ҳукумати томонидан бозор инфраструктурасини шакллантириш, солиқ, кредит имтиёзлари бериш ва қишлоқ жойларга инвестицияларни йўллаш бўйича тадбирлар мавжуи амалга оширилмоқда. Бунда ишчи кучи юқори даражада бўлган туманларга алоҳида эътибор берилмоқда.

**1.4. қўшимча. Тармоқ тузилиш ўзгартиришлари**

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки пайтдан бошлаб Ўзбекистон тузилиш ўзгартиришларидек мураккаб жараёнга киришди. Иқтисодиёт айрим секторларининг келажакдаги иқтисодий юксалишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, улар ҳукумат томонидан мақсадни қўллаб-қувватлаш учун танланди. Бевосита хорижий инвестициялар учун энг жозибадор бўлган қазиб олувчи саноат бунга мисол бўла олади. Юқори экспорт потенциалини ҳисобга олиб, ички ва хорижий инвестициялар учун пахта ва табиий газ жозибадор бўлиб қолмоқда.

Озиқ-овқат саноати ёки нефтни қайта ишлаш каби бошқа секторлар асосан импорт ўрнини қоплаш учун ривожлантирилмоқда, ваҳоланки, улар ҳам келажакда юксак экспорт потенциалига эга. Ислоҳотларнинг биринчи йилларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва нефть маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжларини ўзи таъминлаш Ўзбекистоннинг асосий мақсади бўлди. Бу мақсадга эришиш ҳукуматнинг энг йирик муваффақиятларидан бири ҳисобланади. Бухорода нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта тиклаш ана шундай сиёсат учун мисол бўла олади.

Металлургия саноатини ривожлантиришнинг асосий мақсади импорт ўрнини қоплаш бўлди. Бекобод металлургия комбинатини қайта тиклаш шу мақсадда амалга оширилмоқда. Ўз навбатида мис ишлаб чиқариш катта экспорт потенциалига эга.

Кимё саноатини ривожлантириш устун йўналишлардан бири бўлди, чунки хом ашёнинг ички манбаларига асосланиши мумкин эди. Бу манбаларнинг аксариятида углеводородлар кўп, улар полиэтилен, полипропилен ва полистерол ишлаб чиқариш учун ғоят муҳимдир.

Машинасозлик соҳасида асосий эътибор қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва пахта толасини қайта ишлашга қаратилган. ДЭУ ва Мерседес Бенц каби компанияларнинг бевосита хорижий инвестициялари туфайли автомобиль саноати тез ривожланмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**3. Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги хўжалик юритиш шакллари бўйича ўзгартишлар** давлат мулкининг яккаҳокимлигини тугатиш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда кичик хусусийлаштириш тугалланган, институционал тузилмалар, ихтисослаштирилган органлар ташкил этилган, улар давлат мулкини бошқаришни амалга ошириш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришга даъват этилгандир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилиши тубдан ўзгармоқда, айни пайтда нодавлат сектори устун мавқега эга бўлмоқда.

**4. Жамиятнинг ижтимоий (стратификация) тузилишидаги ўзгартишлар.** Бозор иқтисодиётининг ривожланиши жамиятнинг мураккаб, кўп қатламли стратификация тузилишини назарда тутади. Бу шу билан белгиланадики, тадбиркорликни ривожлантириш, замонавий жамиятда одамларнинг ижодий ва меҳнат потенциалини фаоллаштириш ўзининг ижтимоий мақомини сақлаб қолиш ва оширишга интилиш билан таъминланади.

Ўз таълимий, мулкий, лавозим мавқеига кўра эгаллаб турган ижтимоий поғона вакили сифатида ходимга муайян моддий аҳвол ва ижтимоий нафуз бавосита таъминланади.

Ўзбекистонда ижтимоий стратефикацияни ислоҳ қилишда бир ижтимоий поғонадан бошқасига ўтиш осонлиги омили алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Одамнинг у эгаллаб турган поғонадан янада юқорироқ поғонага ўтишини амалга ошириш мураккаблиги оддий киши сарфлайдиган куч-ғайратлардан ортиқча бўлмаслиги керак. Акс ҳолда одамлар турмушнинг сифат жиҳатдан янги стандартига ўтиш учун куч-ғайратларини сафарбар қилишдан манфаатдор бўлмайдилар. Уларга "тадбиркорлик вируси" таъсир кўрсатмайди, ўртаҳол синфни вужудга келтириш юзасидан барча куч-ғайратлар натижасиз бўлади.

Социалистик тузум мавжуд бўлган кўпгина ўн йилликлар давомида республикада уч-тўрт босқичдан иборат бўлган ижтимоий стратификациянинг энг содда тури сунъий равишда сақлаб турилди. Бу даврда ўртача одамнинг ўз ижтимоий ҳолатини ўзгартириши ғоят қийин эди, чунки ижтимоий поғоналардан ҳаракатланиши унинг меҳнат фаоллиги ва шахсий хизматларига жуда кам даражада боғлиқ эди.

Айни вақтда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда улар вакиллари турмуш даражасида муайян стандарт билан фарқланадиган стратификация поғоналари бир неча ўнтани ташкил этади. Бу бир томондан одамларнинг ўз ижодий ва профессионал қобилиятларини фаоллаштиришдаги муайян сустликларини ва бошқа томондан ғарб тадбиркорларининг ишчанлиги ва меҳнат фаоллигини шарт қилиб қўйган эди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши шароитларида аҳолининг меҳнат потенциалини ва тадбиркорлик қобилиятларини энг кўп даражада сафарбар қилишни таъминловчи жамиятнинг кўп қатламли стратификация тузилишини шакллантиришга кўмаклашиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг стратификация тузилишини ўзгартиришнинг иккинчи муҳим вазифаси ижтимоий поғоналар жойлашишидаги камчиликларни бартараф этиш ҳисобланади.

Ижтимоий стратификациянинг оқилона тузилиши ҳар бир алоҳида ижтимоий поғона вакилларининг меҳнат фаолияти мураккабликлари ва биргаликдаги ижтимоий маҳсулотни яратишга қўшган ҳиссаларига боғлиқ ҳолда тузилади.

Шу тариқа ўзларининг юксак малакалари ва сарфлайдиган куч-ғайратлари ҳисобига биргаликдаги



www.ziyouz.com kutubxonasi

> *Инсоний тараққиётдан устун даражада фойдаланишга асосланган стратегия инсоний ривожланиш нуқтаи назардан иқтисодий юксалишнинг энг самарали стратегияси ҳисобланади*

ижтимоий маҳсулотни вужудга келтиришга энг катта ҳисса қўшишни таъминлайдиган ходимлар ва тадбиркорлар энг юқори ижтимоий поғоналарини эгаллашлари керак. Камроқ ҳиссасини таъминлайдиган ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари эса тегишли равишда пастроқ поғоналарда жойлашиши лозим.

Ҳозирги пайтда республикада шундай вазият вужудга келдики, бунда энг малакали ва мураккаб меҳнат вакиллари (фан, таълим, соғлиқни сақлаш ходимлари, конструкторлар ва муҳандислар) ижтимоий стратефикациялаш тузилишида унча мураккаб бўлмаган, кам малаали талаб қиладиган меҳнат фаолияти турларини бажараётган поғоналар вакиллари (савдо, транспорт ходимлари, ноишлаб чиқариш соҳаси хизмат кўрсатиш ходимлари)га нисбатан анча пастда жойлашганлар. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг ва айниқса ёшларнинг яхши маълумот олиш, билимларни, мураккаб муҳандислик касбларини ва юқори малакали меҳнат кўникмаларини эгаллашга бўлган интилишлари пасайишига сабаб бўлмоқда.

Одамларнинг бу йўналишдаги майилларини шакллантириш Ўзбекистон учун мураккаб технология ускуналари билан жиҳозланган ишлаб чиқаришларни ўзгартириш ва ривожлантиришда жиддий қийинчиликларни вужудга келтиради.

### *1.3.5. Иқтисодий юксалиш инсоний тараққиётга кўмаклашадими?*

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларни кўпайтириш одамларнинг имкониятларини кенгайтириши мумкинлигига ва шу тариқа инсоний тараққиётга салмоқли ҳисса қўшишига ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Бироқ шу ўринда яна иккита қўшимча жиҳатни назарда тутиш керак. Биринчиси шундан иборатки, иқтисодий юксалиш шунчаки инсоний тараққиётни таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади. Юксалиш ўзича ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, булки унинг одамлар ривожланишига қўшган ҳиссасига қараб баҳоланади. Иккинчидан, иқтисодий юксалиш аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ва даромад даражаси билан характерланади. Шунинг учун аҳоли жон бошига даромад база даражаси қанча юқори бўлса, иқтисодий юксалишнинг ҳар бир қўшимча фоизини таъминлаш шунчалик қийин бўлади.

Тегишли равишда иқтисодий юксалишнинг манбаи сифатида меҳнат ресурсларидан устун фойдаланишга, жисмоний капиталдан (ускуналар, ишлаб чиқариш қувватларидан устун фойдаланишга ва инсон капиталидан устун фойдаланишга асосланган учта стратегияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Инсоний тараққиёт нуктаи назаридан юқорида номлари келтирилган стратегиялардан сўнггиси энг самарали ҳисобланади. Бу оддий сабаб билан изоҳланади - инсоний капитал доим одамнинг ҳаёт кечиришида ўз ифодасини топади. Инсоний капиталга қилинган сарф тўғридан-тўғри унинг эгасига йўлланади. Шунинг учун инсоний капиталга асосланган иқтисодий юксалиш стратегияси ҳар қандай бошқа стратегияга нисбатан инсоний тараққиёт ўртача даражасини муваффақиятлироқ оширади. Бироқ бу механизм автомат тарзда амал қилмайди. Иқтисодий юксалиш кўп жиҳатдан бандлик рағбатлантирилганда; инсоний капиталга юксалишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида алоҳида аҳамият берилганда; даромадларнинг анча кенг тақсимланиши таъминланганда инсоний тараққиётга кўмаклашади.

### *1.3.6. Инсоний тараққиёт иқтисодий юксалишга кўмаклашадими?*

Айрим даврларда иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт турли



www.ziyouz.com kutubxonasi

йўналишда ҳаракатланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда иқтисодиётда пасайиш рўй берганига қарамай, инсоний тараққиёт давом этмоқда. Бироқ умумий тамойил шундан иборатки, иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт бир йўналишда ҳаракатланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Иқтисодий юксалиш инсоний тараққиётни таъминлайди. Инсоний тараққиёт ўз навбатида иқтисодий юксалишни рағбатлантиради. Одамларга сарфланадиган инвестициялар одамларнинг ўзига керакдир. Айни вақтда одамларга сарфланган инвестициялар янада иқтисодий юксалишни таъминлайди. Ўзига тўқ, соғлом аҳоли, яхши таълим олган ва малакали ишчи кучи бир вақтнинг ўзида иқтисодий юксалишга эришишда бош ишлаб чиқариш кучи ҳисобланган инсоний капиталнинг мақсади ва жиҳати ҳисобланади.

Узоқ муддатли даврда иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт йўналишлари бир-бирига мос келса ҳам бу алоқа ҳар бир мамлакат учун давлат сиёсатига боғлиқ бўлади. Айрим мамлакатлар пухта ўйланган давлат сиёсати туфайли аҳоли соғлиғини сақлаш ва овқатлантиришни яхшилаш, таълим даражасини ошириш ишида иқтисодий юксалишдан олинган самарадан фойдаланишда катта ютуқларга эришмоқда. Бошқа мамлакатлар ўз аҳолисининг катта қисмининг асосий инсоний эҳтиёжларини писанд қилмаяпти.

Масалан, одамлар учун бандликни вужудга келтириш юксалиш ҳисобланадими? Ушбу ҳисоботнинг учинчи бобида баён этилган Ўзбекистон учун қишлоқни ривожлантириш стратегияси саноат ва хизматларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ хўжалигидаги яширин ишсизлик даражасини пасайтиришга даъват этилгандир.

Даромадларни анча кенг тақсимлашдан олинган фойда юксалиш тури ҳисобланадими? Камбағал бўлган одамларнинг сони кўплигича сақланиб қолмаяптими? Қишлоқ жойларида кооператив ва фермерлар ўртасида ерни бир текис тақсимлаш оммавий камбағалликнинг олдини олади ва одам меҳнати натижаларини анча адолатли тақсимлайди. Шу билан бирга ирригация тизимининг самарали эмаслиги ва сув нархларининг пастлиги туфайли сув ресурслари чекланган ва тез тамом бўладиган Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигининг юксалиши барқарор эмас. Шунинг учун ушбу ҳисоботдаги таклифлар Ўзбекистонда иш жойларини ташкил этиш ва одамларнинг даромадларида ҳаддан ташқари тенгсизликнинг олдини олишга асосланган экологик барқарор иқтисодий юксалишни назарда тутади.

Ўзбекистон ҳукумати бу йўналишдаги кўпгина дастурларни эълон қилди. Ўзбекистон иқтисодиёти ҳали юксалиш босқичига киргани йўқ. Шунинг учун иқтисодий юксалиш ғоят муҳим вазифадир. Лекин самарали ҳукумат сиёсати ва ҳаракати туфайли ҳозирнинг ўзида инсоний тараққиётга хизмат қилиши мумкин бўлган ана шундай иқтисодий юксалиш асослари бугунги кундаёқ вужудга келтирилиши мумкин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# 2-боб.
# Инсоний тараққиёт: ўтмишнинг акс этиши ва келажакка назар

## *2.1. Инсоний потенциалнинг ривожланиш даражаси*

Аввалги йилларда жамиятнинг "ёпиқ" тусда бўлганлиги Ўзбекистоннинг инсоний тараққиёт соҳасидаги, аҳолининг турмуш даражасидаги ютуқларини жаҳондаги бошқа давлатлар билан қиёслаш имконини бермасди. Бунинг натижасида кейинги 50 йиллик тараққиётдаги инсониятнинг кўпгина ютуқлари республика аҳолиси учун номаълум бўлиб қолди ва улардан халқ фаровонлигини ошириш учун ижобий намуна сифатида фойдаланиб бўлмади. Бошқа томондан кейинги йилларда жаҳонни "билиш" аввал шундай хатога олиб келдики, барча хорижий нарсалар бизнинг давлатимизда эришилганига нисбатан яхшироқ деб қабул қилина бошланди. Ҳақиқатда эса бу ҳар доим ҳар ишларнинг ҳақиқий аҳволига мос келмасди.

Ўзбекистон ижтимоий ривожланиш даражаси бўйича иқтисодий потенциалининг ривожланиши ўртача даражада бўлган кўпгина мамлакатлардан анча юқори туради.

Бунинг иккинчи томони ҳам бор. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар, сиёсатчилар, оддий кишилар бугунги кунда ажабланиб, ўзлари учун

*Ўзбекистон ижтимоий ривожланиш даражаси бўйича иқтисодий потенциалининг ривожланиши ўртача даражада бўлган кўпгина мамлакатлардан анча юқори туради.*

**2.1. қўшимча. Маданият ва барқарор ривожланиш БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси жаноб Ҳолид Маликнинг 1996 йил Бухорода бўлиб ўтган "Буюк Ипак Йўлини, Маданий Сайёҳликни қайта тиклаш ва Ўзбекистонда Қадимги Меросни Тиклаш" бўйича Халқаро Конференцияда сўзлаган нутқидан кўчирмалар).**

"Маданият Инсоний тараққиёт концепциясидаги ўзак жиҳатларидан биридир. Инсоний тараққиёт одамлар учун етишиш осон бўлган танлашни, биринчи навбатда даромадларга дахлдор бўлган танлашни, шунингдек одамлар яшаётган атроф муҳитни танлашни, улар бир қисми бўлган маданиятга ўз ҳиссаларини қўшиш ва унда иштирок этиш имкониятини кенгайтириш жараёнидан иборатдир. Ўз навбатида танлаш имкониятларини кенгайтириш инсоний қобилиятларни ва одамларда мавжуд бўлган ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятларини кенгайтиришни талаб этади.

Агар маданият деганда биз турмуш тарзини тушунсак ва ривожлантириш учун унинг БМТ даги инсоний қобилиятларни ривожлантириш деган таърифини қабул қилсак, ана шу икки тушунча ўртасидаги муҳим алоқа маданият инсоний имкониятларни қанчалик кенгайтириши мумкинлигида намоён бўлиши мумкин.

Одамлар ва маданиятлар ўртасидаги диалог ҳамда ўзаро ҳамкорлик ҳамжиҳатлик ўз номи билан қадрият ҳисобланади. У тўғридан-тўғри инсоний қобилиятларни яхшилайди. Қадриятлар ва ғояларни алмашиш, у маҳаллий ёки халқаро даражада амалга оширилишига қарамай, агар у маданиятларни ўзаро ҳурмат қилишга асосланган бўлса, ижтимоий уйғунлик ва тараққиётга олиб келиши мумкин.

Бу алмашиш ички томонидан товарлар ва одамларга хосдир. Бугунги кунда деярли чорак миллиард одам ҳар йили бошқа мамлакатларга сафар қилмоқда. Ўзининг яқин ўтмишидан вужудга келаётган (қайта туғилаётган) Марказий Осиё бундай алоқалардан ҳали тўла фойда кўрмаяпти. Бугунги кунда бозорларнинг жадал улканлашиб бориши мамлакатлар учун умумжаҳон диалоги ва ўзаро ҳамкорлиги устидан суст кузатувчилар бўлишни аввалгидан қийинроқ қилиб қўймоқда. Очиқлик ва идроклилик ғоят муҳим фазилатлар бўлиб қолмоқда.

XVII ва XVIII асрлар ва албатта совет даври агар минтақа ўзини дунёнинг бошқа қисмидан ажратиб қўйса, унда нима рўй беришининг жонли мисоли ҳисобланади.

Очиқлик ғамхўрлик билан кўмаклашишга муҳтождир. Шу билан боғлиқ бўлган энг кўп самара олишга тааллуқли муҳим сиёсий масалалар мавжуд. Бу қоидага риоя этмаслик натижасида рўй берадиган йўқотишлар жуда катта бўлиб, кўпинча маънавий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада оғир мерос қолдиради.

Маданият ва жамият

Жамиятда уйғун бўлиб яшаш учун тегишли якка тартибдаги ва жамоа кўникмаларига эга бўлиш керак, улар тарбияланиши ва ривожлантирилиши керак.

Одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги, турли нуқтаи назарларни ҳурмат қилиши ва ҳамкорлик қилиш масалалари шундай номоддий активлар ҳисобланадики, улар жамиятнинг яхлитлигини сақлаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган боғловчи воситанинг бир қисмини ташкил этади. Одамларнинг табиатга ва атроф муҳитга қандай муносабатда бўлмишларини белгиловчи маданият ҳам ана шундай боғловчи восита ҳисобланади.

Кейинги икки асрда кенг минтақавий ва халқаро ҳамжамиятлардан ажралиб яшаётган жойда вужудга келган марказий Осиёнинг Янги давлатлари учун маданият ва маданий ўз-ўзини ифодалаши инсоний қобилиятларини кучайтириш учун қудратли восита ҳисобланади, булар эса ўз навбатида жамият интеграциясига ҳамда тинч ҳолда ўз ғоясини ифодалаши, бунёдкорлик ва барқарор ривожланиш учун қулай шароитлар яратишга таъсир кўрсатади. Маданиятини тинч ҳолда ифодалаш одамларни бирлаштиради ва миллий ҳамда минтақавий ҳамжамиятларда бирлаштирувчи, мазмунли алоқаларни вужудга келтиради.

Маданий эркинликлар, хилма-хиллик ва бунёдкорлик

ЮНЕСКО нинг уставида маъноли ва тўғри ёзилганидек, жаҳон одамларнинг ақлида мужассамдир. Маданият кайфиятни белгилайди, агар у тўғри йўналтирилса, бошқа миллатларга ҳурматга ва бошқа маданий эркинликларга ҳурматга ўз ҳиссасини қўшади. 100 дан ортиқ миллат истиқомат қиладиган мамлакатда маданий хилма-хиллик мавжуд бўлиб, у ўзгаришларни амалга ошириш учун қудратли куч бўлиши мумкин. Бу шундай кучларки, улар жамиятни узоқ муддатга илғор ва жўшқин қилиши мумкин.

Маданий эркинлик демократияни янада тўла ифодалаш учун калит ҳам ҳисобланади. Шуниси шубҳасизки, демократик ислоҳотлар ва йўлни эркин танлаш учун бир вақтнинг ўзида ҳимоя ҳам қиладиган, уларга эркинлик ҳам берадиган муҳит талаб этилади. "Демократия маданияти" ифодаси айнан шуни билдиради. Ўтиш даврида янги муассасалар ва янги эркинликлар айниқса заиф бўлиб, халқаро ҳамкорлик ютуқ ва муваффақиятсизлик орасидаги фарқни аниқлаши мумкин".



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2.1-жадвал. Айрим мамлакатлар бўйича инсоний потенциални ривожлантириш индекси кўрсаткичлари**

| Мамлакатлар | Кутилаётган умрнинг узоқлиги (йиллар 1993, 1992й) | Катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги даражаси (фоизда, 1992 й.) | Аҳоли иши бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш (ППС долларида) |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 69,3 | 97,7 | 2330* |
| Туркия | 66,5 | 80,5 | 5230 |
| Эрон Ислом Республикаси | 67,5 | 64,3 | 5420 |
| Саудия Арабистони | 69,7 | 60,6 | 9880 |
| Покистон | 61,5 | 35,7 | 2890 |
| Ироқ | 66 | 54,6 | 3413 |
| Миср | 63,6 | 49,1 | 3540 |

***1994 йил учун**

*Ислоҳотлар бошлангунча Ўзбекистон ўзининг иқтисодий ривожланишида барқарорликка эга эмасди*

янги давлат - Ўзбекистонни кашф этмоқдалар. Шунинг учун ажабланиб кашф этишмоқдаки, бу фақат ғаройиб қадимий ўтмиши бўлган, Улуғбек, Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ибн Сино каби олимлар, Афросиёб каби икки ярим минг йил аввалги ёдгорликлар ва Регистон, Гўри Амир, Шоҳи Зинда каби анча кейинги даврдаги қадимги меъморчилик ёдгорликлари билан машҳур бўлган мамлакатгина эмас. Энг муҳими бу мамлакат муносиб бугунги кунги ва катта потенциал келажакка эга бўлган мамлакатдир.

Бундай дейишга Ўзбекистон халқи қуйидагиларга эга эканлиги имконият беради:

• **катта таълимий потенциал.** Вақтинча бошдан кечирилаётган қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистонни ижтимоий ривожланиш соҳасида типик муаммоларга эга бўлган одатдаги ривожланаётган давлатлар қаторига қўйиб бўлмайди. Мамлакатга амалда умумий саводхонлик, давлат томонидан кафолатланган умумий ўрта таълим, фан, соғлиқни сақлаш, спортнинг юксак даражада ривожланганлиги хосдир;

• **таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот соҳаларида базавий ижтимоий хизматларнинг юксак даражада ривожланганлиги.** Ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар учун ардоқли мақсад ҳисобланган кўпгина ижтимоий дастурлар - умумий бошланғич таълим, бошланғич тиббий ёрдамни ривожлантириш, оналар ва болалар учун ижтимоий кафолатларни жорий этиш ва ҳоказоларнинг Ўзбекистонда рўёбга чиқарилганига кўп йил бўлди. Барча даражаларда ўқув юртларида ёш авлодни соғломлаштиришга кўмаклашувчи мажбурий жисмоний тарбия дарслари жорий этилган;

• **халқ ижодиёти ва ҳунармандчилиги бой анъаналарининг илмий-техник тараққиётнинг энг янги ютуқларидан ва замонавий бозор иқтисодиёти инфраструктурасидан фойдаланиш кўникмаси билан қўшилиши;**

• **халқнинг фақат моддий эмас, шу билан бирга маънавий жиҳатдан яхшироқ яшашга интилиши, одамларнинг маълумот олишга бел боғлаганлиги;**

• **бой табиий ресурсларининг халқнинг улкан меҳнатсеварлиги билан қўшилиши.**

Ўзбекистон ижтимоий ривожланиш даражаси жиҳатидан иқтисодий потенциали ўртача даражада ривожланган кўпгина мамлакатлардан юқори туради. Ўзбекистонда катта аҳоли ўртасидаги саводхонлик даражаси, барча даражалардаги ўқув юртларига кирганлар сонининг жамланган кўрсаткичи инсоний потенциалининг ривожланиш даражаси ўртача бўлган учунгина эмас (БМТ баҳоси бўйича), шу билан бирга ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар учун ҳам хос бўлган ана шу кўрсаткичларнинг ўртача даражасидан юқоридир.

Миср, Ироқ, Индонезия, Жанубий Африка, Доминикан Республикаси, Покистон ва бошқа айрим



www.ziyouz.com kutubxonasi

мамлакатлар Ўзбекистонга нисбатан аҳоли жон бошига ҳисоблаганда анча юқорироқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқарганига қарамай, инсоний потенциалнинг ривожланиш даражаси бўйича БМТ нинг рўйхатида анча паст туради.

**2.2. жадвал. 1995 йилдаги асосий иқтисодий кўрсаткичлар (1994 йил - 100 фоиз).**

| | |
|---|---|
| Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш | 98.8 |
| Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми | 100.2 |
| Чакана товар айланиши ҳажми | 92,2 |
| Капитал қурилиш | 102,0 |
| Реал иш ҳақи | 108,2 |

***Манба: Ўзистиқболстат***

### *2.2. Ислоҳотларга эҳтиёж бормиди? Ислоҳотларнинг ижтимоий қиймати*

Шунчалик юқори ижтимоий ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакат - Ўзбекистонда ислоҳотлар ўтказиш зарурмиди, деган савол туғилади. Афсуски, жавоб биринчи қарагандагидек мураккаб эмас. 90-йилларнинг бошларида ижтимоий ривожланишнинг юксак даражаси иқтисодий потенциални ривожлантиришнинг тегишли даражаси билан мустаҳкамланмаган эди. Аҳоли жон бошига реал ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси бўйича Ўзбекистон ижтимоий ривожланишнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича анча кам ютуқларга эга бўлган Филиппин, Ливан, Никарагуа, Конго каби мамлакатлар даражасида эди.

Бой табиий ресурслари, мамлакатда истиқомат қилаётган халқлар малакасининг юксак даражаси, кўникмалари ва меҳнатсеварлигига қарамай, **Ўзбекистон ислоҳотлар бошлагунча ўзининг иқтисодий ривожланишида барқарорликка эга эмасди.** Ўз бюджетининг катта қисмини у собиқ Иттифоқ бюджетидан олинадиган дотациялар ҳисобига шакллантирарди, хом ашё ресурслари ва озиқ-овқатнинг катта қисмини мамлакат ташқарисидан олиб келарди, тиқиштирилган пахта яккаҳокимлиги туфайли иқтисодиётини ҳар томонлама ва комплекс ривожлантириш имкониятига эга эмасди, Орол денгизининг қуриши ва сув ресурслари етарли эмаслиги муносабати билан оғир ҳал этиладиган экология муаммосига дуч келди.

Шу даврга келиб марказлаштирилган иқтисод иқтисодий юксалиш бўйича ўз имкониятларини амалда тамом қилиб бўлган, мавжуд ресурсларни самарали тасарруф этиш, одамларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш имконини бераётган, мамлакат иқтисодий юксалиш эҳтиёжларини инкор этаётган эди.

80-йилларнинг охиридаёқ аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқарилган миллий даромад, аҳолининг реал даромадлари салбий нисбатга эга эди. 1985-1990 йиллар даврида миллий даромад умумий ҳажми 16-19 фоиз ошгани ҳолда моддий ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги деярли 20 фоиз қисқарди, материаллар сарфлаш 2-3 фоиз ошди, фондларнинг самара бериши 5-6 фоиз пасайди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспортда асосий фондларнинг катта қисмидан бир неча ўн йиллар давомида фойдаланилган бўлиб, улар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган эди. Иқтисодий юксалишни янада ошириш учун иқтисодиёт структура қайта қуришларини, капитални оммавий янгилашни, демак, катта миқдордаги молиявий маблағларни талаб этаётган эди, иқтисодиётни самарасиз ташкил этишнинг мавжуд ҳолатида уларни қидириб топиш амалда мумкин эмасди.

*Ҳар қандай ислоҳот муқаррар равишда қийинчиликлар билан боғлиқдир*

Ана шу барча омилларни ҳисобга олиб **иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш зарур эди ва у одамлар турмуш даражасини ўстириш учун**



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ижтимоий инфраструктура тармоқларини ривожлантиришда муқаррар барбод қилувчи жараёнга йўл қўйиб бўлмайди, чунки йўқотишларни тиклаш узоқ давом этадиган ва қимматли жараёнга айланади*

**шароит яратиш йўлида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ўзининг асосий мақсади деб билган эди.** Бироқ ҳар қандай ислоҳот ўзининг дастлабки босқичларида турмушнинг одатдаги тарзида бирон нарсани ўзгартиради, эски андозаларни ва иқтисодий ва ижтимоий хатти-ҳаракатлар шаклларини бузади, муайян ноқулайликлар келтиради, инерция асосида ривожланаётган муайян иқтисодий ва хўжалик жараёнларини тўхтатади. Бу муқаррардир. Энг муҳими шундаки, жорий этилаётган янги тизим муайян вақтдан кейин ўзининг пировард натижаларига кўра йўл қўйилган пасайишнинг ўрнини тўлдиришгина эмас, шу билан бирга ўз ижтимоий-иқтисодий натижалари бўйича алмаштирилган эски тизим имкониятларидан ошиб кетишга ҳам муваффақ бўлиши керак.

Биз ислоҳотларнинг ижтимоий қиймати ҳақида гапирганимизда одамларнинг турмуши қайси кўрсаткичлар бўйича ва қанча ёмонлашди ва бу ёмонлашиш қанча узоқ давом этади, деган иккита асосий саволга жавоб беришимиз керак.

- 1991-1994 йилларда ялпи ички даромад ҳажмининг 16,6 фоиз пасайиши ва пул қадрсизланиши даражасининг ғоят юқорилиги (деярли 3000 баравар) 1991-1994 йиллар даврида аҳолининг жорий реал пул даромадларининг 38.5 фоиз пасайишига олиб келди. 1995 йил бошига келиб пулнинг қадрсизланиши аҳолининг жамғарма банкида депозитлар шаклида, давлат қимматли қоғозларда сақланаётган аввалги пул жамғармаларини амалда "ютиб юборди".
- Ўртача иш ҳақи ишловчилар ва улар қарамоғидагиларнинг фақат энг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш имконини беради. Бугунги кунда ўртача оила аксарият ҳолларда таътилда мамлакатдан четга чиқишга йўл қўя олмайди. Темир йўл, ҳаво, автомобиль ва жамоат транспорти хизматлари, коммунал ва почта хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматларининг айрим турлари, дори-дармонларнинг қиймати кескин ошиб кетди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг қиймати абсолют миқдори бўйича деярли жаҳон даражасига яқинлашиб, ниҳоятда кескин ошди. Нисбий ифодада (ўртача иш ҳақига нисбатан) кундалик зарур кўпгина товарлар ва хизматлар қиймати ҳозирнинг ўзида ўртача жаҳон даражасида ошиб кетди.
- Корхоналарнинг структура қайта қурилиши, ишлаб чиқаришни техник такомиллаштириш ва қайта тиклашни ўтказиш зарурати, шунингдек сотиш ва арзон хом ашё манбаларини сотиб олиш бозорларини йўқотиш ёки йўқлиги билан боғлиқ молиявий муаммолари ходимларга бир неча ойлаб иш ҳақини тўлашни кечиктиришдек ҳолатни вужудга келтирди.
- Кўп болали оилаларнинг ота-оналари фарзандларини мактабга жўнатар эканлар, уларга қандай кийим ва пойабзал кийдиришни, уларни ғоят қиммат бўлиб кетган дафтарлар, ручкалар, бошқа мактаб ёзув жиҳозлари билан қандай таъминлашни билмай, тез-тез қийинчиликларга дуч келмоқдалар.
- Соғлиқни сақлаш, маориф, маданият каби муҳим тармоқларда ҳам молиявий муаммолар кўп. Касалхоналардаги ускуналар эскирган, дори-дармонлар етишмаяп-

**2.2. қўшимча. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар**

1994 йилда бевосита хорижий инвестициялар мамлакат инвестициялари умумий ҳажмининг бир фоиздан камроғини ташкил этарди. 1995 йилда уларнинг салмоғи 17 фоизга кўпайди. Энг йирик хорижий инвесторлар орасида Англиянинг "БАТ индастриз энд Лонро", Германиянинг "Мерседес-Бенц", Американинг "Ньюмонт Майнинг", Жанубий Кореянинг "ДЭУ" ва бошқа компаниялар бор. Нефтни ва газни тозалаш, қайта ишлаш ва автомобилсозлик инвестициялар учун устун тармоқ ҳисобланади. Инвестицияларнинг катта қисми енгил саноатга яъни тўқимачилик, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўлланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ти, врачлар малакаси даражаси етарли эмас. Кўпгина даволаш муассасалари махсус биноларда эмас, балки мослаштирилган биноларда жойлаштирилган. Мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари қурилиши секинлашди. Кўпгина мактаблар, айниқса қишлоқ жойларида путури кетган биноларда жойлашган. Иш ҳақи камлиги туфайли ижтимоий соҳа тармоқларидан энг малакали мутахассислар кетиб қолмоқда.

• Вакциналар етишмаётганлиги ва дори-дармонларнинг қимматли туфайли вирусли гепатит, паратит, дифтерия, сил каби юқумли касалликлар билан касалланиш кўпайди. **Иқтисодий ислоҳотлар инсоний тараққиёт йўлида амалга оширилиши кераклиги кун сайин тобора равшан бўлиб бормоқда. Ижтимоий инфраструктура тармоқларини ривожлантиришда муқаррар барбод қилувчи жараёнга йўл қўйиб бўлмайди, чунки йўқотишларни тиклаш узоқ давом этадиган ва қимматли жараёнга айланади.**

Ўтиш даври мураккабликларини ҳисобга олиб давлат ўз олдига аҳолининг истеъмол даражасини, шу жумладан асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик, вужудга келган таълим даражасини сақлаш, аҳолини соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминлаш, аҳолининг янги бозор муносабатларига мослашиши қийинроқ бўлган табақаларини қўшимча ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, мамлакатнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятли фуқароси ўз ижодий кучларини намоён этиши ва ўзи ҳамда ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини мустақил таъминлаши учун шароит яратиш вазифасини қўймоқда.

Ҳукумат яқин истиқболни ҳал этиш учун куч-ғайратларини сарфлаётган Ўзбекистонда барқарор инсоний тараққиётни таъминлашдаги мавжуд асосий муаммолар орасида аҳоли моддий фаровонлигини ошириш; инсоний ресурсларни, илмий, таълимий, интеллектуал потенциал ва одамлар соғлиғини ривожлантириш; аҳоли хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ҳам бўлади.

## *2.3. 1994-1995 йилларда эришилган тараққиёт*

### *2.3.1. Макроиқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар*

Ўтган йилги ҳисобот ёзилган вақтдан буён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, ислоҳотларнинг жўшқин ривожланиши туфайли шу даврда муайян ижобий макроиқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар рўй берди:

• Ялпи ички маҳсулот ҳажмларининг пасайиши суръатлари анча камайди. Чакана товар айланиши ҳажми 8 фоиз камайганига қарамай, 1995 йилда саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш нисбатан барқарор бўлди. Иқтисодиётнинг энг йирик сектори бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 фоиз ошди. Экспорт анча, деярли 16 фоиз кўпайди ва биринчи марта савдо балансида ижобий сальдони таъминлади.

• 1996 йилда 1994 йилга нисбатан пулнинг қадрсизланиш жараёнлари кескин равишда, 3,7 баравар камайиб, аста-секин молиявий барқарорликка эришиш ва аҳоли реал даромадларининг ошишини таъминлади. Агар 1995 йилнинг биринчи чорагида пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражаси 11 фоизни ташкил этган бўлса, учинчи чоракда у фақат 6 фоиз бўлди. Йил охирига бориб у яна бирмунча ошган бўлишига қарамай, 1994 йил даражасидан анча паст бўлди.

• Пул қадрсизланишининг камайиши натижаси сифатида аҳолининг реал иш ҳақи ва реал даромадлари ошди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

• Инвестиция фаолияти фаоллашиб, аҳоли бандлигининг қўшимча ошишини таъминлади. 1995 йилда ислоҳотлар бошлангандан кейин биринчи марта инвестициялар ҳажми ошди.

• Тўлов балансининг сезиларли яхшиланишига эришилди, у миллий валюта курсининг мустаҳкамланишига ва унинг қисман ички конвертацияланишини жорий этишга таъсир кўрсатди.

• Иқтисодиёт тармоқларини структура қайта қуриш жараёнлари сезиларли бўлиб қолди: устун тармоқларга инвестициялар ҳажми кўпайди, база тармоқлари ва юқори технологияли тармоқлар тезроқ ривожлана бошлади.

• Ички ишлаб чиқаришнинг ошиши асосида аҳолининг гўшт, мевалар, сабзавотлар каби қимматли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиниши ошди.

• Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида иш ҳақининг илдамроқ индексацияланиши ҳисобига иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўртача иш ҳақининг иш табақаланиши бирмунча қисқарди.

• Аҳолининг 1992 йил 1 январгача жамғарма банклар депозитларига қўйган пул омонатларини 40 баравар индексациялаш ва 1996 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич тўлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

• 16 ёшгача бўлган болаларга пул нафақаларини кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинди, бу оилалар, айниқса кўп болали оилалар даромадларининг ошишига ьқўмаклашади.

• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони кўпайди, улар аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларидаги аҳолининг меҳнатини сарфлаш соҳаларини анча кенгайтириш имконини беради, шунингдек аҳолининг даромадларини кўпайтиради.

**2.2. қўшимча. Ўзбекистоннинг саноат сектори**

Қишлоқ хўжалик сектори катта бўлишига қарамай, Ўзбекистон етарли даражада саноат мамлакати ҳисобланади. Марказий Осиёдаги ягона авиация заводи ва бу минтақадаги барча машинасозлик заводларининг 60 фоиздан кўпроғи шу ерда жойлашган. Тошкент шаҳрида жойлашган йирик саноат корхонаси - Тошкент трактор заводи саноати қандай диверсификациялаш мумкинлигини яхши намойиш этмоқда: йирик тракторлар ишлаб чиқараётган корхона яқин орада ДЭУ компанияси учун эҳтиёт қисмлар тайёрлай бошлайди.

### *2.3.2. Структура ўзгаришлари*

1995 йилда мамлакат иқтисодиётида структура ўзгаришлари давом эттирилди.

Қишлоқ хўжалиги пахта яккаҳокимлиги билан характерланмаса ҳам асосий ҳаракатлартиувчи кучлардан бири бўлиб қолмоқда.

1995 йилда пахта етиштириш тахминан 1994 йил даражасида сақланиб қолди, бироқ дон, айниқса буғдой етиштириш 57 фоиз кўпайди. Бу импортдан йўқотишларни камайтиришга қаратилган импорт ўрнини қоплаш бўйича ҳукумат сиёсатининг бевосита натижасидир. Шуниси диққатга сазоворки, эндиликда мамлакат ўзининг донга бўлган эҳтиёжини деярли таъминламоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш салмоғи импорт умумий ҳажмида 1994 йилдаги 33 фоиздан 1995 йилда 18 фоизгача камайди.

Ўзбекистонда савдо балансининг яхшиланиши импорт ўрнини қоплаш туфайли рўй берди. Дон етиштиришни кўпайтириш шунга кўмаклашди. Нефть ишлаб чиқаришни кўпайтириш стратегияси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1995 йилда нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш аввалги йилга нисбатан 38 фоиз кўпайди. 1995 йилда 1994 йилга нисбатан электрон саноати ва асбобсозлик ишлаб чиқаришининг ўсиши 27 фоизни, авто-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мобиль саноатида 50 фоиздан кўпроқни, кимё-фармацевтика саноатида 200 фоизни ташкил этди.

Шулар туфайли Ўзбекистон ички эхтиёжларни қондириш учун озиқ-овқатлар ва нефть маҳсулотларини импорт қилиш мақсадида катта миқдордаги пахта етиштириш билан мамлакатни қақшатишга мажбур бўлган колониал давлатга айланиб қолмади. Пахта экспортнинг асосий моддаси бўлиб, унинг ҳажмининг 50 фоизини ташкил этмоқда. Бироқ яқин орада мамлакат нефть маҳсулотларини экспорт қила олиши, пахта, олтин, ва табиий газни экспорт қилишдаги мавжуд нисбий имкониятларини кенгайтириши мумкин. Пахтани экспорт қилишнинг умумий ҳажмида пахтани қайта ишлаш маҳсулотлари улуши ҳозирги пайтдаги 16 фоиздан мўлжалланган 50 фоизга ошириш натижасида кўпроқ қўшимча қиймат олиш мумкин бўлади. Пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган енгил саноат корхоналарини ташкил этиш айни вақтда қишлоқни индустрлаштириш жараёнини тезлаштириш имконини беради.

**Шу тариқа Ўзбекистон иқтисодиётидаги ижобий макроиқтисодий ва структура ўзгаришлари ижтимоий соҳадаги илғор силжишларнинг асосий омили бўлди.**

### *2.3.3. Инсоний тараққиёт индексидаги ўзгаришлар*

Ўзбекистон учун 1994 йилга БМТ усули бўйича ҳисобланган инсоний тараққиёт индекси бир қанча индекаторлар бўйича яшиланади.

Биринчидан, бу **умр узоқлиги** кўрсаткичининг 69,3 ёшдан 70,4 ёшга ошиши билан боғлиқдир. Бундай ўсишга 1991-1994 йиллардаги даврда гўдакларнинг ўлими анча қисқариши сабаб бўлди. Мазкур кўрсаткич ўтиш давридаги барча давлатлар орасида эхтимол фақат Ўзбекистон учун хосдир. Гўдаклар ўлимининг камайишига нисбатан кам молиявий харажатлар билан: контрацепция усулларидан фойдаланишни анча кенгайтириш ҳисобига эришилди. Туғиш сонларининг қисқариши, туғиш орасидаги йиллар сонининг оширилиши, аёлларда 35 ёшдан кейин туғиш сонларининг камайиши гўдаклар ўлимини 1993 йилдаги 32 тадан 1994 йилда 28,2 тага ва 1995 йилда 21,2 тага қисқартириш имконини берди.

Аҳолининг 60 ёшдан кейинги кутилаётган умри давомийлиги 1990 йилдаги 13,8 ёшдан 1994 йилда 15,7 ёшгача кўпайди. Бироқ бу кўрсаткич шаҳар аҳолиси учун 13,8 ёшдан 17,8 ёшгача кўпайгани ҳолда, қишлоқ жойларида 14,7 йилдан 13,8 йилгача камайди.

Эркакларнинг бўлажак умри давомийлиги 8,5 йилдан 11,7 йилга, аёлларники 19 йилдан 19,2 йилга кўпайди. Бироқ бу ерда ҳам ўсиш фақат шаҳар аҳолиси учун хосдир.

Иккинчидан, **саводхонлик** кўрсаткичи 1993 йилдаги 97,7 фоиздан 1995 йилда 98,7 фоизга ва **аҳоли маълумот даражаси** (катта ёшдаги қисқариб бораётган кишилар орасида саводсизларнинг камайиши, шунингдек бу кўрсаткични аввалги ҳисоботда ҳисоб-китоб қилинган 9 ёшдаги эмас, балки халқаро методологияга мувофиқ айнан 15 ёшдан юқори бўлган аҳоли учун ҳисоб-китоб қилиш ҳисобига) ошди. Ўзбекистон учун БМТ методологияси бўйича ҳисоб-китоб қилинган инсонпарварлик индекси бирмунча яхшиланди.

Ҳамон **аҳоли жон бошига ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қиёсий кўрсаткичи** ҳисоб-китоб қилиш муайян қийинчиликларга эга. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра аҳоли жон бошига 2650 доллардан 2390 долларга камайди. Бу иқтисодий пасайиш давом этаётганлиги билан ҳам, шунингдек аҳоли кўпайишининг нисбатан юқори суръатлари билан ҳам изоҳланади. Бироқ ушбу кўрсаткични таҳлил этганда шуни назарда тутиш керак-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, истеъмол нархлари даражаси ва нисбати ҳали жаҳон кўрсаткичларидан сезиларли фарқ қилади, миллий валютанинг айирбошлаш курси эса ички бозорда сўмнинг реал харид нархини характерламайди. 1995 йил охиридаги айирбошлаш курси бўйича мамлакатда энг кам миқдордаги озиқ-овқатлар тўплами қиймати экспертлар томонидан 20-25 АҚШ долларига тенг, деб баҳоланмоқда, бу жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидагидан анча камдир. Бу шундай фикрни тасдиқлайдики, истеъмол саватининг қиёсий қийматини ҳисобга олганда, сўмнинг харид қобилияти реал тарзда мавжуд айирбошлаш курсидан юқоридир.

### *2.3.4. Ўлчовларнинг хилма-хиллиги*

Инсоний тараққиёт индекси (ИТИ) инсоний тараққиёт даражасининг интеграциялашган кўрсаткичи сифатида халқаро қиёслашларда тобора кенг қўлланаётганига қарамай, у мукаммал кўрсаткич ҳисобланмайди. Ундан аҳоли жорий турмуш даражасини баҳоловчи кўрсаткич сифатида фойдаланиб бўлмайди. У инсоний тараққиёт жўшқинлигининг ижобий ёки салбий ўзгаришларини характерлайдиган кўрсаткич сифатида катта фойда келтиради. Бироқ ана шундай сифатда ҳам бу кўрсаткич мукаммал ҳисобланмайди.

***Биринчидан,*** унинг таркибий қисми ҳисобланган умрнинг узоқлиги, таълим даражаси каби кўрсаткичлар умуман унчалик тез ўзгармайди. Уларнинг тараққиётини анча узоқ вақт оралиғида сезиш мумкин. Бироқ бунда ана шу кўрсаткичлар даражаси дастлабки пайтда паст бўлган мамлакатларда аҳвол тез ва тубдан ўзгариши мумкин, айни вақтда бу кўрсаткичларнинг юқори даражасига эришилган мамлакатларда уларнинг ошиши учун имкониятлар объектив тарзда анча камдир. Шунинг учун инсоний тараққиёт ҳақидаги глобал ҳисоботларнинг ранг жадвалида энг катта ўзгаришлар ИТИ даражаси ўртача ва паст бўлган мамлакатлар гуруҳида кузатилаётгани бежиз эмас.

***Иккинчидан,*** ИТИнинг энг кўп салмоғи ҳар қалай аҳоли жон бошига ички маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичига тўғри келганлиги учун кўпгина мамлакатлар иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш ва иқтисодий юксалишни таъминлаш натижасидагина ранг жадвалидаги ўз ўрнини тубдан ўзгартириши мумкин. Масалан, Ўзбекистон маълумот даражаси ва умрнинг узоқлиги кўрсаткичлари бўйича юқори даромад даражасига эга бўлган мамлакатлар гуруҳига кирадиган жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан тенг кўрсаткичга эга бўлгани ҳолда аҳоли жон бошига ички маҳсулот ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги туфайли ранг жадвалининг тахминан ўртасида жойлашган.

1995 йилнинг глобал ҳисоботида ИТИни ҳисоб-китоб қилишда гендер омилларини ҳисобга олишга уриниб кўрилган. Бироқ бу у ёки бу мамлакатдаги одамнинг аҳволини фарқлайдиган ягона ўлчов эмас. ИТИ кўрсаткичларида камбағаллик даражаси ва мамлакатларда камбағал оилалар сонининг ўзгариши ҳисобга олинмаган. Чамаси, шаҳар ва қишлоқ жойларидаги одамларнинг яшаш шароитлари ва турмуш даражалари ўртасидаги тенг бўлмаган кўрсаткичларни ҳисобга олиш муҳим бўлар эди.

### *2.4. Қишлоқни ривожлантириш: шаҳар билан яқинлашиш потенциали ва имкониятлари*

Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида яшайди. Мамлакат жуда катта ҳайдаладиган ерларга, йилига икки ва ундан кўп марта ҳосил олиш имконини берадиган ажойиб табиий шароит-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга эга. Ўзбекистон халқи меҳнатсевар, ерда ишлашни яхши кўради ва унда ишлашни билади.

Ҳар йили қишлоқда қарийб 500 мингта бола ёки мамлакатда бир йилда туғилган барча болаларнинг 70 фоизи туғилади.

Бугунги кунда бу ерда 16 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар учтасидан иккитаси, мамлакатнинг 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган барча ёшларининг деярли 60 фоизи яшамоқда, Ўзбекистоннинг асосий келажакдаги потенциали шу ердадир.

Қишлоқ жойларида мамлакатнинг бутун банд бўлган аҳолиси 55 фоизи ишламоқда. Бевосита Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида ички ялпи даромаднинг деярли учдан бир қисми вужудга келтирилади, ана шунчаси қишлоқ жойларида етиштириладиган ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ишлатиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулоти, хом ашё ресурсларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқдир.

### 2.4.1. *Ўхшашликлар ва номувофиқликлар*

**а) ўхшашликлар**

Ўзбекистонни ижтимоий ривожлантириш модели ўрта маълумот, дастлабки тиббий-санитария ёрдами олишда, овқатланиш, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида иштирок этишда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тўла тенгликни белгилайди.

Қишлоқ жойларида Ўзбекистоннинг барча кундузги умумий таълим мактабларининг деярли 80 фоизи жойлашган. Уларда мамлакатдаги барча мактаб ўқувчиларининг 65 фоиздан кўпроғи ўқимоқда. Барча қишлоқ болалари шаҳар болалари каби ўрта мактабда ўқиш ва бепул тўққиз йиллик маълумот олиш ҳуқуқигагина эмас, шу билан бирга бунинг тўла имкониятига ҳам эгадирлар. Тўққиз йиллик маълумотга эга бўлган болаларнинг катта қисми шаҳарлардаги болалар каби кириш тестлари асосида ўрта мактабнинг 10-11-синфларида бепул таълим олишни давом эттиришлари мумкин. Улар танлов асосида ўрта махсус ва олий ўқув юртларида маълумот олишни давом эттириш имкониятига эгадирлар. Ҳар бир қишлоқ ўқувчиси барча мактаб дарсликларини (қайтариб бериш шарти билан) бепул олади.

**“Шаҳар қишлоқ” бўйича асосий ижтимоий кўрсаткичлар**

| Шаҳар | (1994 йил) | Қишлоқ |
|---|---|---|
| | **Аҳлининг бандлиги**<br>**Мутлақ ишсизлик қуйидагича** | |
| 0,1 фоиз | | 0,2 фоиз |
| | **Даромадлар даражаси. Камбағаллик даражаси**<br>**Камбағал оилалар салмоғи** | |
| 8 фоиз | | 19 фоиз |
| | **Маълумот**<br>**Саводхонлик даражаси** | |
| 99,58 фоиз | | 98,12 фоиз |
| | **Эришилган маълумот даражаси индекси** | |
| 0,932 | | 0,850 |
| | **Таълим олиш йиллари микдори** | |
| 13,6 | | 10,2 |
| | **Болаларни болалар боғчаларида мактабгача тарбия билан қамраб олиш, фоизларда** | |
| 42,2 | | 18,5 |
| | **Соғлиқни сақлаш**<br>**Умрнинг узунлиги, йил** | |
| 71,7 | | 69,3 |
| | **Гўдакларнинг ўлими (ҳар 1000 туғилганга)** | |
| 28,8 | | 27,9 |
| | **Коммунал хизматлардан фойдаланиш**<br>**Сув қувури билан таъминланганлик, фоиз** | |
| 85 | | 60,2 |
| | **Канализация билан таъминланганлик, фоиз** | |
| 54 | | 40 |
| | **Тармоқ гази билан таъминланганлик** | |
| 79 | | 43,8 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси саводхонлик даражаси шаҳарникидан деярли фарқ қилмайди ва 97 фоиздан юқоридир.

Барча қишлоқ туманлари амбулатория ва диспансерлик тиббий ёрдамларини кўрсатадиган туман поликлиникаларига ва туман касалхоналарига эга. Кўпгина қишлоқ аҳоли пунктларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатувчи фельдшерлик-акушерлик пунктлари мавжуд.

**б) номувофиқликлар**

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида инсоний потенциални ривожлантиришда катта ютуқларга эришилганига қарамай, шуни тан олиш керакки, ҳали қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида ҳаётий фаолиятнинг барча жиҳатлари юзасидан тўла тенгликка эришилгани йўқ.

Мамлакат камбағал оилаларнинг катта миқдори қишлоқ жойларида яшайди. Бир кишига ҳисоблаганда қишлоқ аҳолисининг реал пул даромадлари шаҳарлардагидан анча паст. Қишлоқ шаҳардан турмуш даражасининг миқдорий баҳоланадиган кўпгина кўрсаткичлари бўйича орқада қолмоқда.

Бироқ миқдорий номувофиқликлар билан барча номувофиқликлар тугамайди. Сифат номувофиқликлари янада чуқурроқдир. Қишлоқ касалхоналари, даволаш амбулаториялари, фельдшерлик-акушерлик пунктларининг ускуналар билан жиҳозланиши даражаси, уларнинг малакали врачлар ва ўрта тиббий ходимлар билан бутланиши шаҳар тиббий муассасаларига нисбатан анча пастдир. Қишлоқ мактабларида ҳам худди ана шундай аҳвол кузатилади. Қишлоқ мактаб ўқувчиларининг дала ишларида бандлигининг юқори даражаси икки хил самара беради. Бир томондан бу ёшларда фойдали меҳнат кўникмаларини, меҳнатсеварликни ривожлантиради, уларга оила пул даромадларини кўпайтириш имконини беради. Иккинчи томондан болаларнинг таълим даражаси ва сифатини ошириш имкониятини қисқартиради. Бунинг натижасида қишлоқ болалари ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириш чоғида тест синовларидан ўтишда шаҳар болаларига нисбатан камроқ имкониятга эга бўладилар.

База таълимидаги камчиликлар кўпинча шундан кейинги босқичлардаги ўқишларда, демак, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирганлардан кейинги улар малакасига таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқдан чиққан ёш мутахассислар одатда ишлаш учун қишлоққа қайтадилар: болаларни ўқитадилар, аҳолини даволайдилар ва ҳоказо. Улар малакасининг етарли эмаслиги ҳар доим ўқитиш сифатида ва қишлоқ аҳолисини соғломлаштиришда тенгсизликни такрор ишлаб чиқариш омили ҳисобланади.

Қишлоқ жойларида уйсиз одамларнинг деярли йўқлигига қарамай, турар жойларнинг даражаси ва сифати, уларнинг коммунал хизматлар билан таъминлангани шаҳардагидан анча фарқланади.

Қишлоқ аҳолисининг меҳнати ҳам шаҳардагидан сезиларли фарқ қилади. Қишлоқ хўжалик ишларининг мавсумий тусдалиги, қирқ даража иссиқда ҳам, ёмғир ёғаётганда ҳам, совуқ пайтларда ҳам очиқ осмон тагида меҳнат қилиш зарурлиги бунинг табиий сабабидир. Бироқ қишлоқ аҳолисининг меҳнати ишларни механизациялаш даражаси унчалик юқори бўлмаганлиги учун ҳам анча оғирдир. Кўпгина иш турлари катта миқдорда бўлгани ҳолда қўлда амалга оширилади. Шахсий томорқа хўжаликларида йўқлиги ёки қимматлиги туфайли кичик механизация воситалари ниҳоятда кам ишлатилади.

Қишлоқда яшовчи одам меҳнат унумдорлиги пастлиги туфайли шаҳарда яшовчи одам билан тенг бўлган даромадни ишлаб топиши учун анча кўпроқ меҳнат қилиши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### 2.4.2. *Фарқларнинг сабаблари*

Жаҳон тажрибасини ўрганишнинг кўрсатишича, бугунги кунда жаҳондаги биронта ҳам мамлакатда қишлоқ аҳолиси шаҳарда яшовчилар билан ўз ривожланишида бир хил имкониятга эга эмас. Аввалги бўлимлардан кўриниб турганидек, Ўзбекистонда ҳам бунга эришилмаган. Ҳар қандай фарқ ўз сабабларига эга. Ўзбекистон учун асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

**1. Иқтисодий омилларнинг таъсири.** 30-40 йиллардаёқ собиқ СССРда ҳамма учун ягона бўлган принциплар асосида жорий этилган Ўзбекистонни индустрлаштириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигидан молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ҳисобига амалга оширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига паст нархлар, саноат маҳсулотларига юқори нархлар белгиланиши ана шундай қайта тақсимлашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилди. Бунинг натижасида мамлакат қишлоқ хўжалигида вужудга келган ишлаб чиқаришнинг техник даражаси асосан шаҳарларда жойлашган саноат ишлаб чиқариши, транспорт корхоналари, алоқа ва коммуникациялар, қурилиш корхоналаридагидан анча пастдир. Меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг оладиган иш ҳақи даражасидан ва бошқа пул даромадларидан анча паст бўлишига сабаб бўлади. Структура ўзгаришларини амалга оширишни талаб этадиган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотига нархларнинг ораси қисқармаяпти, балки ошиб бормоқда. Вужудга келган тенгсизлик мунтазам такрорланиб бормоқда ва қишлоқ хўжалик тармоқларининг техник қолоқлигини тобора мустаҳкамламоқда.

**2. Демографик омилларнинг таъсири.** Қишлоқ жойларида туғилишнинг юқорилиги ва шунга мувофиқ равишда кўп болали оилаларнинг кўп бўлиши, меҳнат ресурслари сонининг шаҳар аҳолиси ўртасидагидан юқорироқ бўлиши кузатилмоқда - ҳар йили 280-300 минг киши меҳнатга қобилиятли бўлган ёшга кирмоқда, бу шаҳардагидан 1,8 баравар юқоридир.

16 ёшгача бўлган болалар салмоғининг юқорилиги оилаларнинг ишловчи аъзоларига катта юк бўлиб тушмоқда. Айни вақтда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда турмуш даражасининг аксарият кўрсаткичлари шаҳарлардагидан анча паст бўлиб чиқмоқда.

Овқатланиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати етарли бўлмаган ҳолда туғилиш даражасининг юқорилиги оналар ва гўдаклар ўртасида ўлимнинг нисбатан юқори бўлишининг сабаби ҳисобланади.

**3. Ер омилининг таъсири.** Бу ноанъанавий атама. Бироқ тажрибанинг кўрсатишича, кўп қаватли уйларнинг хонадорларида эмас, ерда яшовчи одамлар ҳаётнинг ўзига хос уклади ва тартибига эга. Улар вақтларининг катта қисмини ўз ер участкаларига ишлов бериш ва мол боқишга сарфлайдилар. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида аҳолининг 77 фоизи уй ҳайвонларига эга. Қишлоқ аҳолиси учун томорқа хўжалиги жуда муҳим, чунки улар етиштирилган бу маҳсулотни шахсий истеъмол учун ишлатадилар, шу тарзда ўз моддий аҳволларини мустаҳкамлаб, оила аъзолари саломатлигини сақлайдилар. Ана шундай участкаларга эга бўлган деярли бутун аҳоли ортиқча маҳсулотни бозорда сотиб, ўз пул даромадларини оширадилар.

Айни вақтда қишлоқ аҳолисида кўпинча китоб ўқиш, кино ва театрларга бориш учун вақт етишмайди. Уларда амалда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Бундай оилаларда болалар кичик ёшданоқ ерда меҳнат қиладилар ва амалда даромад кел-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тирадилар. Бироқ улар ўз таълим даражаларини ошириш учун камроқ имкониятларга эгадирлар.

**4. Урф-одатлар, анъаналар, миллий маданиятнинг таъсири.** Масалан, тарихан вужудга келган анъаналар қишлоқ аҳолисининг деҳқончилик, ҳунармандчилик, халқ касб-корларидаги меҳнат кўникмалари оилавий шароитларда ёки кичик жамоаларда меҳнат қилиш майлларини вужудга келтиради.

Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, бу ерда бошпаналари бир бўлган, яқин қариндош-уруғлик алоқалари билан бирлашган ва умумий хўжалик ҳамда ягона оилавий бюджетни юритадиган қишлоқ оилалари жуда кўпдир.

Қишлоқ жойларидаги одамлар одатда миллий урф-одатлар ва анъаналарни бажаришга кўпроқ мойил бўладилар. Улар психологияси анча консерватив бўлиб, уларга ўзгаришлар секинроқ таъсир кўрсатади. Масалан, Марказий Осиёнинг амалда барча мамлакатларида оила фарзанд кўришлари билан ўз болаларига мол йиға бошлайдилар. Суннат тўйи, никоҳ тўйи каби оилавий тантаналарга ёки бошқа маросимларга тайёргарлик олдиндан олиб борилади. Бундай тадбирларга кўп одам таклиф этилади, шунинг учун катта сарф-харажатларни талаб этади. Кўпинча оилалар катта молиявий харажатларни амалга оширишади, бу эса сифатли овқатланиш, кийиниш, маданий-маиший товарларни сотиб олиш, хилма-хил хизматлардан фойдаланиш учун уларнинг жорий имкониятларини қисқартиради.

Бошқа мисоллар тариқасида нисбатан эрта никоҳлар, уй хўжалигини кўп оила бўлиб юритиш, патриархал оилавий турмуш тарзи, хўжаликни юритишни нисбатан натуралаштириш ва бошқа анъаналарни келтириш мумкин.

Қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи шаҳарникидан фарқ қилади, деганимизда бу фақат ёмон томонга фарқ қилади, деган маънони билдирмайди. Биз фақат объектив омиллар сабаб бўлган фарқлар мавжудлигини назарда тутамиз. Масалан, ери бўлган, лекин унда эрта тонгдан кеч қоронғисигача ишламаётган қишлоқ оиласини тасаввур этиш қийин. Шу ўринда очиқ ҳавода соғлом меҳнат қилиш ёки шаҳардаги хонадонда кўплаб соат телевизор томоша қилишнинг қайси бири яхшилиги маълум эмас. Ёки ўсмирларнинг ерда меҳнат қилиши ёҳуд замонавий йирик шаҳарларда ўсмирлар ўртасида тобора ошиб бораётган жиноятчилик яхшими?

Бизнингча, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш даражаси ва шароитларида яқинлашиш жараёнлари қайси йўналишларда рўй бериши керак?

### *2.4.3. Яқинлашиш йўналишлари*

- меҳнат шароитлари:

ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси бўйича;

меҳнатнинг интеллектуаллиги даражаси бўйича;

техник ва технологик хавфсизлик даражаси бўйича.

- даромадлар даражаси:

қийинлиги бўйича тенг бўлган меҳнат турлари учун ўртача иш ҳақи миқдори бўйича;

аҳоли жон бошига жами даромадлар миқдори бўйича;

пулнинг харид қобилияти бўйича.

- яшаш шароитлари:

уй-жой билан таъминланиши бўйича;

уй-жой сифати бўйича;

тоза сув, газ, канализация, иситиш тармоғи мавжудлиги бўйича;

хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари мавжуд бўлиши бўйича.

- таълим шароитлари:

аҳолининг мактабгача тарбия ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрта умумий таълим билан таъминланиши ва ундан фойдалана олиши бўйича;

ўқув жараёнининг ускуналар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлангани бўйича;

ўқитиш сифати бўйича;

ўрта умумий таълим олгандан сўнг ўқишни давом эттириш имконияти бўйича.

- соғлиқни сақлаш шароитлари:

соғлиқни сақлаш муассасаларидан фойдаланиш бўйича;

дори-дармонлардан фойдаланиш бўйича;

тиббий хизмат кўрсатиш сифати бўйича;

профилактика тиббий тадбирларидан фойдаланиш бўйича;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун муассасалардан фойдаланиш бўйича.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 3-боб
# Қишлоқни ривожлантириш ва инсоний тараққиёт

### *3.1. Қишлоқ хўжалик сектори иқтисодий юксалиш учун база сифатида*

Қишлоқни ривожлантириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Қишлоқ аҳолиси ташаббускорлиги ва ижодий ғайратининг ошишига кўмаклашувчи институционал ислоҳотларни ўтказиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксалиши учун ҳал қилувчи жиҳат ҳисобланади. Одамлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун аниқ иқтисодий рағбатларга муҳтождирлар. Жамоа хўжаликларини фермерлик уюшмаларига айлантириш бу йўналишдаги катта қадам ҳисобланади, уларда фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш масалалари юзасидан мустақил қарорлар қабул қилиш борасида кўпроқ имкониятларга эгадирлар. Фермерлар ўртасида ерни узоқ муддатли ижара асосида тақсимлаш улар фаолиятини анча яхшилаши ва инвестицияларни рағбатлантириши керак. Мерос бўлиб қолган буйруқбозлик тизимидан воз кечиш қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишилар ташаббусини анча ошириш имконини беради.

### *3.1.1 Ер, табиий ресурслар ва инсоний тараққиёт*

Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ва Ўзбекистон ярмидан кўпроқ аҳолисининг даромадлари манбаи ҳисобланади. Республика қишлоқ хўжалигининг нисбатан барқарорлиги шунинг асосий омилларидан бири бўлдики, ўтиш даврининг дастлабки йилларида мамлакатда ички маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши МДҲнинг бошқа давлатларига нисбатан анча паст бўлди, аҳоли томонидан асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасининг кескин пасайишига йўл қўйилмади ва деҳқонларнинг иш ҳамда даромад манбаларини қидириб шаҳарларга оммавий равишда кетиб қолиши кузатилади.

Ўзбекистонда деҳқончилик асосан суғориладиган ерларда амалга оширилади. Улкан ер ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда табиий-иқлимий шароитларга кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фақат чекланган ер майдонларида олиб борилиши мумкин. Мамлакатнинг катта ҳудудини саҳролар ва тоғли жойлар банд қилган. Лалмикор ерларда атиги 500-600 минг гектар ҳайдаладиган ерлар бор. 4,2 млн. гектар суғориладиган ердан 3,3 млн. гектари жамоат хўжаликларидаги товар маҳсулоти ишлаб чиқариши учун шудгорланадиган ерлар ҳисобланади. Фуқароларнинг томорқа участкаларига 400 минг гектар, фермерларга берилган ерларга 200 минг гектар тўғри келади, боғлар ва узумзорларнинг майдони 100 минг гектарга тенгдир. 27 млн. гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг асосий қисмини ўтлоқлар ташкил этади.

Фойдаланиш учун яроқли бўлган ер ресурслари чекланган шароитда энг муҳим вазифа улардан оқилона ва самарали фойдаланишдан иборатдир. Бугунги кунда суғориладиган ҳар гектар ер мамлакат аҳолисининг фақат 5 кишини "боқади", бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун бундан анча ноқулай иқлимий шароитларга эга бўлган Европадаги деярли барча ва жаҳондаги кўпгина бошқа давлатлардагидан анча паст-

*Мерос бўлиб қолган буйруқбозлик тизимидан воз кечиш қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг ташаббусини анча ошириш имконини беради*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ҳозирча Ўзбекистонда ер, унда яшаётган ва унга ишлов бераётган кишиларга муносиб даромад келтирмаяпти*

дир. Ўзбекистонда бир деҳқон атиги 10 кишини боқа олади, ваҳоланки, АҚШда бу кўрсаткич 98 кишини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти ривожланган ва жадал қишлоқ хўжалигига эга бўлган бир қанча бошқа мамлакатларда ҳам аҳвол худди шундайдир.

Ҳозирча Ўзбекистонда ер, унда яшаётган ва унга ишлов бераётган кишиларга муносиб даромад келтирмаяпти. Қишлоқда яшаётганларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пуд даромадлари шаҳарда яшовчилар олаётган даромаддан 19-20 фоиз камдир. Шу билан бирга йилига иккита, бир қанча жойларда эса учта ҳосил олиш имконини берадиган Ўзбекистоннинг иқлимий шароитлари, қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг ғоят меҳнатсеварлиги ва юқори профессионал кўникмалари уларнинг юксалиши ва гуллаб-яшнашининг асоси ҳамда умуман мамлакат иқтисодий тикланишининг базаси бўлиб қолиши керак.

Ернинг маҳсулдорлиги унинг унумдорлигига боғлиқдир, унумдорлик эса ҳар доим бир хил сақланиб турадиган нарса эмас. Ердан фойдаланиш билан унумдорлик пасаяди ва уни қайта тиклаш керак. Бунинг учун унумдорликни тўла қайта тиклаши мумкин бўлган ўғитлар ва бошқа тўлдирувчилар талаб этилади. Мамлакатда ерларнинг мелиоратив ҳолати кейинги 8 йил ичида ёмонлашди. Бу асосан тупроқнинг шўр босишида намоён бўлмоқда. Бир неча йил давомида ўтказилган анализларнинг кўрсатишича, кучсиз ва ўртача шўр босган суғориладиган ерларнинг миқдори анча кўпайди. Бунга қўшимча равишда Орол денгизи зонасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш Амударёнинг юқори оқимига қишлоқ хўжалигида ишлатилган дренаж сувларини ташлаш, шунингдек қишлоқ юқори қатламининг шўр босиши муносабати билан анча қийиндир.

Кейинги 8 йил давомида шўр босган ерларнинг салмоғи 3 пунктга кўпайди.

Ҳозирги пайтда мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш нуқтаи назаридан бир бутун вазифа: сон жиҳатдан кўпайиб бораётган аҳолини янада тўла таъминлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни узлуксиз кўпайтириш, айни пайтда Орол денгизи экология муаммосини оғирлаштирмаслик керак.

Бу оддий вазифалар эмас. Катта миқдордаги моддий-техника ресурслари талаб этилади. Экология муаммосини ҳал этишга устунлик берилиши керак. Уни ҳал этиш албатта қишлоқ хўжалик оборотидан суғориладиган ерларни чиқариш ва республика учун занжир реакцияси бўйича жиддий иқтисодий муаммони вужудга келтиришни талаб этмайди. Асосий эътибор сувни тежовчи технологияларга қаратилиши керак. Ҳар бир хўжаликда сувни оқилона сарфлашни рағбатлантирувчи иқтисодий механизм ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши керак.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, сувнинг асосий ресурслари фойдаланиш учун бепул ёки рамзий ҳақ учун берилиши туфайли сув ҳаддан ташқари кўп сарфланмоқ-

**3.1. жадвал. Суғориладиган ерларнинг шўр босиш даражаси бўйича структураси**






www.ziyouz.com kutubxonasi

да. Сувни тежаш технологиялари ишлаб чиқилганига қарамай, улар жорий этилмаяпти. Дренаж сувларини тозалашнинг самарали тизими йўқ. Истеъмолчиларга берилаётган сувни ўлчашнинг аниқ механизми ҳам ишлаб чиқилмаган. Сув хўжалик ишлари асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг буюртмачилари ва пудратчилари Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг бир хил ташкилотларидир.

Индикаторлар - танзиометрлар ёрдамида тупроқ намлигини ўлчаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва ахборотга автоматик ишлов бериш асосида қишлоқ хўжалик экинларини суғориш жадвалларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хўжаликлар, якка тартибдаги товар ишлаб чиқарувчилар - фермерларга берилаётган сув учун ҳақ тўлашни босқичма-босқич жорий этиш муҳимдир. Навбатдаги чора - бу томчилаб суғоришни жорий этишдир. шунан кейин барча суғориш тизимлари ва сув омборлари тубини темир-бетон ёки бошқа замонавий катериаллар билан қоплаш зарур.

Табиийки, бундай чораларни Амударё ва Сирдарё сувини истеъмол қилаётган ҳамма мамлакатлар кўришлари керак.

Сув ресурсларининг чеклангалиги ва шўр босган ҳамда оборотдан чиқарилаётган ерларнинг кўпайиши, катта майдонларнинг чўлга айланиши Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги кўпгина одамларнинг яшашига хавф солади. Мамлакатнинг шимолий минтақаларида таҳдид солаётган экология хавфи давом этаётган шароитларда инсоний тараққиётнинг барқарорлигини таъминлаб бўлмайди.

### *3.1.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш*

СССР таркибида Ўзбекистон пахта етиштиришга ихтисослаштирилган эди. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасида пахтачилик устун бўлиб, пахта яккаҳокимлиги ўрнатилган эди. Пахта яккаҳокимлиги натижасида мамлакатга бутун доннинг, шу жумладан озиқ-овқат буғдойининг 80 фоиздан кўпроғи, истеъмол қилинадиган гўшт-сут маҳсулотининг ярмидан кўпроғи, қанд-шакарнинг ҳаммаси, катта миқдордаги картошка, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари четдан олиб келинарди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари тажрибаси Ўзбекистонда мавжуд ер ва сув ресурсларидан фойдаланиб, уларни оқилона ишлатиб аҳолини ерлардан фойдаланиш структурасини ўзгартириш ҳамда паъта яккаҳокимлигидан воз кечиш негизида ички ишлаб чиқариш ҳисобига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мумкинлигини кўрсатди. Агар 1980 йилда қишлоқ хўжалик экинлари структурасида пахта 54 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда у фақат 36 фоиз бўлди.

1996 йилдан бошлаб донли экинлар майдони қарийб 2 млн. гектарни, шу жумладан бошоқли экинлар 1,8 млн. гектарни ташкил этади, улардан 1,3 млн. гектар суғориладиган ерларда бўлади. Ишлаб чиқариш ҳажми 4,7 млн. тоннани ташкил этади, бу эса республика аҳолисининг эҳтиёжларини тўла қондиради. Пахта етиштириш 4 млн. тонна ёки 1,25 млн. тонна тола даражасида барқарорлашади. Дон экинлари ва пахта ҳосилдорлиги ошиши билан ерларнинг бир қисми ем-ҳашак экинлари, сабзавот ва мевалар етиштириш учун бўшайди. Бу чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш имконини беради, ўз навбатида аҳолининг истеъмол структурасини ўзгартиришга ҳамда нон ва нон маҳсулотларини истеъмол қилишни янада камайтиришга олиб келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини қайта ўзгарти-

*Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини қайта ўзгартириш туфайли республика ҳозирги пайтда озиқ-овқат дони ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжларини деярли тўла таъминламоқда*



www.ziyouz.com kutubxonasi

риш туфайли республика ҳозирги пайтда озиқ-овқат дони ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжларини деярли тўла таъминламоқда.

Бироқ келажакда ҳам пахта асосий экспорт қилинадиган товар бўлиб қолади, озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини эса четдан олиб келиш зарур бўлади. Булар - шакар, гўшт-сут, балиқ маҳсулотларининг айрим турлари, картошка, цитрус ўсимликларидир.

1995 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти қиёсий нархларда 1990 йилга нисбатан 3 фоиз камайди. Айни пайтда 1995 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ошиши 1994 йилга нисбатан 102,3 фоизни ташкил этди.

*Ер унинг унумдорлигини сақлашдан ниҳоятда манфаатдор бўлган реал соҳибга эга бўлиши керак*

### *3.2. Қишлоқ хўжалигида институционал ва структура ислоҳотлари*

#### *3.2.1. Ислоҳотларнинг зарурлиги*

Ҳозирги пайтда мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар шунга мос бўлган институционал ислоҳотлар билан мустаҳкамланмаган. Бу ишлаб чиқариш маҳсулотларида жиддий зиддиятларни вужудга келтирмоқда ва иқтисодиётнинг нормал фаолият кўрсатишига ҳалақит бермоқда.

Агросаноат мажмуасининг кўпгина вазирликлари ва идоралари ислоҳотлар давомида уюшмалар, корпорациялар, шунингдек бошқа шаклларга айлантирилганига қарамай, хўжаликлар, туманлар, вилоятлар, шунингдек вазирликлар, уюшмалар ва корпорацияларда бошқарувнинг буйруқбозлик тизими сақланиб қолди. Масалан, хўжалик даражасида, зотан, жамоа хўжалигида колхозчи бригада бошлиғининг буйруғига, бригада бошлиғи раисининг буйруғига бўйсунади. Бошқарув аппарати мавжуд бўлиб, у деҳқонларнинг манфаатларини камситади. Бир қанча хўжаликларда эски маъмурий усуллар қўлланилмоқда. Туманлар даражасида ер ва мулкнинг аниқ эгаси йўқлиги муносабати билан хўжаликлар маъмурий органларнинг таъсир объекти бўлиб қолмоқда.

Вазирликлар ва идоралар ҳамда улар негизида янги ташкил этилган уюшмалар ва корпорациялар ҳали аввалги буйруқбозлик-бюрократик усуллардан тўла воз кечмадилар. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиш давом этмоқда. Ҳар бир вазирлик ва уюшма вилоятларда, бир қисми эса туманларда ҳам ўз бўлинмаларига эга, ушбу бўлинмалар улар сиёсатини турмушга жорий этмоқдалар. Кўпинча бу органлар қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратмай, ҳаддан ташқари ортиқса назоратни амалга оширмоқдалар, бу билан ходимларнинг шахсий ташаббус кўрсатишларини чекламоқдалар.

#### *3.2.2. Ислоҳлоҳотларнинг асосий йўналишлари*

**Ер муносабатлари** ердан оқилона фойдаланишга таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу муносабатлар қонунлар томонидан оқилона тартибга солинса, юқори унумли ерларга эга бўлиш мумкин. Ердан фойдаланувчилар тупроқни оқилона қайта ишлаш ва унинг унумдорлиги ҳақида мунтазам ғамхўрлик кўрсатадилар. Ер унинг унумдорлигини сақлашдан ниҳоятда манфаатдор бўлган реал соҳибга эга бўлиши керак.

Кўпгина мамлакатларда ер муносабатлари давлат томонидан тартибга солинади ва қонун ҳужжатлари фермерлик хўжаликларининг самарали фаолият кўрсатиши учун шароитларни шакллантиришга кўмаклашади. Жаҳон тажрибаси-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг далолат беришича, деҳқон хусусий мулк сифатидаги ёки узоқ муддатга ижарага олинган ерга эга бўлиши керак. Бу даврнинг 99 йил бўлгани маъқул. Бу унга ишончли ҳаракат қилиш ва ўз устида ишлаш, ўз малакасини ошириш, технологияни такомиллаштириш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, капитал маблағ сарфлашни амалга ошириш, бозорни ўрганиш, турдош корхоналар билан узоқ муддатли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш имконини беради. Собиқ СССРдаги ва бошқа социалистик йўналишдаги мамлакатлардаги коллективлаштиришнинг аянчли тажрибаси ер муносабатларининг бошқа шакллари, шу жумладан жамоа хўжаликлари билан бевосита ифодаланган муносабатлар самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун имкониятларни ва қишлоқ жойларида ҳар томонлама инсоний тараққиёт учун тегишли заминларни яратмайди.

Ўзбекистонда ислоҳотлар бошланиши билан аксарият давлат қишлоқ хўжалик корхоналари (совхозлар) жамоа хўжаликларига айлантирилди. Бироқ ерлар якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар учун эмас, балки жамоаларга муддатсиз фойдаланиш учун берилган жамоа хўжалиги инсоний ташаббус учун шароитлар ярата олмайди. Мулкнинг "ҳеч кимники эмас" деган ҳолати коллектив масъулиятсизлигига олиб келади. Жамоа хўжаликларига расман сайланадиган Бошқарув раҳбарлик қилса ҳам амалда хўжаликларда якка бошчилик ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ҳукмрондир. Деҳқонларнинг иқтисодий манфаатлари етарли ҳисобга олинмайди. Бундай тарздаги колхоз демократияси хўжаликларда деҳқонларни унумли меҳнат қилишга рағбатлантирмайди.

Ўзбекистонда ер муносабатларининг янги тизимини шакллантиришда шуни ҳисобга олиш зарурки, мамлакат қонунлари билан тартибга солинадиган ер муносабатлари ердан оқилона фойдаланиш, унинг ҳосилдорлигини, шунингдек унда меҳнат қилаётганларнинг даромадларини ошириш учун ташаббускорликни намоён этиш ҳамда етарли куч ва билимларни қўллашнинг асосий белгиловчи омили бўлиши керак. Ва аксинча, ер муносабатлари бундай ташаббусни тийиб қўйиш, ердан ноокилона фойдаланиш сабаби бўлишига йўл қўймаслик керак. Муқаррар равишда унумдорликнинг пасайиши, даромадлари ердан фойдаланишга боғлиқ бўлган одамлар турмуш даражасининг паст даражаси, пировард натижада қишлоқ жойларида инсоний тараққиётнинг сусайиши бунинг оқибати бўлади.

**3.2. жадвал. Чорва моллари умумий миқдоридан аҳоли хўжаликларидаги молларнинг улуши (фоиз)**




Мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналари чегарасида (бригадалар негизида) банкларда ўз ҳисобварақларига эга бўлган фермерлик хўжаликларини, сервис хизмат кўрсатиш кооперативларини ташкил этиш истиқболли кўринади. Хўжаликларнинг ўзини фермер жамоалари уюшмасига айлантириш мақсадга мувофиқдир. 1990 йил 1 январида Ўзбекистонда 18 мингтадан ортиқ фермерлик хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлиб, бироқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги уларнинг улуши ҳали жуда камдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фермерлик хўжаликлари ичида ҳар бир деҳқон оиласига узоқ муддатли ижара асосида ерларни бириктиб қўйиш керак. Фермерлик хўжалиги хўжалик бирлиги бўлади ва солиқлар тўлайди, бошқа тўловларни амалга оширади, уюшмада ташкил этиладиган ижтимоий ривожланиш марказий фондига ажратмалар ўтказади.

Фермерлик хўжаликларининг кооперативлар билан ўзаро муносабатлари шартномаларга асосланади. Хизмат кўрсатувчи кооперативларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қопланади, лекин улар фойда олмайдилар, демак, солиқ ҳам тўламайдилар. Солиқларни фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, яъни фермер хўжаликлари тўлайдилар.

**Қишлоқнинг ишлаб чиқариш инфраструктурасини вужудга келтириш.** Якка тартибдаги товар ишлаб чиқарувчилар сифатида фаолият кўрсатаётган ва жамоа хўжаликлари ва хўжалик органларига боғлиқ бўлмаган фермерлар ердан яхшироқ фойдаланадилар. Бироқ уларнинг самарадорлиги ҳал қилувчи даражада ишлаб чиқариш инфраструктураси - моддий-техника ресурслари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи бозорларининг, техник хизмат кўрсатиш тизимининг ва ҳоказоларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида техник хизмат кўрсатишнинг кўпгина турлари бевосита қишлоқ хўжалик корхоналарида амалга оширилади. Бироқ мавжуд устахоналардаги бажарилаётган ишларнинг техник даражаси ғоят паст: техник сервис кўрсатиш суст ривожланган. Ҳар бир туман марказида ягона жиҳозланган устахона мавжуд бўлиб, жойларда унинг филиаллари йўқ. Худди шунга ўхшаш тузилишга эга бўлган агрокимё сервиси ҳам ривожланмаган. Хўжаликларда у қониқарсиз аҳволда. Ветеринария, зоотехник хизмат кўрсатиш 20 йил давомида такомиллаштириб борилмаган.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва маркетингнинг самарали шакллари йўқ.

Фермерлик хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида мавжуд техник хизмат кўрсатиш корхоналарини босқичма-босқич деҳқонларга хизмат кўрсатувчи кооперативларга айлантириш керак. Бу кооперативлар техник хизмат кўрсатишни, дала ишларини бажаришни, ресурслар билан таъминлаш ва маҳсулотни шартномавий асосда сотишни амалга оширишлари мумкин бўлади.

**Бозор инфраструктурасини вужудга келтириш.** Фермернинг нормал фаолият кўрсатиши учун ер ва

**3.1. Жадвал. Хусусий фермалар бўйича асосий кўрсаткичлар**

| | 1991 | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 |
|---|---|---|---|---|---|
| Фермалар сони (мингта) | 1,9 | 5,9 | 7,5 | 14,2 | 18,1 |
| Умумий майдони (минг гектар) | 13,7 | 45,1 | 70,0 | 193,1 | 264,6 |
| Ҳар бир фермага ҳисоблаганда ўртача майдон (гектар) | 7,3 | 7,6 | 9,4 | 13,6 | 14,6 |
| Маҳсулот етиштириш (тонна) | | | | | |
| - гўшт | ... | 4193,1 | 4495,3 | 13388 | 17644,3 |
| - сут | ... | 23629,5 | 24956,1 | 52560,6 | 71535,4 |
| - тухум (мингта) | ... | 127,1 | 2608,2 | 3324 | 4938,9 |
| - жун | ... | 71,6 | 81,2 | 155,9 | 2114,4 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

сервис кооперативлари мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Минтақада ва республикада бозор инфраструктураси бўлиши зарур. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар бозорда бир-бирларини топишлари керак. Моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва маҳсулотни сотиш бўйича монополия структуралари бўлмаслиги керак. Маҳсулотнинг асосий қисми биржага қўйилиши керак.

Ҳозирги пайтда республика уюшмалари ва корхоналари - сотиш ва қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи ана шу уюшмаларнинг таъсисчилари монополия структуралари бўлиб қолмоқда. улар эркин нархлар шароитларида қишлоқ хўжалик корхоналарининг харажатлари билан ҳисоблашмай, монопол паст нархларни белгиламоқдалар. Шунинг учун ҳозирги пайтда аксарият қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи ғоят оғир эканлиги бежиз эмас. Қишлоқ хўжалигида институционал ислоҳотлар жараёнида монополияга қарши чорваларни кучайтириш ва жойларда моддий-техника ресурслари ва маҳсулотларнинг улгуржи бозорларини вужудга келтириш зарур. Корхоналарнинг ўз муаммоларини бевосита жойларда, вилоят ва республика ташкилотларининг бюрократик қарорлари ёрдамисиз ҳал этишлари учун шароит яратиш ғоят муҳимдир. Табиийки, улкан, умумтармоқ муаммолари республика даражасида ҳал этилиши лозим. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига сармояларни жалб этиш учун сармоялар ва қимматли қоғозларнинг янада ривожланган бозорини вужудга келтириб талаб этилади. Афсуски, тижорат банклари бозорга йўналтирилган иқтисодиётда улар ўйнаши керак бўлган ҳал қилувчи ролни англаб етмаяптилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кафолатли сотиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган корпоратив структуралар зарур. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотилишини кафолатлашлари ва шу билан уларни нархлари даражасини қўллашлари мумкин бўлар эди.

**Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш.** Қишлоқ хўжалигидаги оғир аҳвол ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш манфаатлари бу соҳада ягона давлат сиёсатини ўтказишни назарда тутади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг ижроия структураларини вужудга келтириш ана шундай сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

**3.1.-қўшимча меҳнат бозорининг таркиб топиши**

Меҳнат бозори тушунчасининг муомалага киритилиши ва Ўзбекистгн Республикасида ишсизликнинг расмий тан олиниши 1992 йилнинг бошига тўғри келади. Бандлик ҳақида қабул қилинган Қонун республика фуқароларига биринчи марта ихтиёрий равишда банд бўлмаслик ҳуқуқини берди, ишсизлик бўйича нафақалар тизимини киритди, бандлик бўйича давлат хизматлари вазифаларини белгилаб берди. Вазирликлар ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш билан боғлиқ фаолиятини лицензиялаш шартлари ва тартибини изга солувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуини амалга киритиш; ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни ишга қабул қилишни нормалаш; иш жойларини ташкил этишда устун ривожлантириладиган ҳудудларни белгилаш; банд бўлмаган аҳолининг касб тайёргарлиги, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш; ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш билан меҳнат бозорининг ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асоси шакллантирилди.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ўтказишни амалда рўёбга чиқариш ягона давлат органи йўқ. Қишлоқ хўжалик вазирлиги кўпроқ хўжалик масалалари билан шуғулланмоқда. Ўндан зиёд республика қишлоқ хўжалик ва агроиндустриал уюшмалари ва корпорацияларига таъсири амалда йўқ. Ўз навбатида бозор фаоллигини рағбатлантиришга даъват этилган бу ташки-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сервис кооперативлари мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Минтақада ва республикада бозор инфраструктураси бўлиши зарур. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар бозорда бир-бирларини топишлари керак. Моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва маҳсулотни сотиш бўйича монополия структуралари бўлмаслиги керак. Маҳсулотнинг асосий қисми биржага қўйилиши керак.

Ҳозирги пайтда республика уюшмалари ва корхоналари - сотиш ва қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи ана шу уюшмаларнинг таъсисчилари монополия структуралари бўлиб қолмоқда. улар эркин нархлар шароитларида қишлоқ хўжалик корхоналарининг харажатлари билан ҳисоблашмай, монопол паст нархларни белгиламоқдалар. Шунинг учун ҳозирги пайтда аксарият қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи ғоят оғир эканлиги бежиз эмас. Қишлоқ хўжалигида институционал ислоҳотлар жараёнида монополияга қарши чорваларни кучайтириш ва жойларда моддий-техника ресурслари ва маҳсулотларнинг улгуржи бозорларини вужудга келтириш зарур. Корхоналарнинг ўз муаммоларини бевосита жойларда, вилоят ва республика ташкилотларининг бюрократик қарорлари ёрдамисиз ҳал этишлари учун шароит яратиш ғоят муҳимдир. Табиийки, улкан, умумтармоқ муаммолари республика даражасида ҳал этилиши лозим. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига сармояларни жалб этиш учун сармоялар ва қимматли қоғозларнинг янада ривожланган бозорини вужудга келтириб талаб этилади. Афсуски, тижорат банклари бозорга йўналтирилган иқтисодиётда улар ўйнаши керак бўлган ҳал қилувчи ролни англаб етмаяптилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кафолатли сотиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган корпоратив структуралар зарур. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотилишини кафолатлашлари ва шу билан уларни нархлари даражасини қўллашлари мумкин бўлар эди.

**Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш.** Қишлоқ хўжалигидаги оғир аҳвол ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш манфаатлари бу соҳада ягона давлат сиёсатини ўтказишни назарда тутади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг ижроия структураларини вужудга келтириш ана шундай сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ўтказишни амалда рўёбга чиқариш ягона давлат органи йўқ. Қишлоқ хўжалик вазирлиги кўпроқ хўжалик масалалари билан шуғулланмоқда. Ўндан зиёд республика қишлоқ хўжалик ва агроиндустриал уюшмалари ва корпорацияларига таъсири амалда йўқ. Ўз навбатида бозор фаоллигини рағбатлантиришга даъват этилган бу ташки-

**3.1.-қўшимча меҳнат бозорининг таркиб топиши**

Меҳнат бозори тушунчасининг муомалага киритилиши ва Ўзбекистгн Республикасида ишсизликнинг расмий тан олиниши 1992 йилнинг бошига тўғри келади. Бандлик ҳақида қабул қилинган Қонун республика фуқароларига биринчи марта ихтиёрий равишда банд бўлмаслик ҳуқуқини берди, ишсизлик бўйича нафақалар тизимини киритди, бандлик бўйича давлат хизматлари вазифаларини белгилаб берди. Вазирликлар ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш билан боғлиқ фаолиятини лицензиялаш шартлари ва тартибини изга солувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуини амалга киритиш; ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни ишга қабул қилишни нормалаш; иш жойларини ташкил этишда устун ривожлантириладиган ҳудудларни белгилаш; банд бўлмаган аҳолининг касб тайёргарлиги, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш; ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш билан меҳнат бозорининг ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асоси шакллантирилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лотлар таъсисчи корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун нормал шароитлар яратишдан кўра амалда маъмурий бошқарув органи вазифаларини бажармоқда. Бу ислоҳотларни чуқурлаштиришга ҳалақит бермоқда. Уюшмалар ва корпорациялар бошқарувлари ва бошқарув девонлари ислоҳотларни амалга ошириш ва бозор инфраструктурасини вужудга келтириш ўрнига кўпроқ хўжалик масалалари билан шуғулланишмоқда.

Жамоа корхоналарида ходимлар раҳбарларга нисбатан деярли талабчанлик қилмаяптилар, чунки иқтисодий манфаатдорликни ҳаракатга келтирувчи механизм яратилмаган. Ходим акциялар тарзида мулкнинг бир қисмига эга бўлсада, кўпинча улар бўйича дивидендлар олмаяпти ва табиийки, унчалик қизиқиш билан ишламаяпти. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг акциядорлик жамиятларига айлантирилиши ҳали корхоналар ва уларнинг турдош корхоналари манфаатлари билан ўзаро боғланган эмас. Кўпгина корхоналарда акциялар мажмуининг 51 фоизи давлатга,тахминан 25 фоизи меҳнат жамоасига ва фақат 10 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб берувчи турдош корхоналарга тегишлидир.

*Ҳар бир кишининг ўз истеъдодини намоён этиши ва ўзининг бор куч ва қобилиятларини ишга сарфлаши учун рағбат бўлиши зарур.*

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг қайта ишловчи корхоналардаги ваколатли воситачилари (кооператорлар)да ҳал қилувчи овознинг йўқлиги бу корхоналарда истеъмолчилар талабини қондириш учун майли пастлигининг асосий сабаби ҳисобланади.

**Рағбатлар.** Ҳар бир кишининг ўз истеъдодини намоён этиши ва ўзининг бор куч ва қобилиятларини ишга сарфлаши учун рағбат бўлиши зарур. Ишлаб чиқаришда бу омиллар аввало иқтисодий омиллардир. Ўз потенциалидан тўла фойдаланиш учун ҳар бир ходим ўз ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг эгаси бўлиши лозим. У ўз маҳсулотини ўз мамлакати чегарасида ҳам, жаҳон бозорида ҳам одатдаги нархларда эркин сотиш имкониятига эга бўлиши керак.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар давомида давлат пахта ва дондан ташқари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга давлат буюртмаларини аста-секин бекор қилди. Бироқ 1996 йилда пахтага давлат буюртмаси анчагина - етиштирилган бутун ҳажмининг 40 фоизигача ва донга 25 фоизгача камайтирилди. 1998 йилдан пахтага давлат буюртмасидан воз кечиш мўлжалланмоқда.

Аксарият нархлар эркинлаштирилди. Пахта ва дон нархлари бундан мустаснодир. 1996 йил ҳосили учун дон нархи жаҳон даражасининг 60 фоизига, пахта нархи 70 фоизига етади. Бу маҳсулотга ички нархлар аста-секин жаҳон нархларига яқинлаштирилади.

Давлат деҳқонларнинг ўз маҳсулотларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат буюртмаси тизимидан шартнома - контрактациялар тузиш тизимига ўтди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодиётнинг устун сектори сифатида солиқларнинг кўпгина турларидан озод қилинган. Бироқ солиқ тизими мураккаблигича қолмоқда ва самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини етарли даражада ривожлантирмаяпти. Қишлоқ хўжалигида ҳозирги мавжуд солиқлар ўрнига ягона ер солиғини жорий этиш бунга муқобил бўлиши мумкин. Айни пайтда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ресурслар пулли бўлиши керак.

Ҳозирги пайтгача давлат қишлоқ хўжалигида хўжаликлараро сув объектлари ва коллектор-дренаж тармоғини пул билан таъминламоқда, янги ерларни ўзлаштириш ҳам давлат ҳисобига амалга оширил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мокда. Бу мақсадларга молиявий харажатлар 4 млрд сўмгача бўлмоқда.

Қишлоқ жойларида тижорат банклари, кичик корхоналар ташкил этилган, қишлоқда шу мақсадлар учун махсус тузилган жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Бироқ мавжуд молиявий тузилмалар одатда қисқа муддатли кредитлар беради, бу эса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг узоқ муддатли дастурлари учун мутлақо етарли эмасдир.

## *3.3 Қишлоқ жойларида аҳолининг бандлиги*

### *3.3.1. Ислоҳотлардан олдинги даврда бандлик*

Ноёб табиий-иқлимий шароитлар, бой қишлоқ хўжалик, минерал-хом ашё ресурслари, шунингдек деҳқончиликка мойиллик Ўзбекистон аҳолисининг иш билан бандлиги структураси ва турлари тусини белгилаб берди. Аҳолининг катта қисми ҳар доим ўз ҳаётий фаолиятини қишлоқ жойларида таъминлар эди.

Қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларининг нисбатан ортиқчалиги муаммоси кўпдан буён Ўзбекистон учун ғоят ўткир ҳисобланади. Уни ҳал этиш республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ҳам устун бўлиб қолмоқда.

Совет давридаги аҳолининг умумий мажбурий бандлиги Ўрта Осиё республикалари каби меҳнат ресурслари ортиқча бўлган минтақаларда меҳнатни сарфлашнинг етарли соҳаларини вужудга келтириш бўйича шунга тенг бўлган чоралар билан мустаҳкамланмаган эди.

Давлат қишлоқ аҳолисини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга ҳеч қандай чеклашларсиз жалб этиш учун сунъий равишда сиёсий шарт-шароитларни вужудга келтирарди. Шунинг учун қишлоқ жойларида

**3.3.-жадвал. Ишсизларнинг ёш таркиби**




очиқ ишсизлик деярли йўқ эди. Меҳнатга қобилиятли ёшдаги деярли ҳамма одамлар колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳисобланишарди. Меҳнат унумдорлигининг ғоят пастлиги ва қишлоқ аҳолиси даромадлари даражасининг ниҳоятда пастлиги ана шундай "бандлик"ка кўмаклашарди.

Шу тариқа қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги соҳасида қуйидагилар мерос бўлиб қолган муаммолар ҳисобланади:

. меҳнатни таклиф этиш ва янги иш жойлари, шунингдек меҳнатни сарфлаш соҳалари ўртасидаги катта номутаносиблик. 30-йилларнинг бошида кўпаётган меҳнат ресурсларидан ҳар минг кишидан мамлакатда атиги тўртдан уч қисми, қишлоқ жойларида эса ярмидан сал кўпроғи иш жойлари билан таъминланган эди. Андижон, Қашқадарё

**3.2.-қўшимча Меҳнат биржалари иши**

Республикада фаолият кўрсатаётган меҳнат биржаси ҳозирча ўз фаолиятини авж олдирмади, у фақат ишга жойлаштириш бўйича бандлик хизматига мурожаат қилаётган аҳоли тоифасини қамраб олмоқда. Ишсизларнинг фақат 17 фоизи ёрдам сўраб мурожаат қилади.

Меҳнат биржаларида 1994 йилда 203 минг киши иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган ва ҳисобга қўйилган бўлса, 1995 йилда улар 244 минг кишини ташкил этди. Йил охирига бориб ҳисобда 34 минг киши бўлади, бу 1994 йил охирига нисбатан 15,6 фоиз кўпдир.

Жорий йилда меҳнат биржалари йўлланмалари бўйича ойига ўртача 4,4 минг касб таълимидан ўтган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**3.4.=жадвал. Меҳнат биржасига мурожаат қилган аҳолини ишга жойлаштириш фоизи**




*Яқин истиқбол даврида қишлоқ меҳнат ресурслари ошишининг нисбатан юқори суръатлари сақланиб қолади.*

вилоятлари каби аввалдан суғориладиган қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларининг деярли 40 фоизи реал иш билан банд эмасди.

. қишлоқ жойларидаги бандликнинг номукаммал тармоқ структураси. Фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожлантиришга йўналтирилганлик, қайта ишлаш саноат тармоқларини ва хизмат кўрсатиш соҳасини вужудга келтиришга тегишли эътиборини йўқлиги қишлоқ хўжаликдан ташқари тармоқларда меҳнатни сарфлаш имкониятларини кескин торайтирди. Қишлоқ меҳнаткашларининг учдан икки қисми, айрим минтақаларда эса 70 фоиздан кўпроғи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жамланган.

### *3.3.2. Ўтиш даврида бандлик структурасидаги ўзгаришлар*

1991-1995 йилларда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли умумий сонида иш билан банд бўлганлар салмоғини 59,0 фоиздан 74 фоизга ошириш иқтисодий ислоҳотлар ва қишлоқ жойларида меҳнатни сарфлаш соҳаларини кенгайтиришнинг муҳим якуни бўлди.

Ривожланиб бораётган бозор муносабатлари таъсирида аҳоли бандлиги структурасидаги ўзгаришлар жараёни давом этмоқда. Қишлоқ жойларида банд бўлганлар умумий сони деярли 1,4 баравар кўпайгани ҳолда ишчи кучининг давлат секторидан мулкчиликнинг нодавлат шакллари корхоналарига ўтиши фаоллашди. Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 1991 йилдаги 37 фоиздан 1994 йилда 76 фоизга кўпайди, уларнинг умумий сони эса деярли 3,2 млн. кишини ташкил этди.

1994 йилда қишлоқ иқтисодиётида банд бўлга умумий миқдордан 77 фоизини моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар, қарийб 23 фоизини ноишлаб чиқариш соҳасида ишловчилар ташкил этди. Ноишлаб чиқариш соҳасининг етарли ривожланмаганлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ишчи кучи билан ортиқча таъминланишига олиб келади.

### *3.3.3. Демографик жараёнларнинг тамойиллари ва қишлоқдаги бандлик.*

1996 йилда қишлоқ аҳолисининг 1995 йилга нисбатан 2,7 фоиз кўпайиши мўлжалланмоқда, шаҳар аҳолиси эса фақат 0,2 фоиз кўпаяди. Туғилиш жараёнининг юқорилиги ва қишлоқ аҳолиси кўчиш даражасининг пастлиги туфайли республика аҳолиси умумий ўсишининг 90 фоиздан ортиқроғи қишлоқ аҳолисига тўғри келади. Республика аҳолиси умумий сонида қишлоқ аҳолиси улуши 1995 йилдаги 61,3 фоиздан 1996 йилда 62.3 фоизгача ошади.

Қишлоқ аҳолиси кўпайишининг илдам суръатлари барча минтақалар учун хос бўлади. Улар 1,8 фоиздан (Навоий вилояти) 3,3 фоизгача (Сурхондарё вилояти) оралиқда бўлади. Бу тамойиллар барқарор тусда бўлиб, прогноз баҳоларга кўра истиқболдаги яқин муддатда ҳам сақланиб қолади.

Бироқ қишлоқ аҳолиси умумий бандлигининг ошиши ишчи кучи миқдорининг ошишидан анча орқада қолмоқда. Бу тоифадаги ёшларнинг фақат 30 фоизга яқини иш билан таъминланади.

Аввал бўлганидек ҳозир ҳам қишлоқ жойларидаги иш кучининг катта қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

Лекин бандликнинг ҳолати қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини қайта қуриш муносабати билан ҳам мураккаблашади. Пахта экилган майдонларнинг анча қисқариши ва унинг камроқ меҳнат талаб қиладиган дон экинлари ва бошқа экинлар билан алмаштирилиши қишлоқ хўжалигида бандлик умумий даражасининг янада тезроқ пасайишига олиб ке-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лади. Экспертларнинг баҳоларига кўра қишлоқ хўжалигидаги структура ўзгаришлари бандларнинг 6,6-10 фоиз қисқаришига олиб келади.

Бандлик хизматларида рўйхатга олинганлардан 50 фоизи 18-30 ёшдаги ёшлар ташкил этади, айни пайтда уларнинг 31 фоизини 30-50 ёшдаги ва 13 фоизини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Меҳнат биржасида рўйхатга олинганлар умумий сонидан 53,6 фоизини эркаклар ташкил этади. 54 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади;

ишга жойлашишга муҳтож бўлганларнинг аксарият кўпчилиги умумий ўрта ва ундан паст маълумотга эга. Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар улуши ортиб бормоқда;

48 фоизи ўз хоҳиши бўйича ишдан бўшаганлар, шундан 25 фоизи умумий таълим мактаблари битирувчилари, 10 фоизи олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилари;

Рўйхатга олинган ишсизлар умумий сонидан 1995 йилда фақат 61 фоизи иш топди (бу кўрсаткич минтақалар бўйича ўзгариб туради). Сирдарё вилояти бўйича ушбу кўрсаткич атиги 37 фоизини, Навоий вилоятида 40 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида 44 фоизни, Сурхондарёда 48 фоизни, Самарқандда 50 фоизни ташкил этади.

### *3.3.4. Қишлоқ жойлардаги потенциал ишчи кучи*

Уй бекалари ва меҳнатга қобилиятли ёшдаги банд бўлмаган аҳолининг бошқа тоифалари, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишловчиларнинг ортиқча сони, давлат бандлик хизмати органларида рўйхатга олинган ишсизлар сони қишлоқ жойларидаги потенциал ишчи кучини ташкил этади.

Баланс ҳисоб-китобларининг кўрсатишича, 1995 йилда умуман республика бўйича банд бўлмаган аҳоли сони 1241 минг кишига етади. Уларнинг энг катта қисми Самарқанд (141 минг киши), Фарғона (106,3), Наманган (104,6) ва Сурхондарё (85 минг киши) вилоятларига тўғри келади.

Бироқ текшириш натижасида шу нарса аниқландики, банд бўлмаган қишлоқ аҳолиси умумий сонининг бешдан бир қисми ёки 246 минг киши муайян шартлар асосида ишлаш истагини билдиришмоқда. Қолган қисми, яъни 4 ёки ундан кўп фарзанди бўлган кўп болали оналар, ногиронлар ва ихтиёрий равишда банд бўлмасликни танлаган шахслар потенциал ишчи кучи ҳисобланмайди.

Республика қишлоқ хўжалигидаги яширин ишсизлик 800 минг кишидан ортиқдир. Пахта етиштиришда (480 минг кишидан зиёд киши нисбатан ортиқча ҳисобланади), чорвачиликда (87 минг киши) ва дончиликда (74 минг киши) меҳнат ресурслари энг ортиқчадир. Ишчи кучи ортиқчалиги даражаси ҳудудлар бўйича ҳам тенг эмас. У 24,9 фоиздан (Тошкент вилояти) 65,4 фоизгача (Қашқадарё вилояти) оралиқдадир.

Прогноз ҳисоб-китобларининг кўрсатишича, яқин истиқбол даврида қишлоқ меҳнат ресурслари ошишининг нисбатан юқори суръатлари сақланиб қолади. Умуман 1995-2000 йилларда ишга жойлаштиришни талаб этадиган меҳнат ресурслари сони 1035 минг кишига кўпаяди. Уларнинг энг катта улуши Андижон (215 минг киши), Қашқадарё (117 минг киши), Самарқанд (103 минг киши) ва Фарғона (83 минг киши) вилоятларига тўғри келади.

Шу тариқа ишлаб чиқаришга қўшимча равишда жалб этилиши керак бўлган қишлоқ жойларидаги потенциал ишчи кучи 2000 йилгача бўлган истиқболдан 2145 минг киши бўлади деб баҳоланмоқда, 1996 йилдаги ҳолатга кўра у 1114 минг киши эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қишлоқ аҳолисининг иш билан банд бўлишини таъминлашнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш зарур*

### *3.3.5. Қишлоқда бандликни таъминлаш стратегияси ва устунликлари*

Республика Ҳукумати томонидан қишлоқ аҳолисининг ақилона бандлигини таъминлаш ва унга эришиш муаммоси иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда ва мустаҳкам ўзаро ҳамжиҳатликда қаралмоқда.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларини етиштириш, уларни жойлаштиришнинг минтақавий хусусиятларини, яшовчиларнинг тарихан таркиб топган ишлаб чиқариш кўникмалари, миллий анъаналари, қадриятлари, бошқа минтақавий омилларини ҳисобга олиш қишлоқ аҳолиси бандлигининг янги сиёсатини шакллантиришнинг бошланғич асоси бўлиб хизмат қилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш қоидаларини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган асосий йўналишлар ва ташкилий-ҳуқуқий негизни вужудга келтириш республиканинг бозор иқтисодиётига ижтимоий йўналтирилган ўтишнинг миллий моделида ўз ифодасини топган бўлиб, унда қишлоқ хўжалигининг ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш бўйича тармоқларнинг республика иқтисодиётидаги муҳим ўрин тутишига асосланиб, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга алоҳида устунлик берилган.

Иқтисодий ўзгартишларнинг биринчи босқичида қишлоқ аҳолисининг бандлиги муаммолари қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва аграр муносабатларининг янги турини шакллантиришнинг асосий вазифаларини ҳал этиш асносида кўриб чиқилди.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида қуйидагилар бандликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа муммоларини ҳал этишнинг биринчи навбатдаги чоралари деб ҳисобланди: давлат қишлоқ хўжалик корхоналари (совхозлар)ни жамоа, кооператив, акциядорлик ва бошқа мулк шаклларига айлантириш; аҳолига шахсий ёрдамчи хўжаликлари учун ер ажратиш; қишлоқда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги шаклларини - фермерлик, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш; қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар, саноат корхоналари филиаллари ва цехлари, корхоналарга сервис хизмати кўрсатиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича фирмалар тармоғини вужудга келтириш ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича кўрилган фаол чора-тадбирлар бандлик учун шароитлар яратиш ва оммавий ишсизлик эҳтимолининг олдини олиш мулкчилик шакллари бўйича ишлаб чиқариш ва бандлик структурасининг бозор иқтисодиёти шароитларига яқинлаштириш, янги ишлаб чиқариш муносабатларига ўтиш ва ходимнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш, одамларнинг боқимандалик технологиясини ўзгартириш ва одамнинг давлатдан боғлиқлигини камайтириш имконини берди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаганларни фаолиятнинг бошқа соҳаларига йўналтириш бўйича чора-тадбирларни белгилайдиган қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилишни таъминлашнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Бунда албатта маҳаллий омилларни ва аҳоли менталитетини ҳисобга олиш зарур. Зотан, қишлоқ аҳолининг оилага ва улар туғилиб ўсган ерга боғлиқликлари қишлоқлар ва аҳоли пунктларида уларда яшовчи кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий корхоналарни жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Қишлоқда яшовчилар ҳаракатчанлигининг пастлиги, шунингдек қишлоқ аҳлининг шаҳарларга ом-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мавий равишда кўчса, шаҳар муаммоларининг кучайишига қарши чоралар кўриш зарурлиги саноатнинг қишлоққа ҳаракатланиши, хизмат соҳаларини ривожлантириш ва шу тарика қишлоқ аҳлининг даромад олиши учун шароит яратишни мақсадга мувофиқ қилиб қўяди.

Ўзбекистоннинг ғоят муҳим ижтимоий-демографик омиллари, қишлоқ аҳли руҳияти ва менталитетига асосланиб, қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилишни таъминлаш дастурининг қуйидаги стратегик йўналишлари таклиф этилади:

- қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги ортиқча ходимларни бўшатиб олиш ва қишлоқ хўжаликдан бошқа фаолият соҳаларига йўналтириш;
- қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш;
- қишлоқ жойларида бозор инфраструктурасини ривожлантириш;
- меҳнат биржалари фаолиятини такомиллаштириш.

Қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилишни яхшилаш бўйича асосий тадбирлар фақат 1996 йилда қарийб 390 минг кишини ёки потенциал ишчи кучининг учдан бир қисмидан кўпроғини меҳнат фаолиятининг турли соҳалари ва шаклларига жалб этишга йўналтирилиши керак.

1996-2000 йиллар орасидаги даврда эса қарийб 2 миллионта янги иш жойини вужудга келтириш, деярли 950 минг кишини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мўлжалланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 4-боб. Турар жой, уй-жой инфраструктураси ва инсоний тараққиёт

## *4.1. Инсоний тараққиёт ва яшаш муҳити ўртасидаги ўзаро алоқа*

Инсоний тараққиёт кўпгина ўлчовларга эга. Бу фақат одамлар турмуш даражасигина эмас, шу билан бирга улар турмушининг сифати ҳамдир. Турмуш сифати инсон яшаши, меҳнат қилиши, дам олишига тўғри келадиган жисмоний, моддий муҳитда шаклланади.

Уй-жой хўжалиги, сув таъминоти, канализация, энергия таъминоти, газ таъминоти, йўл-кўприк хўжалиги, санитария йиғилиштириши, кўкаламлаштириш, шаҳар электр транспорти, аҳоли ва бошқа тоифадаги истеъмолчиларнинг тегишли эҳтиёжларини қондириб, одамнинг нормал ҳаёти фаолияти учун зарур шароитларни таъминлайди. Уларнинг фаолияти кўп даражада одамнинг ҳаётий муҳитини - уй-жой, микрорайон, шаҳарнинг шинамлигини шакллантиради.

Коммунал хизматининг ривожланганлиги, унинг фаолиятининг самарадорлиги, жамиятнинг маданийлиги, маданияти, унинг турмуши ва турмуш тарзи даражасини акс эттириб, аҳолининг тегишли турмуш сифатини шакллантирибгина қолмай, шу билан бирга иқтисодий потенциални ривожлантириш, инвестицияларни жалб этишнинг муҳим заминларидан бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бироқ шуни эсдан чиқармаслик керакки, одамга хизмат кўрсатишни таъминлаётган тизим бир вақтнинг ўзида табиий ресурслар (сув, ёнилғи-энергетика ресурслари ва бошқалар)нинг йирик истеъмолчиси ҳам ҳисобланади ва айни вақтда атроф муҳитга нисбатан агрессив бўлади.

**4.1. қўшимча. Яшаш муҳити ва уй-жой шароитларининг инсоний тараққиётга таъсири.**

• **одамлар саломатлигини сақлаш соҳасида.** Одамнинг яшаш жойидаги ва ҳаётий фаолиятидаги экология вазияти одамлар саломатлигига улкан таъсир кўрсатади. Ҳозирги асрнинг сўнгги чораги ўзининг ҳар бир куни билан одамларнинг саломатлиги фақат соғлиқни сақлашнинг ривожланиш даражаси, одамларнинг моддий фаровонлигигагина эмас, балки кам эмас, кўпроқ даражада яшаш муҳитига боғлиқ бўлади. Ёмон уй-жой шароитлари, сув билан етарли таъминланмаганлик ёки канализациянинг йўқлиги ҳам одам саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши, нафас йўли, ичак ёки бошқа оммавий касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

• **ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш соҳасида.** Уй-оила, қўшнилар - бу шундай нарсаки, улардан болалар катта ҳаётий тажрибани ўрганадилар. Улар кўчаларда ким билан мулоқотда бўладилар. Улар мактабгача қанчалик узоқ вақтда етиб борадилар? Кубутхонагачи? Стадионгачи? Бу саволлар соғлом турмуш тарзи ва болалар ривожланиши учун имкониятларни рағбатлантирадиган уй-жой қурилишини ижтимоий режалаштириш ва инвестицион стратегияси марказида бўлиши керак.

• **одамлар, айниқса хотин-қизлар турмуш шароитларини енгиллаштириш соҳасида.** Одатда аёл ўз бўш вақтининг катта қисмини уй ишларига сарфлайди, шу билан ўз маълумотини такомиллаштириш, болаларни тарбиялаш учун вақтни йўқотади. Аёллар учун уй иши қанчалик оғир? Аёллар ва оиланинг бошқа аъзоларининг турмушдаги меҳнатини енгиллаштириш учун нималар қилинган? Тоза ичимлик суви манбалари одамлар турар жойидан қанчалик узоқда жойлашган? Бу саволлар гендер сиёсати марказида бўлиши лозим, чунки уларни ҳал этиш аёлларни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

• **яшаш хавфсизлиги соҳасида.** Уй-жой кундалик турмушда аҳолини ҳимоя қилишни таъминлаши керак. Шунинг учун уй-жойни қуришда уй-жой зилзилабардошлиги, сув тошқинлари, бўронлар ва бошқа табиий офатларга мойиллиги билан қанчалик хавфсиз эканлигини назорат қилиш ғоят муҳимдир. Хўш, уй-жой қурилиши учун қўлланаётган материаллар ва конструкциялар саломатлик учун қанчалик хавфсиз? Одам тунда уйига ҳаёти учун хавфсиз ҳолда қанчалик кеч қайтиши мумкин? Унинг ҳаёти, саломатлиги, турар жойи ва мулки ўзга шахслар тажовузидан қандай ҳимоя қилинмоқда?

• **иқтисодий ривожланиш соҳасида.** Турар жой қурилишининг ўзи ижтимоий инвестицияларнинг катта қисми ва ялпи ички маҳсулотни вужудга келтириш сектори ҳисобланади. Бундан кўриладиган иқтисодий самара иқтисодиётнинг кўпгина бошқа тармоқлари ва секторларига таъсирини кўрсатади. Уй-жой инфраструктураси бизнес ва саноат ривожига таъсир кўрсатади. Вужудга келтирилган уй-жой инфраструктурасининг сифати иқтисоди ривожланиш учун ғоят жозибадор бўлиши, ижтимоий барқарорлик ва гуллаб-яшнаш учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

• **маънавий ривожланиш соҳасида.** Одамлар ишга бориш ва қайтиш учун қанча вақт сарфлайдилар? Одамда унинг маиший эҳтиёжлари (дўконларда харид қилиш, маиший хизматлар олиш, уй ишларини бажариш ва ҳоказолар) қондирилганидан кейин музейлар, театрлар, кино, кўргазмалар, концертлар ва ҳоказоларга бориш учун қанча бўш вақт қолади? Атроф муҳит уни қанчалик маънавий бойитади, ижодий меҳнатга илҳомлантиради, яхши кайфиятни вужудга келтиради? Унинг қўшнилари, улар билан ўзаро муносабатлар қанақа?



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яшаш муҳити Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатига одамларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаёти кўпгина йўналишлари бўйича таъсир кўрсатади.

### *4.2.1. Анъанавий ўзбек шаҳри*

Республика шаҳарлари структураси ҳажм-режалаштириш ечимларининг манбаларининг илдизлари қадим асрларга бориб тақалади ва аҳолининг маданияти, анъаналари ва турмуш тарзини акс эттирадиган қимматли тарихий мерос ҳисобланади.

*Шаҳар қурилиши ва шаҳар тузилиши анъаналари қимматли тарихий мерос ҳисобланади*

Қадимги ўзбек шаҳарларида энг баланд жойдаги геометрик марказда қалъа ичидаги ҳарбий иншоот (ўрда, арка) жойлашган бўлиб у ерда ҳоким ўз маъмурияти: амалдорлар, ҳарбий бошлиқлар, сарой хизматлари турмуш кечиришарди.

Ўрда ҳудудида шунингдек хазина, қамоқхона ва сарбозлар яшовчи ҳовли - ҳарбий гарнизон казармалари, қурол омборхоналари жойлашган бўларди. Одатда ўрданинг атрофи икки-учта мустаҳкамланган дарвозаси бўлган қалъа деворлари билан ўралган бўларди. Ўрда ҳудуди 10-20 гектарни ташкил этарди.

Ўрда атрофида шаҳарнинг ўзи (шаҳристон), ҳунармандларнинг расталари ва бозор жойлашган бўлиб, улар ҳам шаҳар чегараси бўлиб хизмат қилган қалъа деворлари билан ўралган бўларди.

Шаҳристон - бу ўрдани ўраб турган, дарахт кўчатлари бўлмаган тор кўчада ғоят зич қилиб қурилган уй-жойлар зонасидан иборат бўларди. Шаҳристон ҳудуди йирик шаҳарларда 500-6000 гектарга етарди.

Ташқи периметр, қалъа деворлари атрофида қурилишлари камроқ бўлган кенг полоса ўтарди. Бу ерда шаҳристондаги зич қурилган кварталлар ўрнига анча катта ва яхши кўкаламзорлаштирилган участкалардаги сийрак қурилишлар тўғри келарди, улар шаҳарни мева, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминларди. Шаҳар атрофи кенг (6 километргача) ерга ишлов бериладиган (яшил белбоғ ёки мавзе) зона билан тугалланарди.

Мавзе - бу шаҳар атрофидаги ерга ишлов бериладиган зона бўлиб, у улар эгаларининг бадавлатлигига боғлиқ ҳолда турли шакл ва катталикдаги участкаларга бўлинган бўларди. Шаҳарда яшовчилар, айниқса шаҳристонда яшовчиларга тегишли бўлган участкалардан асосан йилнинг иссиқ даврида фойдаланиларди. Участкаларда капитал бинолар қурилмасди. Участкаларнинг эгалари баҳорда бу ерга ўз оилаларини олиб келишар ва хўжалик билан шуғулланишарди. Мавзе структурасига шаҳар атрофидаги қишлоқлар ҳам кириб, улар шаҳарликларнинг ерлари билан бирга шаҳарнинг асосий қишлоқ хўжалик базаси ҳисобланарди.

Маҳалла - турар жой даҳаси шаҳардаги уй-жой қурилишининг асосий бирлиги бўлиб, унинг оқсоқол сиймосидаги ўз маъмурияти, мавзе ҳудудидаги ўз ерлари ва одатда жоме мачити, ҳовузли, лойдан Ясалган супаси бўлган яшил майдонча атрофида жамланган чойхонаси бўлган жамоат марказидан иборат бўларди.

Маҳалла - бу ҳудудий белги бўйича бирлашган аҳолининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришининг бошланғич жамоат бирлиги ҳамдир, бу ерда яшовчилар анъанавий ва ғоят мустаҳкам биргаликда яшаш ва ўзаро бир-бирини қўллаш меъёрлари билан боғланган бўлади.

Бир неча маҳалла гузарлар деб номланган битта ҳунармандчилик-савдо ва маданий марказга эга бўларди, улар энг катта кўчалар ёки улар кесишган ерларда жойлашган бўларди.

Гузарлар - бу бир неча маҳаллани бирлаштирадиган йирик ҳудудий туманнинг ижтимоий-савдо марказидир. Гузарлар турли ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қури-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лишлар билан анча кўпроқ тўлдирилган бўларди. Кўпроқ одам сиғадиган мачит, мадраса, карвонсарой, чойхона, темирчилик устахоналари, сартарошхоналар, кичик бозор пештахталари ҳам шу ерда жойлашарди.

Гузарлар шунингдек ўнта-йигирмата маҳаллани бирлаштирадиган ва ўзининг қозисига, сувни тақсимлаш ва ирригация тизимларининг тозалиги учун жавоб берадиган ариқ оқсоқолига эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик - даҳанинг маъмурий маркази бўлиб хизмат қиларди.

Таркиб топган маъмурий-ҳудудий бошқарув анъанавий тизимига совет ҳокимияти йилларида жиддий путур етди. Айниқса маҳаллаларга катта зарар етди, уларнинг аксарияти тугатилди, мавжудлари эса расмий тан олинмаган ва мақомга эга эмасди.

Айни пайтда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалаларидаги, маҳалла аҳлини унинг ҳудудини ободонлаштиришга жалб қилиш, энг камбағал оилаларга ёрдам ва васийликни ташкил этиш, тўйлар, маросимларни ўтказиш, болалар ва ёшларни тарбиялаш маҳалла даражасида яшаш муҳити кундалик масалаларини ҳал этишнинг ташкил қилишнин турли жиҳатларида маҳалланинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш қийиндир.

Агар маҳаллада яшовчи тўй ўтказмоқчи бўлса, биринчи навбатда маҳалла билан маслаҳатлашади, у барча масалаларни ҳал этишда ғоят фаол иштирок этади. Маҳалла бу ерда яшовчи кишини оғир кунда ҳам ёлғиз қолдирмайди, кўмиш маросимини ташкил этиш юзасидан барча ташвишларни ўз зиммасига олади. Агар бирор кишининг уйи ёнғин тушиб шикастланган бўлса, айнан маҳалла унга ёрдамга келади ва ҳашар уюштириб қисқа муддатда уйини тиклаб беради. Маҳаллаларда ўғрилик, зўравонлик, шахсга ёки мулкка қарши бошқа турдаги жиноятлар амалда йўқ эди.

**4.2. қўшимча. Ўзбекистонда аҳолининг жамоат ва ижтимоий турмушида маҳалланинг ўрнини ошириш.**

маҳалланинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тарзидаги мақоми қонуний тартибда мустаҳкамланган;

маҳалла қўмиталари юридик шахс мақомига эга бўлди, аҳоли йиғинида сайланадиган унинг оқсоқоли эса маҳаллий бюджетдан мош олади;

" маҳалла" деган бюджетдан ташқари жамоат фонди ташкил этилган бўлиб, унинг ёрдамида давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига маҳалланинг моддий базаси жиддий равишда мустаҳкамланди;

маҳаллаларга столларни, мавжуд самоварларни, чинни буюмларни ва унда яшовчилар учун тўйлар, маросимлар, бошқа тадбирлар ва тантаналарни ўтказил учун зарур бўлган буюмларни янгилашда ёрдам кўрсатилди.

Кўрилган ана шу чоралар туфайли фақат Тошкент шаҳрида кейинги 2-3 йил ичида янгидан 200 дан зиёд маҳалла ташкил этилди. Айни пайтда маҳалла тизимига кўп хонадонли уйларнинг аҳолиси ҳам жалб этилди. Аввалгидек деярли ҳар бир маҳалла ўз биносига, чойхонасига, мачитига эга.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга устун йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик жамият асосларини яратиш жараёнлари маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни маҳаллалар орқали ташкил этиш юзасидан авлодларимизнинг асрлар давомида давом этган тажрибасига қайтишга сабаб бўлди. Бунда ўзбек халқининг миллий анъаналари ва урф-одатлари, турмуш тарзи энг тўла ҳисобга олингандир.

Шаҳардаги ҳаётни авлодларимиз тажрибаси асосида ташкил этишнинг бошқа шакллари ҳам четда қолмади. Фақат Тошкент шаҳрида 1995 йилда давлат ёрдамида 20 тадан ортиқ гўзар қурилди ва яна 10 тасини жорий йилда қуриш мўлжалланган.

Тошкент шаҳри атрофида шаҳарда яшовчиларга боғдорчилик-узумчилик ширкатларини ташкил этиш учун 7 минг гектардан ортиқ ер берилган бўлиб, у 10 минг оилага ер участкаларига эга бўлиш ва шаҳарликлар дастурхонига янги узилган ва консерваланган мевалар ва сабзавотларни қўшимча етказиб беришни таъминлаш ва шаҳар мавзесини кенгайтириш имконини берди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

### 4.2.2. Уй-жой билан таъминланганлик ва унинг сифати

*Ўзбекистонда яшовчиларнинг кўпчилиги ўз уй-жойларининг эгалари ҳисобланади*

Ўзбекистон аҳолисидан 22,5 млн. киши ёки қарийб 4,5 млн. оила умумий майдони 290,6 млн, квадрат метр бўлган уй-жойда истиқомат қилади. Шаҳар уй-жой фонди умумий майдони 123,8 млн. квадрат метрни, қишлоқ уй-жой фонди 166,8 млн. квадрат метрни ташкил этади.

Турар жой фонди 4,7 млн. квартирадан ёки якка тартибдаги секторнинг алоҳида уйларидан иборатдир, шу жумладан умумлаштирилган секторда 0,3 млн. квартира, якка тартибдаги турар жойларда 4,4 млн. квартира мавжуддир.

**4.3. қўшимча. Аҳолининг кўпайиши**

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши 1994 йилда 1,7 фоизни, шу жумладан шаҳарда 0,7 фоизни ва қишлоқ жойларида 2,3 фоизни ташкил этди. Кейинги йилларда аҳолининг ўсиши айниқса шаҳарларда ўсиши анча пасайди. Бунга туғилиш даражасининг пасайиши билан бирга аввал асосан шаҳар жойларда яшаган рус тилида сўзлашувчи аҳолининг кўчиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Мамлакатнинг шубҳасиз хусусияти шундан иборатки, оилаларнинг қарийб 90 фоизи алоҳида квартирада ёки якка тартибдаги уй-жойда, деярли 7 фоиз оила улушбай мулк шароитида, 1 фоиз оила ётоқхоналарда ва атиги 2 фоизга яқини ёлланган шароитда яшайди.

**4.1. жадвал. Ўтиш даври мамлакатларида аҳолининг ўсиши ва урбанизация даражаси (фоизи)**

| | урбанизациянинг ўсиши | аҳолининг ўсиши | урбанизация даражаси |
|---|---|---|---|
| Тожикистон | 0,3 | 4,0 | 32 |
| Ўзбекистон | 0,7 | 2,3 | 41 |
| Марказий ва Шарқий | | | |
| Европа | 0,7 | -1,1 | 61 |
| Россия | 0,4 | -1,7 | 76 |

Яъни мамлакатда яшовчиларнинг кўпчилиги ўз уй-жойларининг эгалари ҳисобланади. 1991-1993 йиллардаги ўтиш даври давомида 1,2 млн. дан кўпроқ давлат квартиралари хусусийлаштирилди.

Ўзбекистонда аҳоли ўсишининг анча юқори бўлиши кузатилмоқда ва ҳукумат тобора ошиб бораётган аҳолини таъминлаш учун ўз сиёсатида уй-жой қурилиши миқдорларини сақлаб қолишга интилмоқда. Ўзбекистонни ўтиш давридаги бошқа давлатлар билан қиёслаш қизиқарлидир. Масалан, қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши аҳоли ўсишига нисбатан юқорироқ суръатларда амалга оширилди. Буни қўшимча ер участкалари ажратиш ва бинокорлик материалларини пастроқ нархларда сотиш юзасидан ҳукумат сиёсати туфайли амалга оширишга муваффақ бўлинди.

Совет даврида давлат турар жойи одамларга бепул берилarди. Уй-жойга тўланадиган ҳақ миқдори энг оз иш миқдорининг 10 фоизидан кўп бўлмасди. Ҳозирги пайтда ҳамма уй-жой хусусийлаштирилган ва эндиликда эгаларининг хусусий мулки ҳисобланади. Бу уй-жойни эркин сотиш ва сотиб олиш мумкин, деган маънони билдиради. Бироқ уй-жой бозори ҳали етарли даражада ривожланмаган: уй-жой кредитлари деярли йўқ, уй-жойни сотиб олиш ва сотиш кўчмас мулкни сотиб олиш бўйича воситачиларнинг профессионал ёрдамисиз ярим расмий тусдадир. Уй-жойнинг ўртача қиймати нисбатан юқори бўлиб, Тошкент шаҳрида намунавий квартира учун қарийб 6000 долларни ташкил этади, бу одамнинг ўртача йиллик даромадидан 8-10 баравар юқоридир. Уй-жой бозори ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 3,5 бараварни ташкил этади. Шу билан бирга бутун аҳолига берилган уй-жой қиймати юқори бўлмаган пайтда бу муаммоларни вужудга келтирмайди. Шуниси диққатга сазоворки, республикада деярли уйсизлар муам-



www.ziyouz.com kutubxonasi

моси йўқ. Бироқ келажакда уй-жойга бўлган талаб ва таклифнинг тенглиги Ўзбекистон учун МДҲнинг бошқа мамлакатларига нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга бўлади. Айниқса бу уй-жой қурилиши аҳолининг ўсишига нисбатан анча суст суръатлар билан амалга оширилаётган шаҳар жойларига тааллуқлидир.

Республикада яшовчи ҳар бир кишининг уй-жой билан таъминланиши 12,8 кв. метр умумий майдонни ташкил этади. Шаҳар уй-жой фондида - 14,4 кв. метр, қишлоқ уй-жой фондида - 11,9 кв. метр.

Одамлар қисилиб яшаётган бўлсалар ҳам, деярли ҳамманинг бошпанаси бор.

Уйлар ва квартираларда яшовчи кишилар жойлашишининг юқори зичлиги собиқ СССРдаги уй-жой сиёсати билан изоҳланади. Уй-жой етарли эмаслиги туфайли давлат бир кишига турар жой майдони ўлчамларини чеклар эди. Бир кишига ҳисоблаганда 7 кв. м дан кам бўлган уй-жойга эга бўлган оилаларгина янги квартира олишга даъвогар бўлишлари мумкин эди ва улар бир кишига 10 квадрат метрдан кўп бўлмаган уй-жой олишлари мумкин эди.

Жадвалда кўриниб турганидек, аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи 3 ва ундан кўпроқ хонали уйларда яшайди. Лекин кўпгина оилаларнинг яшаш шароитлари анча сиқиқдир. Барча оилаларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи бир кишига 7 кв. метрдан камроқ майдонга эга, бу эса энг кам стандарт ҳисобланади. Оилаларнинг тўртдан уч қисми бир кишига 12 кв. метрдан камроқ турар жой майдонига эга.

Уй-жойларнинг ўлчамларига келганда, оилаларнинг 6-7 фоизи (ётоқхоналарда яшовчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) бир хонали квартиралар ёки уларда; 25-26 фоизи - 2 хонали; 29-31 фоизи 3 хонали; барча оилаларнинг 37 фоиздан кўпроғи 4 ва ундан кўпроқ хонали квартиралар ёки уйларда истиқомат қилишади.

Ўзбекистондаги уй-жойлар нисбатан янги бўлиб, МДҲдаги айрим бошқа давлатлардагига қараганда капитал таъмирлаш ва жорий сақлаш учун катта харажатларни талаб этмайди. Тахминан уйларниг 5 фоизи 1950 йилгача, 43 фоизи - 1950-1970 йилларда, 29 фоизи - 1971-1980 йилларда ва 22 фоизи 1980 йилдан кейин қурилган.

Айни пайтда қишлоқ уй-жой фонди кейинги йилларда анча юқори суръатларда ривожланди. Агар мавжуд фонддан 1950 йилгача кўпи билан 3 фоиз, 1951-1970 йилларда - 42 фоиз қурилган бўлса, сўнгги чорак асрда уй-жой умумий майдонининг 55 фоизи бунёд этилди.

Умумлаштирилган ва хусусийлаштирилган уй-жой фонди юксак даражада ободонлаштирилган. Унинг марказлаштирилган водопровод билан таъминланганлиги 89,1 фоизни, канализация билан таъминланганлиги 83,3 фоиз, марказлаштирилган иситиш тармоғи

### 4.4. қўшимча. Ўзбек анъаналари

Ўзбекистонда собиқ СССРнинг бошқа ҳар қандай қисмига нисбатан анъанавий оилавий қадриятларга ва қишлоқ жойларида яшашга катта аҳамият берилади. туб аҳоли кўп квартирали баланд уйлардан кўра ўз қариндош-уруғлари ёнида яшашни афзал бииб, қишлоқдан шаҳарга кам кўчади. Бир қанча қариндош оилаларнинг бир ҳовлида, ҳатто ёш оилаларни ажратиш имкониятлари кам бўлган шаҳарларда ҳам яшаши Ўзбекистонда ғоят кенг тарқалган.

Ўзбек жамоасида якка тартибдаги усулда, шу жумладан ҳашар йўли билан қуришдек қадимги анъана мавжуд: Оилада ўғил туғилса, ота-оналар унинг келажаги учун жавобгарликни ҳис этиб, ўғил уйланганидан кейин янги уй қуришига ёрдам бериш учун бинокорлик материалларини тўплай бошайлайдилар. Кўпинча уларга қўшинлар ёки бутун маҳалла аҳли кўмаклашади. Қизлар учун ота-оналар туғилган пайтидан бошлаб тўйда совға қилиш учун газмоллар, уй-рўзғор буюмларини тўплай бошлайдилар.

СССР тарқалиб кетгандан сўнг деярли барча давлатлардаги шаҳарларда уй-жой қурилиши тўхтатилди. Ўзбекистонда марказлаштирилган манбалар ҳисобига уй-жой қуриш деярли 5 баравар қисқарди. Уларнинг салмоғи пул билан таъминлашнинг умумий ҳажмида 1995 йилда 1991 йилга нисбатан деярли уч баравар қисқарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**4.2.-жадвал. Шаҳарларда бир кишига тўғри келадиган уй-жой умумий майдонининг ўртача катталиги**

| | |
|---|---|
| Жанубий Осиё | 6,5 |
| Шарқий Осиё | 9,2 |
| Боку | 12,9 |
| Ўзбекистон | 14,4 |
| Токио | 15,8 |
| Шарқий-Марказий Европа | 16,7 |
| Истанбул | 17,0 |
| Болтия давлатлари | 19,0 |
| Ғарбий Европа | 35,4 |

*Манба: UNCHS / World Bank Indicators Programme*

билан таъминланганлиги 76 фоиз, ванна (душ) билан таъминланганлиги - 75,2 фоиз, газ билан таъминланганлиги - 95,8 фоиз, иссиқ сув билан таъмиланганлиги - 68,4 фоиз ва телефон билан таъминланганлиги 5,5 фоизни ташкил этади.

Айни пайтда якка тартибдаги уй-жой фондининг таъминланганлик даражаси умумлаштирилган уй-жой фондидан, айниқса қишлоқ жойларидаги ана шундай фонддан анча орқада қолмоқда. Бу ерларда марказлаштирилган сув таъминоти хизматларидан ҳар 5 та уйдан биттаси, канализация билан ҳар 25 тадан биттаси, марказий иситиш,ванналар (душлар) билан ҳар 50 та уйдан биттасида яшовчилар фойдаланмоқдалар.

### *4.2.3. Уй-жой қуриш материаллари*

Мамлакат аҳолисида пахта ва синчли уйлар жуда машҳур бўлиб, улар улушига шаҳарларда умумий уй-жой фондининг деярли 40 фои-

**4.1.-жадвал. Уй-жой фонди структураси**







**Уй-жойни хона сони бўйича тақсимлаш**




**(ётоқхоналарда яшовчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда)**






www.ziyouz.com kutubxonasi

зи, қишлоқ жойларида эса 74 фоизи тўғри келади. Ўзининг иссиқлик-техник хусусиятлари туфайли хом ғишт ва пахта уйлар хонада тегишли микроиқлимни таъмилайди, бу республиканинг иқлимий шароитларида айниқса муҳимдир.

Якка тартибдаги уй-жой фондининг аксарият қисми аҳолининг ўз кучи билан маҳаллий хом ашёдан тайёрланган конструкциялар ва пардозлаш материалларидан фойдаланиб қурилган, ёғоч-тахта материаллари ва лурдан тайёрланган буюмлар бундан мустаснодир.

Йиғма темир-бетондан қурилган уй-жойларга аҳоли умуман салбий муносабатда бўлади, чунки улар ёзда кучли даражада исиш ва қишки даврларда анча совиб кетиш хусусиятларига эга. Хусусий секторда бундай уйлар йўқ.

Темир-бетон таркибининг саломатлик, айниқса нафас йўллари органлари ҳолатига таъсири ҳақидаги мавжуд фикр ана шундай тоифадаги квартиралар ва уйларга салбий муносабатнинг бошқа сабаби ҳисобланади. Тегишли тадқиқотларнинг йўқлиги бу фикрни расмийлаштириш имконини бермайди.

Анъанавий равишда якка тартибдаги сектор уй-жойлари экологик жиҳатдан энг соф ва мутаносиб яшаш муҳити деб ҳисоблаб келинган.

**4.5. Қўшимча. Уй-жой қурилишида ишлатиладиган деворбоп материаллар хусусияти**

Кўтариб турувчи конструкциялари ва оммалашиш миқёслари бўйича якка тартибдаги уй-жой фондини қуйидагича табақалаштириш мумкин:

1. Пахса деворли деворлар. Деворлар қўлда пишитилган лойдан кўтарилади, бу айниқса Қорақалпоғистон, Хоразм вилояти ва Фарғона водийсида, шунингдек тупроқ сифати талаб этиладиган категорияларга мос бўлган минтақаларда кенг оммалашган.

2. Тегишли сифатга эга бўлган тупроқли минтақаларда деворлари хом ғиштдан кўтариладиган бинолар ҳам кенг оммалашган.

3. Синчков бинолар, унинг деворлари ёғоч синчдан тайёрланиб, унинг орасига хом ғишт ёки гувала тўлдирилади. У республиканинг марказий қисмида, Тошкент, Фарғона минтақасида ва айниқса сейсмик эиҳатдан хавфли бўлган зоналарда кенг оммалашган.

4. Пишиқ ғиштдан уй-жойлар бу деворбоп материалнинг саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилган минтақаларда қурилади ва жуда машҳурдир. Бироқ ғиштнинг нархи анча баландлиги туфайли кейинги йилларда пишиқ ғиштдан қурилаётган уйлар салмоғи камаймоқда.

5. Тоғли жойларда деворлари харсангтош ва табиий тошлардан бунёд этиладиган уй-жой қурилиши оммалашган.

## *4.3. Уй-жой сиёсатидаги ислоҳотлар: натижалар ва муаммолар*

Мамлакат тарихи уй-жой муаммосини ҳал этишга уринишнинг кўпгина ҳолларини билади. Давлат уй-жой сиёсати асослари шакллантирилган 50-йилларнинг ўртасида уй-жой муаммосини ҳал этиш юзасидан кенг миқёсли кампания ўтказилган эди. Уй-жойларни бунёд этиш муддатларини қисқартириш ва улар билан аҳолининг таъминланиш даражасини ошириш мақсадида давлат уй-жой қурилишини индустрлаштириш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ҳажмли-блокли ва йирик панелли уйлар қуриш кенг ривожланди, деярли барча вилоят марказлари ва айрим минтақаларда йирик панелли уй-жойлар қуриш корхоналари ва қишлоқ уй қурилиш комбинатлари ташкил этилди. Шу билан бирга якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш ва шу мақсадларга ер участкаларини ажратиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган.

**4.3. жадвал. Деворлари материаллари бўйича уй-жой фондининг тахминий структураси**

| | Жами | Шаҳарлар | Қишлоқ |
|---|---|---|---|
| - пишиқ ғиштдан, тошдан | 17 | 30 | 9 |
| - бетондан, темирбетон блокларидан, панеллардан | 12 | 27 | 4 |
| - ёғочдан | 1 | 1 | 1 |
| - синчли | 17 | 12 | 21 |
| - пахса | 44 | 27 | 53 |
| - бошқа материаллар | 9 | 6 | 12 |



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ҳар бир оила ў уй-жойининг эгаси бўлиши керак*

Бу дастурни амалга ошириш давомида республика уй-жой фондининг деярли ҳаммаси амалда янгиланди. Уй-жой фондининг 93 фоиздан ортиғи 50-йиллардан кейин қурилган.

80-йилларнинг иккинчи ярмида ҳар 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй-жой билан таъминлаш мақсади қўйилган пайтда уй-жой муаммосини ҳал этишга иккинчи бор уриниб кўрилди. Республиканинг янги уй-жой дастури уй-жой қуриш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни комплекс ҳал этишни, биринчи навбатда маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни, қурилиш индустриясини, ва ижтимоий-турар жой инфраструктурасини ривожлантиришни кўзда тутган эди. Аввал бўлганидек, давлат маблағлари ва корхоналар ҳамда ташкилотлар маблағлари (умумий ҳажмнинг 60 фоизгача қисми) ҳисобига оммавий уй-жой қурилишини давом эттириш ҳамда квартираларни бепул асосда ёллаш бўйича бериш дастурнинг асоси қилиб олинди. Кооператив уй-жой қурилишини ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Унинг салмоғи 7-8 фоиздан 2000 йилга бориб 30-35 фоизга кўпайиши керак эди. 70-йилларнинг бошларида деярли тўхтаб қолган уй-жой қурилиши тикланиши лозим эди.

Шу билан бирга уй-жой қурилиши дастурни рўёбга чиқариш пул манбаларининг дастурда белгиланган мақсадларга тенг эмаслиги туфайли бошланганидан сўнг уч-тўрт йил ўтгач тўхтатиб қўйилди. Авж олаётган иқтисодий пасайиш, кейинчалик эса бошланиб кетган иқтисодийислоҳотлар уй-жой сиёсатининг барча эски концепцияларини янгидан кўриб чиқишга, улар камчиликларини белгилаш ва уй-жой сиёсатининг янги концепциясини шакллантиришга мажбур этди.

Шу нарса равшан бўлдики, давлат уй-жой қурилишини марказлаштирилган тарзда пул билан таъминлаш шароитларида минтақаларнинг ўзига хослиги, таркиб топган анъаналар, туб аҳолининг турмуш тарзи, уй-жой эҳтиёжларини қондиришда унинг устунликлари етарли даражада ҳисобга олинмаган. Табиийки, иқтисодий мулоҳазалар, молиявий ресурсларнинг мавжудлиги асос қилиб олинган. Якка тартибдаги қурилиш даҳаларда муҳандислик инфраструктурасини ривожлантиришга харажатлар салмоғи анча юқоридир. 70-йилларнинг бошларида якка тартибдаги уй-жой қурилишига ер участкалари ажратиш чекланганлиги бунинг сабаби бўлди.

Мустақилликка эришилганидан сўнг янги уй-жой сиёсати марказга қўйилган асосий ғоя ҳар бир оила ўз уй-жойининг эгаси бўлиши керак, деган ғоядан иборат бўлди.

Шу мақсадларда қуйидагича қарор қабул қилинди:

**4.4. жадвал. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига уй-жойларни ишга тушириш (минг кв. м)**

| | 1991 й. | 1992 й. | 1993 й. | 1994 й. | 1995 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон бўйича жами | 9364 | 7252 | 6445 | 5342 | 4939 |
| Шундан қуйидаги маблағлар ҳисобига: | | | | | |
| марказлаштирилган | 1378 | 663 | 286 | 217 | 293 |
| корхоналар | 855 | 592 | 737 | 473 | 212 |
| уй-жой қуриш кооперативи | 287 | 337 | 252 | 68 | 22 |
| аҳоли | 6844 | 5660 | 5170 | 4584 | 4412 |

***Манба: Ўздавистиқболстат***



www.ziyouz.com kutubxonasi

• аҳоли томонидан бутун давлат уй-жой фондини ихтиёрийлик асосида хусусийлаштириш. Давлат квартиралари фақат уларда истиқомат қилаётган кишиларга жуда паст баҳоларда сотилди ёки бепул берилди;

• хусусий уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун қўшимча ер участкалари ажратиш,ислоҳотлар бошлангунча аксарият ҳолларда бу участкалар жуда кичик бўлиб, деҳқонларга ҳовли жойни сақлаш ва шунинг ҳисобига оилани боқиш имконини бермасди. Фақатислоҳотлар давомидагина Ўзбекистон ҳукумати қарори бўйича ер участкаларини якка тартибдаги қурилиш ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга ажратишнинг кенг жараёни бошланди. Бу компаниянинг кенг миқёслилиги ҳақида қуйидаги факт бўйича ҳам ҳукм чиқариш мумкин: икки йил давомида якка тартибдаги уй-жой фонди жойлаштирилган ер участкаларининг умумий ўлчамлари икки баравар кўпайди.

Ер участкалари бошқа нарсалардан ташқари улар эгаларининг ўзларини гўшт, сут, мева ва сабзавотлар билан таъминлашлари, шунингдек уларнинг ортиқчасини четга сотишлари жиддий мадад бўлди ва ўтиш даврида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини сақлаб турди.

Ўзбекистонда ўтиш даврида фақат саноат ишлаб чиқариши пасайибгина қолмай, шу билан бирга уй-жой қурилиши соҳасидаги инвестиция фаоллиги ҳам пасайди. Бюджет маблағлари чекланган эди. Маблағларнинг йўқлиги туфайли ҳам, уй-жой қурилишидаги принцип жиҳатдан янги стратегия туфайли ҳам давлат уй-жой қурилиши кескин қисқарди. Бироқ пулнинг юқори даражада қадрсизланиши корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг инвестиция имкониятларини анча пасайтирди.

Бу шароитларда ҳукумат томонидан **уй-жой қурилишининг янги шароитлари ва рағбатлари** шакллантирилди, унда қуйидагилар кўзда тутилган:

**1.** Уй-жой қурилишини пул билан таъминлаш аввало мулкчилик шаклларидан қатъи назар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз молиявий ресурслари, ҳокимликларнинг маблағлари, фуқароларнинг пул жамғармалари, банкларнинг узоқ муддатли кредитлари, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми, давлат

**4.6. қўшимча. Якка тартибда уй-жой қурувчиларга кредитлар бериш шартлари:**

• кам таъминланган, кўп болали оилалардан иборат хусусий уй-жой қурувчиларга кредитлар уй-жой қийматининг 70 фоизи миқдорида 15 йил муддатга йилига 15 фоиз ҳисобида тўлаш шарти билан берилади;

• уй-жой-қурилиш кооперативи аъзоларига қурилиш қийматининг 80 фоизи миқдорида;

• кредит муддатидан илгари қопланганда белгиланган фоиз ставкалари ун йилгача бўлганда 50 фоиз, 5 йилгача бўлганда 30 фоиз камайтирилади.

**4.7. қўшимча. Уй-жой қурилишига нима ҳалақит бермоқда?**

• пулнинг қадрсизланиши юқори бўлган шароитларда кўп баравар камайтирилган ставкалар бўйича узоқ муддатли кредитларни ажратишдан банкларнинг манфаатдор эмаслиги;

• кўпчилик уй-жой қурувчиларда маблағларнинг чекланганлиги туфайли уй қийматининг 30 фоизини гаров сифатида тўлаш борасидаги кредитлаш шартларини бажариш имкониятининг йўқлиги;

• уй-жой қурилишига ажратилган ер участкалари, айниқса шаҳардаги қурилишларда ажратиладиган ер участкаларининг чекланганлиги;

• аҳолининг пул тўлаш қобилияти етарли бўлмаган ҳолда бинокорлик материаллари ва ишлар қийматининг юқорилиги;

• қурилиш стандартлари, намунавий лойиҳалар ва консультантларнинг йўқлиги;

• уй-жой инфраструктураси: муҳандислик коммуникациялари, газ-сув қувурлари тармоқлари, йўллар ва ҳоказоларнинг етарли тарзда ривожланмаганлиги;

• шаҳар жойларида кейинчалик сотиш учун якка тартибдаги уй-жойни қура оладиган йирик хусусий қурилиш компанияларининг йўқлиги;

• қатнашчиларнинг ишончига сазовор бўлган, хусусий инвестициялар ва кредитлар учун канал бўлиб ҳисобланган уй-жой бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

• ижтимоий инфраструктура объектлари: поликлиникалар, даволаш пунктлари, болалар боғчалари, мактаблар, айниқса қишлоқ жойларида ана шундай муассасаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ютуқли уй-жой заёмини жойлаштиришдан тушадиган маблағлар, бандлик фондидан тушадиган маблағларнинг бир қисми, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

**2.** Уй-жой қурилишини бюджетдан пул билан таъминлаш аҳолининг мухтож табақаларини, кам таъминланган, кўп болали оилаларни, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш тартибидагина амалга оширилмоқда.

**3.** Уй-жой қурилишига кредитларни бериш банк муассасалари томонидан камида ўн йил муддатга ҳар йили 20 фоиз тўлаш ҳисобидан учинчи йилдан бошлаб қоплаш шарти билан амалга оширилади.

*Давлат уй-жой қурилиши орқали иқтисодиётни жонлантиришга кўмаклашиши мумкин*

**4.** Якка тартибдаги уй-жой қурувчилари ва уй-жой-қурилиш кооперативларига республикада ишлаб чиқариладиган бинокорлик материаллари имтиёзли нархларда берилади.

**5.** Хусусий уй-жой қурувчиларга ва уй-жой-қурилиш кооперативларига бинокорлик материалларини имтиёзли нархларда сотаётган корхоналарнинг даромадлари қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади.

**6.** Уй-жой қурилишини амалга ошираётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг даромадларини солиққа тортиш имтиёзли шартлар асосида амалга оширилади. Хусусий ва кооператив қурилишда қурилиш ва махсус монтаж ишларини амалга ошираётган пудратчи, таъмирловчи-қурилиш, махсус монтаж ташкилотлари мулкчилик шаклидан қатъи назар бажарилган иш ҳажмларига қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга пул қадрсизланишининг янада ошиши, банк фоиз ставкаларининг анча кўпайиши, шунингдек аҳоли реал даромадларининг пасайишиислоҳотнинг биринчи йилларида бу сиёсатни тўла амалга ошириш имконини бермади. 1994 йилда якка тартибдаги уй-жой қурувчиларнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжи 686,6 млн. сўм бўлгани ҳолда, банклар томонидан 85,7 илн, сўм ёки эҳтиёжнинг 12,4 фоизини ажратиш имконияти излаб топилди. 1995 йилда ҳам худди ана шундай аҳвол вужудга келди. 1994 йилда кооператив уй-жой қурилишига кредит ресурслари эҳтиёжнинг 14,2 фоизи миқдорида берилди, холос.

Уй-жой қурилиши сиёсатини янада такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- мақсадга йўналтирилган давлат мададини таъминлаш. Уй-жой қурилишини молиявий, солиқ ва бошқа ташкилотлар қаторида бюджет маблағлари ҳисобига ҳам пул билан таъминлашни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Бунда бевосита пул билан таъминлашни эмас, балки маблағларни уй-жой бозори инфраструктурасини вужудга келтириш ва қўллаб-қувватлашга, банкларнинг уй қиймати бир қисмига берган кредитларини қисман қоплашган сарфлаш асос қилиб олиниши керак, бунда уй-жой қурилишини ривожлантириш иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқаришнинг жонланишига сабаб бўлишига, давлат томонидан сарфланган маблағлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига солиқлар орқали қайтишини назарда тутиш керак. Бошқача қилиб айтганда, уй-жой қурилиши орқали давлат кам харажат қилиб ва пулнинг қадрсизланиши хавфидан камроқ зарар кўриб, иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларига маблағ билан ёрдам беради ва шу билан иқтисодий юксалишга кўмаклашади.
- Уй-жой қурилишида ипотека бизнеси учун шарт-шароит яратиш. Давлат бевосита мавжуд кредит муассасалари орқали ҳам, уй-жой депозитлари орқали ҳам уй-жой



www.ziyouz.com kutubxonasi

кредитларини ажратишга (яқинда Жанубий Африкада жорий этилганига ўхшаш) кўмаклашиши мумкин, улар кейинчалик банклар кредитлари ва бошқа манбалари билан тўлдирилади.

• Шунчаки якка тартибдаги уй-жой қурувчилар учун эмас, балки банкнинг ўртача муддатли пул билан таъминлаш афзалликларини олиш учун уй-жой инвестицияларга каби ишчил даражасини ошириш. Бу шуни билдирадики, мулк эгалари уйларни товар сингари сотиш ва бошқа одамга бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Гаровни тартибга солишнинг меъёрлари ўрнатилган бўлиши керак.

• Мавжуд уй-жой учун ҳақиқий бозорнинг йўқлиги ҳам уй-жой қурилишига инвестицияларни ажратиш хоҳишига тўсқинлик қилиши мумкин. Фаолият кўрсатаётган уй-жой бозори қуйидагиларни билдиради:

кўчмас мулкни сотиш бўйича аниқларнинг фаолияти лицензияланадиган бўлиши керак, агентлар профессионал тайёрланган бўлишлари, белгиланган профессионал этик кодексга эга бўлишлари керак;

қонуний ва солиқ меъёрларига мувофиқ уй-жой бозорида барча битимларни пунктга ҳисоб ва рўйхатга олиш таъминланиши керак;

мавжуд уй-жойга гаров тизимини ривожлантириш одамларга маблағлари чекланган бўлишига қарамай унинг учун узоқ муддатли асосда тўлаш имконияти билан уйни сотиб олиш имконини яратади. Пулнинг қадрсизланиш даражасини барқарорлаштириш (ёки Лотин Америкасида бўлганидек инфляциядан ҳимоя қилинган молиявий воситаларни қабул қилиш) бунинг шарти ҳисобланади.

• Бинокорлик индустриясини якка тартибдаги уй-жой қурувчилар эҳтиёжларига йўналтириш. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган буюмлар ва конструкциялар кўп қаватли уйларнинг оғирлигига мўлжалланган. Уларни якка тартибдаги уй-жойда қўллаш қийматнинг ошишига олиб келади. Бинокорлик материалларини ишлаб чиқаришда барча якка ҳокимликларни тугатиш ишлаб ьчиқарилаётган бинокорлик материалларни сифатини назорат остига олиш керак.

• Узоқ муддатли даврда якка тартибдаги уй-жой қурилишини профессионал бинокорлик фирмалари ёрдамида қуришга йўналтириш зарур.

• Ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришни айниқса уй-жой қурилиши истиқболли бўлган жойларда давом эттириш зарур.

## *4.4. Яшаш муҳити инфраструктураси*

Уй-жой билан таъминланганлик яшаш муҳитини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб, лекин уни батамом тугатмайди. Инсон яшаш муҳитининг муҳандислик ва ижтимоий инфраструктурасини вужудга келтиришнинг дастури муҳим ўрин тутади. Унинг асосини кейинчалик инсоний тараққиёт учун қулай шароитлар яратиш мақсадида аҳоли пунктларини биринчи навбатда йўллар, сув, газ, алоқа, электр энергияси, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари билан таъминлаш масалалари ташкил этади.

### *4.4.1. Сув таъминоти ва энергия таъминоти*

Қишлоқда яшовчиларни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси республиканинг энг ўткир ижтимоий муаммоси ҳисобланади. Бу вазият Орол ва Оролбўйича экология танглигининг ривожланиши, сув таъминоти манбаларининг ифлосланиши, тамом бўлиши, таназзули билан ўткирлашмоқда. Ичимлик сувининг сифати одам аҳволининг асосий омилларидан бири ҳисоблангани учун



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Манзилларни ичимлик сув билан таъминлаш давлат сиёсатининг устун томони ҳисобланади.*

аҳолини сув билан таъминлаш дастурини амалга оширишнинг асосий оғирлиги ҳам давлат зиммасига юкланди.

1990 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда мамлакат умумий узунлиги 12,6 минг км. бўлган водопровод тармоқлари, шундан 8,4 минг км ёки 66,7 фоизи давлат капитал маблағлари ҳисобига ишга туширилди. Бу миқдордан қишлоқ жойларида 10,4 минг км тармоқда, шу жумладан 6,7 минг км ёки 65 фоизи давлат маблағлари ҳисобга қурилди.

Молиявий ресурслар ғоят чекланган бўлишига қарамай фақат 1995 йилда 1473 км водопрово тармоғи ишга киритилди, бу 1994 йилдагидан 11 фоиз кўпдир. Марказлаштирилган маблағлар ҳисобига 1105 км ёки 75 фоизи қурилди. Юқорида қайд этилган миқдордан 1303 км ёки 88 фоизи қишлоқ жойларида, шу жумладан 986 км (76 фоиз) бюджет маблағлари ҳисобига қурилди.

*Ўзбекистонда амалда барча турар жойлар электр билан таминланган*

Бу қишлоқ жойларида марказлаштирилган сув таъминоти билан қамраб олишни 1990 йилдаги 52 фоиз ўрнига 1995 йилда 60,2 фоизга етказиш имконини берди. шаҳарларнинг таъминланиши 1990 йилдаги 81 фоиздан 1995 йилда 85 фоизга кўпайди. Экологик ноқулай минтақалар ва энг қолоқ вилоятларни сув билан таъминлаш айниқса юқори суръатлар билан амалга оширилди.

Зотан, Қорақалпоғистон Республикасида сув билан таъминланиш қишлоқда 21,4 фоиздан 33 фоизгача, Бухоро вилоятида 23 фоиздан 35 фоизга Сурхондарё вилоятида 54,1 фоиздан 64,3 фоизга, Хоразм вилоятида 23,2 фоиздан 58 фоизга кўпайди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда катта тараққиётга эришиш бу масала мамлакат давлат сиёсатида устун муаммо сифатида қаралаётгани билан изоҳланади.

Сув таъминотининг миқёслари ҳақида шунга қараб фикр юритиш мумкинки, дастурни рўёбга чиқариш натижасида водопровод тармоғининг битталик узунлиги 1994 йилдаги 24,2 минг км ўрнига 1995 йилда 36,1 минг км га етди. айни пайтда қишлоқ жойларида тармоқларнинг узунлиги 1990 йилдаги 14,7 минг км ўринга 24,7 мингни ташкил этди ёки 1,7 баравардан кўпроқ ошди. Ўтмишда суғориш учун сув топиш енгил бўлгани (жаҳондаги суғориладиган ерларнинг деярли 20 фоизи Ўздекистонда жамланган) ва ҳисоблагичлар йўқлиги оқибатида бир кишига ҳисоблаганда суткасига сув таъминоти шаҳарда 1990 йилдаги 501,7 литрдан 1995 йилда 700 литрга,

**4.5.-жадвал. Турар жой фондини газлаштириш даражаси**

| | Жами 1990й. | 1995й. | Шаҳар 1990й. | 1995й. | Қишлоқ 1990й. | 1995й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Квартираларнинг жами (млн) | 4,1 | 4,7 | 1,9 | 2,1 | 2,2 | 2,6 |
| Улардан газлаштирилган | 3,29 | 4,13 | 1,68 | 1,85 | 1,6 | 2,28 |
| Шунинг ўзи фоизларда | 80 | 87,9 | 88 | 88 | 72 | 87,6 |
| шу жумладан: | | | | | | |
| тармоқли газ билан | 1,84 | 2,79 | 1,4 | 1,65 | 0,43 | 1,14 |
| шунинг ўзи фоизларда | 45 | 59,4 | 73 | 79 | 19 | 43,8 |
| суюлтирилган газда | 1,45 | 1,34 | 0,28 | 0,2 | 1,17 | 1,14 |
| кириш ўзи фоизларда | 38 | 28,5 | 15 | 9 | 53 | 53 |

*Манба: Ўзистиқболстат*



www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқ жойларида эса суткасига 119,4 литрдан 270 литргача ёки деярли 2,3 баравар кўпайди.

Давлат томонидан катта кучғайрат сарфланиши ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида катта тараққиётга эришилганига қарамай, қишлоқ аҳолисини ана шундай сув билан таъминлаш муаммоси долзарб бўлиб турибди. Қишлоқда яшовчиларнинг қарийб 40 фоизи ёхуд келтириладиган сувдан, ёхуд қудуқ ва ирригация тармоқларидаги сувдан фойдаланади. Қишлоқ аҳоли пунктларидан қарийб 5,6 мингтаси (47 фоиз) ҳам марказлаштирилган сув таъминотига эга эмас, улардан 1,1 мингтасида аҳоли сони 1000 кишидан ортиқдир.

Ўзбекистонда амалда барча турар жойлар электр билан таъминланган хўжаликларида электр ҳисоблагичлар ўрнатилган. Электрдан ёритиш, газ қўйиш қийиш бўлган уйларда овқат пишириш, чекланган ҳолларда иситиш учун ишлатилади. Электр асосан иссиқлик (газ ва кўмирли) электр станцияларда, шунингдек гидроэлектрстанцияларда ишлаб чиқарилади. Ёзги даврда Ўзбекистон электр энергиясини ўз қўшниларидан импорт қилади, қишда эса соф экспорт қилувчи ҳисобланади. Умуман мамлакат ўзининг электрга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлайди.

Ўзбекистон табиий газга бой бўлган ва мамлакатнинг унга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга қодир жаҳондаги оз мамлакатлардан биридир. Бироқ газ ўтказиш тармоқлари ривожланмаганлиги туфайли 1990 йилгача аксарият қишлоқ аҳоли пунктлари газлаштирилмаган эди. Мамлакат йирик шаҳарлари ва ҳатто пойтахтнинг кўпгина шаҳар даҳаларида газ йўқ эди. Аҳоли газлаштирилмаган уйларда аҳоли турар жойни иситиш учун кўмирдан, экологик жиҳатдан камроқ соф бўлган ёқилғининг бошқа турларидан фойдаланади. Бундан ташқари бу уйдаги ишларни кўпайтиради, бўш вақтда қисқартиради. Уй-жойни газлаштириш - одамлар фаровонлиги кўрсаткичларидан бири.

1990 йилдаги 1995 йилгача бўлган даврда республикада 18,7 км. газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Айни пайтда қишлоқни газлаштириш янада юқори суръатлар билан амалга оширилмоқда. Агар шаҳарларда 2,9 минг км (бутун ишга туширилганнинг 15,5 фоизи) фойдаланишга топширилган бўлса, қишлоқ жойларида 15,8 минг км газ тармоқлари қуриб битказилди. Бу газ тармоқларининг битталик узунлигини 1990 йилдаги 20,8 минг км ўрнига 1996 йилда 46,3 минг км га етказиш ёки уни 2 баравар кўпайтириш имконини берди. Қишлоқ жойларида тармоқнинг узунлиги 1990 йилдаги 9,9 минг км дан 1996 йилда 28,7 минг км га етди ёки деярли уч баробар кўпайди.

Фақат 1995 йилда 5,2 минг км, шу жумладан қишлоқ жойларида 4,7 минг км газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Айни пайтда давлат маблағлари ҳисобига тегишли равишда 1,8 ва 1,5 минг км газ тармоғи қурилди. Бу 193 мингта квартира ёки турар жойни, шу жумладан қишлоқ жойларида 158,4 минг турар жойни газлаштириш имконини берди. газлаштиришнинг ана шундай миқёсларига қарамай, қишлоқ аҳолисини тармоқ гази билан қамраб олиш даражаси ҳамон паст бўлиб қолмоқда ва 43,3 фоизни (умуман республика бўйича 59,4 фоизни)ташкил этмоқда.

Аҳолининг суюлтирилган газ билан таъминланишини ҳисобга олиб, квартиралар ва якка тартибдаги уйларнинг газ билан таъминланиши қуйидагича бўлади:

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон шароитида тармоқ гази ҳозирча ёнилғининг энг арзон тури ҳисобланади, шу муносабат билан аҳолида унга бўлган талаб жуда юқоридир.

Агар тармоқ гази билан газлаш-

*Ўзбекистон табиий газга бой бўлган ва мамлакатнинг унга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга қодир жаҳондаги оз мамлакатлардан биридир*



www.ziyouz.com kutubxonasi

тирилмаган аҳоли пунктларининг аҳолиси (аҳоли пунктларининг қарийб 6 мингтаси ёки 52 фоизи) овқат тайёрлашда суюлтирилган газдан фойдаланса, иситиш мақсадлари учун кўп даражада кўмирдан фойдаланилади. Лекин кўмир нархи ошган шароитда уйни иситиш учун ўтиндан фойдаланаётлатиларди. Ҳар бир оилада қорамол, қўй-эчки ва бошқа уй ҳайвонлари бўлиб, улар озиқ-овқат чиқиндилари билан боқиларди.

Ўз навбатида уй ҳайвонларининг гўнги ўғит сифатида ҳам, овқат тайёрлаш ва турар жойларни иситиш учун юқори калорияли ёқилғи материали (таппи) сифати-

**4.6-Турар жойларнинг иссиқлик билан таъминлангани даражаси**

| | Жами | | Шаҳар | | Қишлоқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1990й. | 1995й. | 1990й. | 1995й. | 1990й. | 1995й. |
| Жами квартиралар (млн) | 4,1 | 4,7 | 1,9 | 2,1 | 2,2 | 2,6 |
| шу жумладан: марказлаштирилган иситиш тармоғи билан таъминланган | 1,06 | 1,39 | 1 | 1,32 | 0,06 | 0,07 |
| шунинг ўзи фоизда | 25 | 29,6 | 52,6 | 62,9 | 2,7 | 2,7 |
| газ ёқилғисида | 0,86 | 1,67 | 0,56 | 0,69 | 0,3 | 0,98 |
| шунинг ўзи фоизда | 21 | 35,5 | 29,5 | 32,8 | 13,6 | 37,7 |
| печ ёқилғисида | 2,18 | 1,54 | 0,34 | 0,09 | 1,84 | 1,55 |
| шунинг ўзи фоизда | 53,2 | 32,8 | 17,9 | 4,3 | 83,4 | 59,6 |

ган оилалар сони кўпаймоқда.

### *4.4.2. уй-жой ва атроф муҳит*

Анъанавий равишда якка тартибдаги секторнинг турар жойлари экологик жиҳатдан энг тоза ва мутаносиб яшаш муҳити сифатида қаралларди ва шунинг учун бу ерларда экология муаммолари кам деб ҳисобланарди.

Асримизнинг 40-50 йиллари даврида Ўзбекистонда якка тартибдаги турар жой фонди энг кам қулайликлар ва атроф муҳитга салбий таъсирнинг энг кам даражаси билан характерланарди.

Турар жойнинг ер участкаси ўз вазифасига эга бўлиб, мева ва сабзавотлар етиштириш, шунингдек мевали дарахтлар экиш учун ишда ҳам тўла фойдаланиларди.

Нажаслар ва оқава сувлар ўраларга (алоҳида-алоҳида қилиб) солинарди ва улар тўлаганидан кейин кейин бошқа ўра қазилиб аввалгасининг устига тупроқ тортиларди. Ҳамда вақт ўтиши билан ундан ўғит сифатида фойдаланиларди. Турар жой хоналари амалда стационар иситиш тизимларига эга эмасди ва аксарият ҳолларда "танча" тарзидаги вақтинча иситиш тизимидан фойдаланиларди, уйнинг меъмурий-режалаштириш ечими ва деворларнинг конструкциялари иссиқликнинг сақланишига кўмаклашарди.

Чиқиндилардан иккиламчи фойдаланишнинг юқори даражада бўлиши ва тежамкорликка қарамай, турмуш шароитларида қулайликлар кам эди. Турар жой фонди



www.ziyouz.com kutubxonasi

ободонлаштириб борилиши, марказлаштирилган водопровод-канализация, иссиқлик энергетика ва газ хўжаликлари ривожланиши ва бошқа бир қанча сабабларга кўра одам яшайдиган муҳит аста-секин атроф муҳитни ифлослантирадиган манбага айланади, бу эса ўз навбатида экология мутаносиблигини сақлаш мақсадида унинг чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича тегишли қувватларни яратишга катта миқдордаги жамоат харажатларига олиб келади. бу муаммо аниқса шаҳарларда ўткир бўлиб, у кун сайин тобора салмоқли бўлиб бормоқда, ўтиш даври шароитларида эса ниҳоятда кескинлашди.

Ўзбекистон шаҳар жойларида атроф муҳитни ҳимоя қилишнинг юқори даражаси билан характерланади. Кўпгина уйларда канализация мавжуд, барча шаҳарларда ахлатларни йиғиштириб олиш, шу жумладан ёзги даврда ҳар куни йиғиштириб олиш хизматлари ташкил этилган.

Шу билан бирга фақат қишлоқларни эмас, балки кўпгина шаҳарларни ҳам канализация билан таъминлашда анча мураккабликлар бор, чунки бу катта молиявий харажатларни талаб этади, мамлакат эса ҳозирча бундай маблағларга тўла даражада эга эмас.

### *4.4.3. Иссиқлик таъминоти*

Шаҳарларда иссиқлик билан таъминлашнинг марказлаштирилган манбалари турар жой фондини иситишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Якка тартибдаги турар жой сектори аксарият ҳолларда марказлаштирилмаган иссиқлик манбаларидан фойдаланилади. Табиий газ билан таъминланган аҳоли пунктларида иситиш асбоблари ана шу ёқилғида, бошқа жойларда эса асосан печь ёқилғисида ишлайди.

Квартира фондининг иссиклик билан таъминланиши даражаси қуйидагича характерланади.

### *4.4.4. Савдо, хизматлар*

Одамлар турмушида алоҳида мураккабликларсиз зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал, бошқа кундалик эҳтиёж моллари, мураккаб рўзғор техникаси ва ҳоказоларни сотиб олиш имконияти муҳим ўрин тутади. Зарур товарларни сотиб олишда эркин танлаш имкониятини таъминлаш учун иккита муҳим омил асосий ўрин тутади: *савдо тармоғига киришнинг осон бўлиши ва дўконларнинг сифатли товарлар билан тўлдирилган бўлиши.*

**4.8. қўшимча. Харид қилишга вакт сарфлаш бюджети**

Тошкент вилояти матлубот кооперацияси ходимлари томонидан қишлоқ жойда яшовчи одам томонидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиб олишга вақт сарфлаш бюджети текширилди. Сўраб билиш натижаларига кўра дўконга бориш ва қайтиш учун йўлга сарланган вақт қарийб 40 фоизни ташкил этади. Озиқ-овқат дўконга тез-тез бориш туфайли озиқ-овқат олиб келиш учун йўлга сарфланган вақт бошқа товарлар олиш учун дўконга боришда йўлга сарфланган вақтдан ортиқдир. Текширишдан ўтказилган оила аъзоларининг ярмидан кўпроғи ҳар куни озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга бир соат сарфлайдилар. Ноозиқ-овқат товарларини сотиб олишга вақт сарфи 2,7 баравар кўп, бу ана шу гуруҳ товарларини танлаш анча узоқ давом этиши билан изоҳланади.

Совет даврида аҳоли жон бошига ҳисобланганда чакана товар обороти ва савдо майдони савдо ривожланишини характерлайдиган асосий кўрсаткичлари ҳисобланарди. Ўзбекистонда 10 минг кишига 20 та чакана савдо корхонаси ёки 1351 кв. метр савдо майдони тўғри келади. Ўртача республиканинг шаҳар жойларида бу кўрсаткич тегишли равишда 27 ва 1963 га, қишлоқ жойларида эса 16 ва 963 га тенг. 10 минг кишига 9 та умумий овқатланиш корхонаси ёки 546 та жой, шу жумладан шаҳарда 12 та умумий овқатланиш жойи ва 820 жой, қишлоқда эса тегишли равишда 7 та корхона ва 367 та жой тўғри



www.ziyouz.com kutubxonasi

келади. Пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларини бажариш даврида хўжаликларда ташкил этилган қишлоқ хўжалик меҳнатчиларини овқатлантириш алоҳида ўрин тутади.

Минтақалар бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятига меҳнатнинг иқтисодий районлар ўртасидаги тақсимоти, вилоятлар ва туманлар ҳудудларида рўй бераётган экологик, демографик жараёнлар, аҳолининг жинсий ва ёш таркибидаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, Фарғона водийси халқ хўжалигининг тармоқ структураси ва унинг ривожланиши, аҳоли юқори пул даромадларининг жамланиши хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг юқори даражада бир жойда тўпланиши учун шароитлар яратди. Бошқа шароитлар тенг бўлиб, саноат ва қурилишда банд бўлганлар улуши юқори бўлган минтақаларда, масалан, республика пойтахти Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига товар обороти ва пулли хизматлар миқдори юқорироқдир. Аҳоли зичлигининг пастлиги, иқтисодиёт структурасининг хом ашёга йўналтирилганлиги ва Орол денгизи зонасидаги экологик муаммолари натижасида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари билан таъминланишнинг энг паст даражаси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

*Қишлоқ жойларида савдо хизмати кўрсатишни ислоҳ қилиш ҳали суст бормоқда*

Хизмат кўрсатиш соҳаси зичлигининг пастлиги вақтни ноoқилона сарфлашни кўпайтиради, бу ижтимоий нуқтаи назардан меҳнат унумдорлигини пасайтиради, уларнинг кўпайиши эса билим, маданият даражасини такомиллаштириш, болаларни тарбиялаш, дам олиш учун ғоят зарур бўлган одамнинг бўш вақтини қисқартиради.

Совет даврида исмол бозори қайд қилинган нархлар, товарларни танлашнинг чекланганлиги, пештахта тегидан савдо қилишнинг кенгайиб бораётганлиги билан характерланарди. Шаҳарларда тақчил молларга узун навбатлар пайдо бўларди. Қишлоқ жойларида танлаш учун товарлар тури жуда ҳам эди. Умуман республика пахтага ихтисослашгани туфайли барча истеъмол товарларининг қарийб 45 фоизини четдан олиб келишга мажбур эди. Истеъмол товарларининг умумий етишмаслиги аҳолининг пул тўлашга қодир бўлган эҳтиёжидан учдан бир қисмига тўғри келарди.

Бундан ташқари қишлоқ жойларида кўпгина аҳоли пунктлари савдо корхоналарига эга эмасди ва аҳоли кичик бир нарсани сотиб олиш учун ҳам бошқа аҳоли пунктларига ёки шаҳарларга боришга мажбур эди.

Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш борасидаги иш янада ёмонроқ эди. Кўпгина қишлоқ туманларида кимёвий йўл билан тозалаш, фотоателье ҳам, кийим-кечак ва пойабзални, мураккаб рўзғор техникасини таъмирлаш корхоналари ҳам, бошқа сервис хизматлари ҳам йўқ эди.

Ўзбекистон аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш савдонинг учта асосий тури орқали амалга оширилarди. Давлат савдоси асосан шаҳар аҳолисига матлубот кооперацияси тизими қишлоқ аҳолиси ва кичик шаҳарлар аҳолисига хизмат кўрсатарди, шунингдек шаҳарларда колхоз савдоси ҳам мавжуд эди.

Фақат деҳқон бозорларидаги савдо кўп даражада бозор тусида бўлиб, шунинг учун деҳқон бозорлари маҳсулот мўл-кўллиги билан ажралиб турарди.

Савдо хизмати кўрсатишнинг энг ночор аҳволи қишлоқда яшовчилар учун характерли эди. Мамлакат қишлоқ жойларида аҳолининг қарийб 60 фоизи истиқомат қилгани ҳолда қишлоқда яшовчиларга мамлакатда сотилаётган барча товарларнинг 40 фоиздан сал кўпроғи сотиларди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот, нархларнинг эркинлаши-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ши, ҳамма ерда савдо тармоғи ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғининг хусусийлаштирилиши ва давлат тасарруфидан чиқарилиши савдо тармоғидан эркин фойдаланиш ва товарларни танлашни кенгайтириш муаммоларини асосан ҳал этиш имконини беради. Кейинги бир неча йил ичида кўпгина шаҳарларда савдо корхоналари тармоғи хусусий қурилиш ҳисобига анча кенгайди, дўкон пештахталари эса товарлар билан тўлди.

Агар шаҳарлардаислоҳотларнинг натижалари яхши сезилаётган бўлса, қишлоқ жойларида савдо хизмати кўрсатишни ислоҳ қилиш ҳали суст бормоқда. Ҳозирги пайтгача мамлакат қишлоқ аҳоли пунктларидан 38 фоизида савдо корхоналари ва 70 фоизида бирон-бир умумий овқатланиш корхонаси йўқ. Қишлоқ дўконларида таклиф этилаётган товарлар тури кам. Натижада қишлоқ меҳнаткаши бирон дурустроқ нарсани харид қилиш учун ҳамон шаҳарга боришга мажбурдир.

Савдони, айниқса йирик вилоят марказлари ва пойтахтда тижорат йўлига ўтказиш жараёни биринчи босқичда ихтисослашиш даражасини пасайтириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатиш шаклларини соддалаштиришга олиб келди. Замонавий савдо-технология жараёнларини жорий этишга, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини совутиш воситаларини қўллашга мосланмаган кўпгина кичик корхоналар вужудга келди, бу эса мамлакатнинг иссиқ иқлимий шароитларида ғоят муҳимдир.

Шу билан бирга аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилашга савдони эркинлаштириш ҳамда шаҳар ва қишлоқ бозорларида ҳар қандай савдо тизимларининг монополия ҳолатини йўқ қилиш асосида эришиш мумкин.

Савдонинг бошқа турлари билан бирга шарқ бозорларидаги савдо ривожланиб бормоқда ва истеъмол товарларини сотишда алоҳида ўрин тутмоқда. Товар туомаласи шаклида у фермерлик, шахсий ёрдамчи хўжаликлар, қисман жамоат хўжаликларининг маҳсулотларини шаҳар бозорларида сотишнинг муҳим канали ҳисобланиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳамда алоҳида ижтимоий гуруҳлар ўртасида даромадларнинг қайта тақсимланишига кўмаклашмоқда. Агар 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида деҳқон бозори улушига бутун чакана товар оборотининг атиги 4-5 фоизи тўғри келган бўлса, ҳозирги пайтда бозорлардаги оборот улуши сотилган товарлар умумий ҳажмида 20 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириш чоралари, шунингдек шаҳар бозорлари моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш имконини бергар дастур шунга ёрдам берди.

Мамлакатнинг барча йирик шаҳарларидаги бозорлар шаҳарларга алоҳида меъморий қиёфа бағишлади. Анъаналар ва халққа тарихан мансуб бўлган турмуш тарзини бугунги ҳаёт боғлади, одамларга за-

**4.9. қўшимча. Авиалиниялар**

Авиалиниялар Тошкентни Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти - Нукус шаҳар ва республиканинг барча вилоят марказлари, шунингдек МДҲнинг кўпгина мамлакатлари ва шаҳарлари билан боғлайди. Иқтисодий ислоҳотлар даврида жаҳондаги 15 та мамлакат билан ҳаво алоқаси ўрнатилди. Ўзбекистон фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) аъзоси ҳисобланади.

Бироқ самолёт саройи моторесурсларини деярли ишлатиб бўлди ва маънавий жиҳатдан эскирди. Унинг тежамкорлиги паст. Улар парвоз қиладиган ва қўнадиган жойларда газлар миқдори, авиамоторларнинг шовқини ва ердаги хизматларнинг радиоэлектрон ускуналарининг нур тарқатиши меъёрдан ўн баравар ва ундан кўпроқ юқоридир. Аксарият самолётларнинг бортга ўрнатиладиган замонавий радионавигация ускуналари билан жиҳозланиши даражаси етарли эмас.

Аэропортлар ва уларнинг объектлари, айниқса йўловчиларга хизмат кўрсатиш сервиси бўйича ИКАОнинг замонавий талабларига жавоб бермайди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимларида ҳам аҳвол мана шундай, улар асосан маънавий эскирган, халқаро стандартларга мос бўлмаган электрон ускуналар билан жиҳозланган.

*Агар шаҳарларда ислоҳотларнинг натижалари яхши сезилаётган бўлса, қишлоқ жойларида савдо хизмати кўрсатишни ислоҳ қилиш ҳали суст бормоқда*



www.ziyouz.com kutubxonasi

рур бўлган ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш жойигина эмас, шу билан бирга халқ ҳунармандчилари маҳсулоти сотиладиган жойга ҳам айланди. Бозорларда Ўзбекистон бозорларининг бебаҳо шарқона колоритини билишга интилаётган кўп сонли сайёҳларни ҳар доим кўриш мумкин.

### *4.4.5. Транспорт*

Одамлар ҳаётида ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиш имконияти муҳим ўрин тутади. Яхши йўллар ҳаракатланиш, замонавий автотранспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради, шинамлик ва қулайликни вужудга келтиради. Ҳар бир мамлакат, аҳоли пункти қулай географик ҳолатга эга эмас. Лекин бу одамларнинг денгизга, ўрмонга, тоғларга, шунчаки таниш-билишлари, дўстлари, қариндош-уруғлари ва яқинлари ҳузурига, театрлар ва музейлар, дўконлар ва ресторанларга бориш имкониятларига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Масалан, Ўзбекистоннинг денгизга чиқадиган очиқ йўли йўқ. Мамлакат ичида ноқулай географик шароитлар туфайли кўпгина минтақаларда аҳолининг жойлашиш зичлиги унча юқори эмас. Қишлоқ жойларида кўпгина аҳоли пунктлари бошқа энг яқин пунктлардан узоқ масофада жойлашган.

**4.10. қўшимча. Телефон алоқаси билан таъминланганлик**

Йил бошида мамлакатда телефонлар зичлиги (миқдори) республиканинг ҳар 100 кишисига 6,7 телефонни ташкил этади, бу электр алоқаси Халқаро иттифоқи томонидан қабул қилинган ўртача кўрсаткичдан бир неча баравар паст бўлиб, уни Ҳиндистон, Покистон, Эрон каби мамлакатлар билан қиёслаш мумкин. Таққослаш учун - ҳар 100 кишига Германияда 44,8, Францияда 52,3, Англияда 45,1, Туркияда 16,2 та телефон тўғри келади. Ҳозирги пайтда телефон билан шаҳарда ҳар икки оиладан бири ва қишлоқ жойларида ҳар ўн оиладан бири таъминлангандир.s

Шунинг учун автомобиль йўлларининг мавжудлиги, узунлиги ва сифати, ҳаракатланиш транспорт воситаларининг мавжудлиги ва сифати одамлар яшаш муҳитининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекистонда автомобиль йўлларининг узунлиги 83 минг километрдир, шу жумладан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 43 минг км ни ёки улар умумий узунлигининг 52 фоизини ташкил этади, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг зичлиги ҳар минг кв. км ҳудудга республикадаги ўртача 92 км дан бўлгани ҳолда 23 км дан 581 км гача оралиқда ўзгариб туради. Бу кўрсаткич Украинада 274 км га, Болгарияда 333 кмга, Францияда 1480 км га, Германияда 1908 км га тенгдир.

Маҳаллий йўлларнинг тармоғи Фарғона водийсида (ўртача зичлиги 1000 кв км га деярли 530 км) ва Тошкент - Самарқанд - Қарши коридори бўйлаб анча зич ва яхши ривожлангандир. Йўл тармоғининг камчиликлари сифатида автомобиль йўллари бўйлаб сервиснинг (авария телефон алоқаси, техник хизмат кўрсатиш пунктлари, мотеллар ва ҳоказолар) йўқлигини кўрсатиш мумкин.

Республикада метрополитен (30 км), трамвай (288 км), троллейбус (632 км) линиялари ва автобус йўналишлари бўлган шаҳар транспортининг ривожланган тармоғи мавжуд. Умумий фойдаланишдаги йўловчилар ташиш автотранспорти билан ҳар куни 6,5 млд.дан ортиқ йўловчи ёки кўп миллатли давлатимизнинг деярли ҳар 4 кишисидан бири ташилмоқда. Йўловчиларни ташишда қарийб 16000 мингта автобус, 450 та троллейбус, 424 та трамвай, Тошкент метрополитенининг 149 та вагони ва 6312 та енгил таксомотордан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон транспорт комплекси таркибига автомобиль йўлларидан ташқари "Ўзбекистон темир



www.ziyouz.com kutubxonasi

йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг узунлиги 3656 км ва идоравий тармоғи 2819 км бўлган темир йўли тармоғи, авиация ва дарё транспорти киради.

Республика темир йўл транспорти энг оммавий ва тежамли транспорт тури сифатида транспорт мажмуининг асоси ҳисобланади. Ташишлар **умумий ҳажмидан темир йўл транспорти** улушига юк оборотининг 60 фоиздан кўпроғи ва умумий фойдаланишдаги транспорт бажараётган йўловчи оборотининг деярли 20 фоизи тўғри келади. 627 км дан кўпроқ йўл икки йўлли линиялар бўлиб, шундан 489 км йўл электрлаштирилган. Ташишларнинг тўртдан уч қисми тепловозлар, қолган қисми электровозлар билан амалга оширилмоқда.

Йўловчилар ташиш ҳажми аста-секин ошиб боради ва 2000 йилга бориб умумий фойдаланишдаги транспорт бажараётган йўловчи оборотининг ўндан бир қисмига етади, бу транспорт хизматларига тарифларнинг юқорилиги туфайли аҳолининг ҳаракатланиши суст ошиши билан изоҳланади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти таркибида дарё флоти корхоналари - Термиз порти, Хўжайли кемасозлик заводи ва ана шу транспорт турининг бошқа бўлинмалари бор бўлиб, у йилига қарийб 200 минг тонна юк ташийди, бу автотранспортда юкларни ташиш ҳажмининг 1 фоиздан камроғини ташкил этади.

Транспортни такомиллаштириш ва ривожлантириш махсус дастурини амалга оширишни талаб этади, у қуйидаги принципларга асосланиши керак:

- энг кўп даражада мумкин бўлган рақобат муҳитини вужудга келтириш;
- давлат мулкини республика ва коммунал мулкка бўлиш;
- кўпгина транспорт хизматларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш орқали транспортни монополиядан ҳоли этишни таъминлаш;
- мулкчиликнинг акциядорлик ва хусусий шаклларини устун даражада ривожлантириш;
- транспорт хизматлари инфраструктурасини шакллантиришни жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини тижорат асосига ўтказиш ва фаоллаштириш.

Дастурнинг умумий қоидалари транспортнинг ҳар бир аниқ турига нисбатан аниқланган бўлиши лозим:

темир йўл транспортида:

- йўл хўжалигида давлат мулкини сақлаш;
- ҳаракат таркиби хўжалиги ва таъмирлаш-ёрдамчи корхоналарни акциядорлаштириш;
- вокзаллаш ва товар-омборхона хўжаликларини уларни комиссион асосда бошқариш учун коммунал мулкка бериш;

авиация транспортида:

- учиш воситаларини акциядорлаштириш;
- аэропортларни уларни комиссион асосда бошқариш учун коммунал мулкка бериш.

**Маҳаллий йўловчилар ташиш жамоат транспорти** коммунал мулкка берилиши керак. Уларни эксплуатация қилиш ҳокимликлар томонидан транспорт ташкилотлари билан контракт асосида амалга оширилиши керак. Транспорт ташкилотларининг асосий вазифаси тегишли йўналишлар бўйича қатновчиларни бажаришни таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва ҳаракат таркибини сақлашдан иборатдир.

Транспорт соҳасидаги давлат сиёсатини турмушга жорий этиш учун уни ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида Транспорт вазирлигини ташкил этиш ва унинг зиммасига қуйидаги вазифаларни оқлаш мақсадга мувофиқдир:

- транспортда давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш принципларини рўёбга чиқариш;



www.ziyouz.com kutubxonasi

• транспорт муносабатларининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш;

• давлат мулкини ва хусусийлаштирилган транспортда давлат мулки улушларини бошқариш;

• хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

• монополияга қарши назоратни ўтказиш, камчиликлар ва тартибга солинадиган тарифлар, ташишлар ва ҳаракат хавфсизлиги устидан назорат ўрнатиш;

• транспорт фаолиятини лицензиялаш;

• транспорт ва транспорт тармоғини ривожлантиришни таъминлаш;

• ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш ва кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этиш.

### *4.4.6. Алоқа*

Миллий телефон (маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро) тармоғи, телеграф алоқаси тизими, маълумотларни бериш, факсимил алоқаси, телевизион дастурлар ва овоз эшиттириш дастурларини тақсимлашни ўз ичига оладиган телекоммуникация тармоқлари инфраструктуранинг энг муҳим жиҳати, ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ривожлантиришни рағбатлантирадиган ахборотларни оммалаштиришнинг энг самарали муҳити ҳисобланади.

Бироқ тармоқнинг моддий-техника базаси жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан 20-30 йил орқада қолмоқда. У алоқа воситалари билан жиҳозланишнинг, кўрсатилаётган алоқа хизматларининг етарли бўлмаган даражаси рақамли тармоқ ва сервис хизматлари тараққий этмаганлиги, маълумотларни беришнинг замонавий юқори даражадаги тезкор тармоғининг йўқлиги, алоқа воситаларининг юқори даражада эскиргани (50 фоиздан ортиқ) билан характерланади. Аналог тизимлардан фойдаланиш республика телекоммуникацияларининг жиддий камчилиги ҳисобланади, ваҳоланки барча ривожланган мамлакатлар 180 тагача турли хизматларни кўрсатадиган рақамли телефон станцияларидан фойдаланмоқда (аналог тизимда кўрсатиладиган хизматлар 15 тадан ошмайди).

Телекоммуникацияда қуйидагилар давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

• алоқа тизимини ташкил этишнинг умумий ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини белгилаш;

• телекоммуникациялар воситаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва бошқариш соҳасида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мабуриятларини белгилаш;

• телекоммуникациялар соҳасида муносабатларни тартибга солиш ва телекоммуникациялар идоравий воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

• телекоммуникациялар воситалари учтадан давлат техник назоратини амалга ошириш;

• давлат хавфсизлиги манфаатларини ва телекоммуникациялар воситалари томонидан узатиладиган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

• телекоммуникацияларнинг нодавлат тизимларини вужудга келтиришни рағбатлантириш, бу тизимларга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш давлат телекоммуникация тармоғига хорижий сармоянинг кириб келишини тартибга солиш;

• солиқ, божхона, амортизация ва бошқа имтиёзларни бериш, шунингдек маҳаллий телефон тармоқларини қайта тиклаш ва ривожлантиришга харажатларни давлат бюджети ҳисобига қисман пул билан таъминлаш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 5-боб. Ижтимоий инфраструктура: барқарор инсоний тараққиётни таъминлаш мақсадидаги ислоҳотлар

## *5.1. 1995 йилда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий устунликлари*

### *5.1.1. Самарадорликни ошириш*

Инсоний тараққиёт учун энг аҳамичтли бўлган тармоғлардан бири соғлиқни сақлаш ҳисобланади. Бироқ Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳар доим давлат бюджети ҳисобидан пул билан таъминланганлиги ҳисобга олинса, у ўтиш даврида энг заиф тармоқлардан бири бўлиб қолди.

Жамиятнинг соғлиқни сақлашни пул билан таъминлашга йўналтирилган маблағларидан деярли 90 фоизи давлат бюджети ҳисобига шаклланади, бу эса тармоқнинг давлат молиявий имкониятларига қаттиқбоғлиқ қилиб қўяди. табиийки, давлатнинг молиявий қийинчиликлари соғлиқни сақлашнинг ҳам молиявий қийинчиликларига айланди. Кейинги ҳамма йилларда бўлганидек 1995 йилда ҳам уни пул билан таъминлаш имкониятлари бюджнт чеклашлари исканжасида бўлди ва ундан ташқари бюджет даромадларининг амалдаги тушумларига боғлиқ бўлди.

Соғлиқни сақлаш моддий-техника базасини ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар қисқараётган шароитда мавжуд моддий-техника базасидан фойдаланишни жадаллаштириш аҳоли соғлиғини сақлаш ва муҳофаза қилишнинг мавжуд даражасини сақлаш имконини берган асосий йўналиш бўлди. Койка фонди айланишини жадаллаштириш, беморларнинг стационар даволаш муассасаларида бўлишини қисқартириш имконини берадиган чора-тадбирлар таъминланди.

Мавжуд моддий-техника базасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида касалхоналарга ётқизиш (100 кишига касалхоналарга ётқизилганлар сони) 1990 йилдаги 24,6 кишидан 1994 йилда 19,7 кишига камайди.

Стационар ёрдами структурасида ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, агар 1990 йилда деярли барча касалхонага ётқазилганлар одатдаги стационарларга жойлаштирилган бўлса, 1994 йилда улардан 21,7 фоиз кундазги стационарларга, кундузи даволанадиган бўлимларга ва уйлардаги стационарларга жойлаштирилди ҳамда 1995 йил охирига келиб бу кўрсаткич 25 фоизга етказилди.

**5.1. жадвал. Стационар даволашдан фойдаланаётган беморлар сони**




***Манбаи: Ўздавистиқболстат***

Шуни таъкидлаш керакки, кундузги стационарларга енгил касалликлари бўлган беморлар жойлаштирилади. Айни вақтда одатдаги стационарларга касалликлари анча оғир бўлган беморлар ётқизилди. Шунга қарамай, даволаш жараё-



www.ziyouz.com kutubxonasi

**5.1. қўшимча. Соғлиқни сақлаш тизимида хусусийлаштириш**

1995 йилда 312 та соғлиқни сақлаш муассасаси хусусийлаштирилди ва мулкчилик шаклини ўзгартирди: 207 та муассаса хусусий мулк қилиб берилди: 101 та муассаса жамоа мулки қилиб берилди; 4 та муассасаочиқ турдаги акциядорлик жамиятига айланди.

*Соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар асосини тармоқ ишини баҳолашни пировард натижа - халқ саломатлиги билан ўлчашга ўтиш ташкил этади*

нини жадаллаштириш туфайли беморнинг касалхонада бўлиш ўртача давомийлиги 1990 йилдаги 14,8 кундан 1994 йилда 14,3 кунгача қисқарди.

Амбулатория жарроҳлиги, амбулатория даволаши ихтисослаштирилган курси марказлари пайдо бўлди, улар билан фақат 1994 йилда қарийб 300 минг бемор қамраб олинди.

Давлат томонидан пул билан таъминлашдан ташқари, нодавлат манбалари ҳам кенгаймоқда. Хўжалик ҳисоби принциплари асосийда ишлаётган муассасалар тармоғи, тиббий кооперативлар, якка тартибдаги меҳнат фаолият билан шуғулланаётганлар, дори-дармонлар чиқариш бўйича қўшма корхоналар ривожланмоқда. Дорихона муассасалари "Табобат техникаси", "Оптика", "Табтаъминот" муассасалари тўла хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди. Термизда вилоят қон қуйиш станцияси ижара асосида ишламоқда.

**5.2. жадвал. Хусусий врачлик фаолияти структураси**




Республикада Вазирлар Маҳкамасининг "Якка тартибдаги врачлик фаолияти (хусусий врачлик тажрибаси) тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида қарори қабул қилинди ва шифокорлар хусусий тажриба билан шуғулланиш учун асосга эга бўлдилар. Фақат 1995 йилда 400 дан зиёд врач бу фаолия билан шуғулланиш учун лицензиялар олдилар.

Бюджетдан пул билан таъминлаш қисқараётган шароитда тиббий ёрдам структурасининг ўзгариши рўй беради, бошланғич тиббий санитария хизмати ўрни ва аҳамияти ошади.

### *5.1.2. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш*

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасидаги устун йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг кенг тармоғи томонидан аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Йил сайин педиатрия, акушерлик ва гинекалогия масалалари бўйича илмий тадқиқотлар кенгаймоқда.

Амалга оширишда кўпгина вазирликлар, идоралар, ҳайрия фондлари, тижорат структуралари, жамоат ташкилотлари иштирок этаётган фарзанд кўриш аёллар ва болаларни соғломлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган ва рўёбга чиқарилаётган Миллий дастур, ёш авлодни соғломлаштириш юзасидан комплекс дастур номақбул ҳомиладорлик, айниқса бемор ва кўп туққан аёлларда ана шундай ҳомиладорлик олдини олиш бўйича ишлар оналар ўлими кўрсаткичларини 1991 йилга нисбатан 1994 йилда 69 фоиз, гўдаклар ўлимини эса деярли 26 фоиз камайтириш имконини берди.

Кўпгина экспертларнинг эътибори шундай ғаройиб фактга қаратилганки, соғлиқни сақлашга ажратилаётган молиявий ресурслар



www.ziyouz.com kutubxonasi

анча камайган оғир ўтиш даврида мамлакатда болалар ва оналар ўлимини қисқартиришда ўзига хос инқилобни амалга оширишга муваффақ бўлинди, ваҳолангки бундан аввалги кўпгина йиллар давомида бунга муваффақ бўлинмаган эди. Бу ҳол яна шуниси билан эътиборга сазоворки болалар ва оналарнинг ўлимини камайтириш фарзанд кўриш ёшига кираётган аёллар сони мунтазам ошиб бораётган (йилига 80 минг нафаргача аёл) бир даврда рўй бермоқда. Бу мамлакатда демографик портлашни шарт қилибгина қолмай, шу билан бирга соғлиқни сақлашни пул билан таъминлашни қисқартириш шароитларида болалар ва оналар ўлимининг ошишига олиб келиши мумкин эди. Бу ҳол ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг иккита асосий йўналиши билан изоҳланади:

- оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давла сиёсатининг устун йўналиши қилиб белгиланган. Давлат соғлиқни сақлаш ва кўпгина жамоат ҳамда хайрия фондларининг асосий эътибори шунга қаратилган. Мамлакатда ёш авлод учун кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.
- Контрацепциянинг хилма-хил усулларидан аввал ҳеч қачон бўлмаган даражада кенг қўллаш. Агар 1990 йилда контрацептивлардан фойдаланиш 12,1 фоизни ташкил этган бўлса, у 1991 йилда 21,4 фоиз, 1992 йилда 28 фоиз, 1993 йилда 33,4 фоиз, 1994 йилда 41,5 фоиз, 1995 йилда 38 фоизни ташкил этди.

Қуйидагилар оналар ва болалар ўлимини қисқартирувчи асосий йўналишлар ҳисобланади:

аҳоли ўртасида оилаладаги болалар сонини 2-3 тагача қисқартириш, туғиш орасида муддатни камида уч йилгача кўпайтириш зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари ўтказиш. 1995 йилда барча фарзанд кўрган аёллардан 5,8 фоизда бир ёшгача бўлган, деярли 21 фоизида 2 ёшгача бўлган болага эга бўлишган. Айрим вилоятларда бу кўрсаткич янада юқоридир: Сурхондарёда тегишли равишда 15,6 фоиз ва 29,3 фоиз; Жиззахда 8,8 фоиз ва 2,5 фоиз;

- аёл учун у фарзанд кўриши мумкин бўлган давр 20-30 ёш орасида эканлиги ҳақида тушунтириш иши олиб бориш. 15-17 ёшда, шунингдек 35 ёшдан кейин ҳомиладор бўлиш ва туғиш ҳоллари олдини олиш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриш;
- контрацептивларнинг турли хилларидан фойдаланишни кенгайтириш;
- экстрагенитал касалликлари бўлган аёлларда уларни олдиндан соғломлаштирмай тузиб хомиладор

*Соғлом авлод учун кураш мамлакатда давлат сиёсати даражасига кўтарилган*

**5.2.-қўшимча. Оналикни муҳофаза қилиш**

1994-1995 йилларда бемор аёлларни туғишга тайёрлаш учун ўз таркибида туғишдан олдинги тайёргарлик бўлимлари туғиш заллари ва туққандан кейин соғлиқни тиклаш бўлимларига эга бўлган янги турдаги туғишга ёрдам берувчи муассасалар вужудга келтирилган; - бир кунда битта залда 7 та туғиш ҳисобида йиғиш заллари миқдорини кўпайтириш. Фақат 1995 йилнинг ўзида 1007 та туғиш зали ташкил этилди. Уларнинг умумий сони эҳтиётдаги 1806 та ўрнига 1629 тага етди;

***Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги***

**5.1.-жадвал. Туғиш ёшидаги аёлларнинг контрацепция билан қамраб олиниши**

| | Контрацепция билан қамраб олиш, фоиз | Туғилиш |
|---|---|---|
| Тошкент ш. | 36% | 17.7 |
| Андижон вилояти | 58% | 31.3 |
| Бухоро вилояти | 51% | 27.3 |
| Жиззах вилояти | 29% | 34.1 |
| Қашқадарё вилояти | 39% | 36.2 |
| Навоий вилояти | 42% | 26.2 |
| Наманган вилояти | 27% | 32.9 |
| Самарқанд вилояти | 4% | 33.3 |
| Сурхондарё вилояти | 30% | 37.2 |
| Сирдарё вилояти | 0% | 27.2 |
| Тошкент вилояти | 28% | 25.5 |
| Фарғона вилояти | 21% | 30.9 |
| Хоразм вилояти | 53% | 29.2 |
| Қорақалпоғистон республикаси | 86% | 25.5 |
| Ўзбекистон | 38% | 29.7 |

***Манба: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги***



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиш ва туғиш имкониятининг олдини олиш;

• оғир туғиш ҳоллари учун фақат бунинг учун ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида шароитлар яратиш;

• ҳомиладор аёлларнинг туғиш олдидан ва ундан кейин касалхонада бўлиш муддатини узайтириш. Туғишдан кейин соғлиқни тиклаш бўлимларини ташкил этиш. Ҳозирги пайтда мамлакатда умумий койка фонди 3246 тага тенг бўлган 149 та ана шундай бўлим фаолият кўрсатмоқда.

• эмадиган болаларнинг яхшироқ катронажини таъминлаш, кўкрак билан боқишни рағбатлантириш.

### *5.1.3 Касалликлар профилактикаси*

Касалликлар профилактикаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг самарали йўналиши ҳисобланади.

Касалликлар олдини олиш миллат саломатлигининг жамланган потенциалини ошириш, унинг генетик фондини мустаҳкамлаш имконини беради. Бир вақтнинг ўзида касалликлар олдини олиш ҳар доим рўй берган касалликлар билан курашишга нисбатан бевосита молиявий ресурсларни сарфлашни камроқ талаб этади, шунингдек соғлом кишиларнинг унумлироқ меҳнати орқали ижобий билвосида иқтисодий самарага эгадир.

• Мамлакатда профилактика иши қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилмоқда:

• юқумли касалликлар тарқалиши олдини олиш мақсадида санитария-эпидемиология хизматлари ишини такомиллаштириш. Республикада Давлат санитария назорати ҳақидаги Ўзбкун қабул қилинган, унда санитария-эпидемиология хизматини ташкилий қайта қуриш белгиланган, давлат санитария назорати органларига катта мустақиллик берилган.

• мамлакатдаги камбағаллар учун ҳам, бойлар учун ҳам хос бўлган энг оғир касалликларга қарши курашни кенгайтириш. Ҳозирги пайтда сил, онкология касалликларига қарши курашнинг миллий дастури ишлаб чиқилмоқда, у аҳоли касалланиши ва ўлимини камайтириш муаммоларини ҳал этишга жиддий ўзгаришлар киритиши керак;

• миллий потенциалини соғломлаштириш мақсадида болалар ва ўсмирлар ўртасида профилактика ишларини кенгайтириш мактабларда профилактика ва болалар касалланишини пасайтириш масалаларида соғлиқни сақлаш ва халқ таълими органларининг алоқаси яхшиланмоқда.

• ичкиликбозлик ва гиёвандликнинг фаол олдини олиш ҳамда унга қарши кураш бўйича ички ишлар органлари билан профилактика ишларини кенгайтириш. Сурункали ичкиликбозлик билан касалланиш 1990 йилга нисбатан 1995 йилда 29 фоиз, ичкиликбозлик билан боғлиқ руҳий касаклланиш деярли 3 фоиз пасайди.

Бироқ профилактика ишларига талаб қилинаётганидан анча кам молиявий ресурслар ажратилмоқда. Бундан ташқари соғлиқни сақлашни ташкил этиш тизимининг ўзи кўпроқ касалликлар олдини олиш эмас, кўпроқ беморларни даволашга қаратилгандир.

Масалан, участка врачи ишини ташкил этиш шундай ташкил этилганки, у аввало унга фаол мурожаат қилаётган беморларга даволаш ёрдами кўрсатишга йўналтирилгандир. Танлаб топишилган маълумотларга кўра участка врачи ўз вақтининг атиги 5 фоизини профилактика тадбирларига сарфлайди. Врачларнинг уйларда бўлишининг 70 фоиздан кўпроғи, беморларнинг поликлиникада врачга мурожаат қилишларининг 52 фоизи касалликлар ўткир бўлиб қолганда ёки сурункали касалликлар зўрайганда даволаш ёрдами кўрсатиш билан боғлиқдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маблағ йўқлиги оқибатида 1991-1994 йилларда аҳоли, биринчи навбатда болаларни энг хавфли юқумли касалликларга қарши эмлаш ёмон амалга оширилди. Бунинг натижасида аҳолини эмлаш билан қамраб олиш соҳали кейинги 4 йил ичида кескин қисқарди. 1995 йилда Ўзбекистон бўғма, поратин билан касалланиш кўпайди, полиомилит ва бошқа бир қанча касалликлар билан оғриш ҳоллари пайдо бўлди, эмлаш орқали улар олдини олиш мумкин бўларди. Фақат зарур вакциналар ва сивороткалар олишдаги халқаро ёрдам ҳамда болалар ва катталар анча қисмини шошилинч тарзда эмлаш бу ёқимли касалликларнинг авж олиб кетишига йўл қўймаслик имконини берди.

Хар йили профилактика кўриклари билан деярли 3,5 млн. катталар ва ўсмирлар қамраб олингани, 4,5 млн. дан кўпроқ катталар, ўсмирлар ва болалар диспансер кузатувида бўлишларига қарамай, диспансерлаш кўп жиҳатдан пировард натижага йўнатирилмаган.

Бошланғич бўғиннинг етарли ишлашмаслиги, поликлиникалар, тиббиёт-санитария қисмлари, қишлоқ амбулаторияларида врачлар муайян қисми малакасининг пастлиги, бу хизматнинг ихтисослаштирилган муассасалар билан алоқаси узилганлиги туфайли аҳолининг юрак-қон-томир, анкология ва бошқа касалликлардан ногирон бўлиб қолиши ва вафот этиш ҳоллари кўпаймоқда.

Профилактика ишларини ўтказишда экология омилларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келмоқда. Зотан, республика аҳолиси сифатли ичимлик суви билан ўртача 70,9 фоиз, шу жумладан шаҳарларда 84,6 фоиз ва қишлоқ жойларида 60 фоиз таъминланган. Ҳар йили очиқ ҳовузларга 160 млн. куб метрдан ортиқ ифлосланган оқова сувлари ташланмоқда, тозалаш иншоотлари қувватларидан 40 фоиздан ортиғи самарасиз ишламоқда.

Натижада республикада ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ўткир ичак касалликлари ва вирусли гепатитга, қарийб 800 киши ва терлама ва каратиф касалликларига чалинади. Бу даставвал сифатсиз ичимлик суви, санитария чоралари тизими билан ёмон таъминланганлик билан боғлиқдир.

## *5.2. Соғлиқни сақлашдаги ислоҳотлар*

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш учун бир қанча қўшимча ислоҳотлар зарур. Улар бошланғич тиббий-санитария ёрдамида мустаҳкамлаш, тиббий ходимларни тайёрлаш, бошқарувдаги ислоҳотлар, шунингдек пул билан таъминлаш тизимидаги ислоҳотларни ўз ичига олади.

### *5.2.1. Бошланғич тиббий-санитария ёрдамини мустаҳкамлаш*

республика бошланғич тиббий ёрдам кўрсатишнинг шаклланган тизими мавжуд, унинг учун қуйидаги мезонлар хосдир:

- йўлнинг очиқлиги, у аҳолининг базис тиббий хизматига йўлнинг очиқлигини назарда тутади (минтақавий касалликлар олдини олиш ва назорат қилиш, умумий касалликлар, жароҳатларни даволаш, эмлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳоказо).
- кўрсатилган тиббий ёрдам ҳажми - фельдшерлик-акушерлик пункти, амбулаториялар, поликлиника, диспансер доирасида тиббий хизмат кўрсатиш турлари миқдори ва бошқалар. Бу ҳажм аҳолини айрим касалликлар олдини олиш ва профилактика қилишга жалб этиш даражасига боғлиқ бўлади.

Яқин пайтгача қишлоқ жойларида қишлоқ фельдшерлик-акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва қишлоқ участка касалхоналари бошланғич тиббий ёрдамнинг асосини ташкил



www.ziyouz.com kutubxonasi

этарди. Лекин бугунги кунда бошланғич тиббий ёрдамчи врач эмас, балки ўрта маълумотли тиббий ходим кўрсатаётган фельдшерлик-акушерлик пунктларининг фаолият кўрсатиши соғлиқни сақлашни такомиллаштириш ва қишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш вазифаларига кўпинча зид келмоқда. Фельдшерлик-акушерлик пунктларининг бир қисмини қишлоқ врачлик пунктларига ёки уларнинг филиалларига айлантириш тобора долзарб вазифага айланмоқда. Бу кўпинча қишлоқ

**5.3.-қўшимча. Айрим давлатларда соғлиқни сақлашни пул билан таъминлаш кўрсаткичлари (ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи фоизда). Соғлиқни сақлашга харажатлар фоизларда.**

| Ялпи ички маҳсулот мамлакатлари | Жами | Давлат сектори | Хусусий сектор |
|---|---|---|---|
| АҚШ | 14,0 | 6,4 | 7,6 |
| Франция | 9,4 | 7,0 | 2,4 |
| Германия | 8,7 | 6,2 | 2,5 |
| Португалия | 7,9 | 4,6 | 3,3 |
| Испания | 7,5 | 6,0 | 1,5 |
| Австрия | 7,9 | 5,3 | 2,6 |
| Буюк Британия | 7,1 | 6,0 | 1,1 |
| Япония | 7,0 | 4,9 | 2,1 |
| Ўзбекистон | 4,8 | 3,4 | 1,4 |
| Россия | 3,0 | 2,0 | 1,0 |
| Қозоғистон | 4,4 | 2,8 | 1,6 |

аҳоли пунктларида анча мукаммалроқ тиббий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ аҳолиси ўртасида профилактика ва даволаш ишларини замонавий даражада ўтказиш имконини берадиган врачлар ва комплекс тиббий хизмат кўрсатиш пайдо бўлади, деган маънони билдиради.

Йирик шаҳарлар ва вилоятлар марказларида, шунингдек республика ихтисослаштирилган марказларида ташкил этилган диагностика марказлари соғлиқни сақлаш биринчи бўғини тизимида шуни ташкил этишнинг янги ва муҳим шакли ҳисобланади. Энг мураккаб ва қиммат барча зарур диагностик аппаратлар: компьютер томографлари, фиброскопия техникаси, биокимё анализаторлари ва ҳоказолар уларда жамланган. Бу агар ташҳис мураккаб ва қийин бўлса, врачга мижозни мана шундай марказга юбориш, кейин энг замонавий даражада ўтказилган текшириш натижаларини олиш имконини беради.

Фақат республика марказларида 1994 йилда 500 мингдан ортиқ беморга хизмат кўрсатилди.

Тез ёрдам ва шошилинч ёрдам вазифаларини фарқлаш жараёнини чуқурлаштириш учун ўткир зарурат етилди. Тез ёрдам хизмати турли хил манипуляциялар ўтказиш, сурункали беморларга чақиришлар билан банд бўлиб қолди,- буни бемалол шошилинч ёки участка ёрдами хизмати зиммасига, шу жумладан участка тиббий ҳамширалари фаолиятига юклаш мумкин.

Тиббий ёрдам моддий-техника базасини такомиллаштириш унинг бошланғич бўғинини мустаҳкамлашда муҳим йўналиш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мамлакатдаги амбулатория - поликлиника муаммоларининг фақат 63 фоизи типовой биноларда жойлашган, уларнинг аксариятида зарур клиник-диагностика ускуналари йўқ, чунки улар асосан стационарларда жолашган эди. Бу ўз навбатида аҳолини ўз ватида текширишдан ўтказмаслик, касалликларни эрта аниқламасликка олиб келади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағларни қайта тақсимлаш ўтказилди. Зотан, агар 1993 йилда давлат бюджетидан амбулатория-поликлиника ёрдамида соғлиқни сақлашга кўзда тутилган барча маблағнинг 19,1 фоизи сарфланган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 27,1 фоизгача, 1995 йил охирига бориб эса 30-40 фоизга етказилган.

Маблағлар чекланганига қарамай, республикада амбулатория-поликлиника муассасаларини қуриш учун имкониятлар излаб



www.ziyouz.com kutubxonasi

топилмоқда. Фақат кейинги 3 йил ичида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига бир сменада 26,9 минг кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди ва фойдаланишга топширилди, шу жумладан деярли 18 минг кишини қабул қиладиган ёки 67 фоиз муассаса марказлаштирилган маблағлар ҳисобига бунёд этилди.

Шу билан бирга соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг экстенсив йўли шунга олиб келдики, бошланғич тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси соғлиқни сақлаш тизимида энг заиф жойлардан бири бўлиб қолди. Даставвал бу участка хизматининг паст даражаси билан боғлиқдир. Бошланғич тиббий бўғинда даволаш иши кўпинча расмий тусда бўлади. Участка врачи кўпроқ ўз мижозини мутахассисларга кўллаётган ва касаллик варақаси бераётган “нозим”га айланиб қолади.

Аксарият муассасаларда бошланғич тиббий ёрдамни ташкил этишнинг етарли даражада эмаслиги, врачларнинг кераксиз иш ( турли маълумотномаларни расмийлаштириш, ҳисоботлар тузиш ва ҳоказо) билан ҳаддан ташқари бандлиги, клиникмаларнинг йўқлиги ҳамма жойда участка варчини оилавий доктор принципи бўйича ишлашга ўтказиш масаласини қўйишни талаб этади. Ҳозирча врач поликлиника хонасидан ўз мижозлари оилаларига ўтгани йўқ. Бироқ жаҳон тажрибасинин.г кўрсатишича, бу касалликни ўтиб кетган беморларнинг врачларга фаол қатнашишини анча қисқартириш имконини берарди.

### 5.2.2. *Тиббий ходимларни тайёрлашни ислоҳ қилиш*

Оилавий врач принципи бўйича ишлаш анча юқорироқ малакани, фақат ички органлар муайян касалликлари ва уларни даволаш усулларини билишнигина эмас, бу билан бирга ёрдам кўрсатиш ва ушбу касалликлар олдини олиш юзасидан сўз вақтида чоралар кўриш учун бошқа тизимлар ва органларни ҳам билишни талаб этади. Шу муносабат билан олий ўқув юртларида ўқитиш дастури ишлаб чиқилди, талабаларни тайёрлаш режалари қайта кўриб чиқилди, уларга нисбатан талабчанлик оширилмоқда.

Тиббиёт олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш янги дастурида амалий машғулотларга ўқув вақтини кўпайтириш, ишлаб чиқариш практикасини кенгайтириш, умумий назарий ва клиник фанларга ўқитиш вақти нисбатини ўзгартириш назарда тутилмоқда, ўқув вақтининг деярли 30 фоизи талабларга мустақил иш учун берилади.

Амалий билимларини намоён эта олмаган талаба врач эмас, ўрта тиббий ходим дипломини олади. Кадрлар тайёрлашдаўтказилаётган ислоҳот кўп босқичлиликни назарда тутади:

I босқич - бакалавр номини берган ҳолда умумий тиббий таълим (битишувчи врач ёрдамчиси бўлиб ишлаши мумкин). Даволаш, педиатрия, санитария-гигиена иши бўйича таълим 5 йил, стоматология, фармацевтика иши бўйича 4 йил амалга оширилади;

II босқич таълимнинг 6-7 йил-

**5.3-жадвал. Тиббиёт олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларига қабулнинг ўзгариши (минг киши)**




*Манба: Ўзистиқболстат*



www.ziyouz.com kutubxonasi

идан кейин олий ўқув юрти битирувчиси умумий тажрибадаги врач тайёргарлигига эга бўлади;

III босқич - мутахассисларни тайёрлаш 2-4 йил давомида амалга оширилади ва ўқиш тамом бўлганидан кейин магистр номи берилади ва битирувчилар ихтисослаштирилган муассасалар, стационарлар, диспансерлар, поликлиникалар, кабинетлар ва ҳоказоларда ишлашлари мумкин бўлади.

Соғлиқни сақлашнинг амалга оширилаётган ислоҳоти олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилишни 1991 йилдаги 4,8 мингдан 1995 йилда 1,5 минг кишига камайтириш имконини берди.

Айни пайтда ўрта тиббий ходимларнинг, айниқса соғлиқни сақлашнинг бошланғич босқичида ишлаши муҳимлигини ҳисобга олиб, ўрта тиббий ўқув юртларига қабул 1995 йилда 1991 йилга нисбатан деярли 2 минг кишига кўпайди.

Ҳозирги пайтда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш шароитларига мос бўлган ўрта тиббий ходимларни тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилмоқда.

### *5.2.3. Соғлиқни сақлашни бошқаришни марказлаштиришдан ҳоли қилиш*

Соғлиқни сақлашни бошқаришнинг асосан ҳудудий принципига ўтиш юзасидан катта иш олиб борилмоқда, у минтақавий хусусиятлар, демографик аҳвол, аҳоли саломатлиги ҳолатини ҳисобга олиш имкониятини беради. Соғлиқни сақлашни ресурс билан таъминлашнинг асосий ҳажми маҳаллий бошқарув органлари ихтиёрида бўлади. Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларига давлат корхоналари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ иш ҳақи фонди чегарасида пировард натижани ҳисобга олган ҳолда ходимлар иш ҳақи масаласини ҳал этиш ҳуқуқи берилган, лекин у кафолатланган энг оз иш ҳақи сифатида баҳоланадиган ягона тариф сеткаси ставкасидан кам бўлмаслиги керак.

Маъсулиятлари муассаса раҳбари ва ходимлар ўртасида меҳнатнинг контракт шакли, корхоналар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари билан ана шу муассасаларни ижтимоий ривожлантириш фондлари ҳисобига тиббий ёрдам қўшимча турларини кўрсатиш юзасидан шартномавий тизим кенг жорий этилмоқда.

### *5.2.4. Соғлиқни сақлашни пул билан таъминлашни ислоҳ қилиш*

Ҳозирги бозор ўзгартишлари шароитида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимини пул билан таъминлаш масалалари катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган ва давом этиб келаётган соғлиқни сақлашни пул билан таъминлашнинг давлат шакллари кўпроқлигининг афзалликлари ва камчиликларига бир хил баҳо бериб бўлмайди. Бир томондан, улар давлатнинг инсонпарварлик вазифаси намоён бўлиши, унинг соғлом авлодни ривожлантиришни таъминлашга интилиши ва шунинг учун соғлиқни сақлаш хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари оғирлигининг асосий қисмини зиммасига олиши тарзида кўринади. Иккинчи томондан, давлат томонидан пул билан таъминлашга кучли дэътибор бериш одамлар соғлиқни муҳофаза қилиш соҳасига сарфланадиган иқтисодий ресурслар оқимини чеклайди, мамлакат минтақалари, айрим фуқаролар, меҳнат жамоалари, турлари хил жамиятлар иқтисодий жавобгарлигини ошириш учун сунъий тўсиқларни вужудга келтиради, муассасалар ва мутахассисларнинг кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати учун масъулиятини пасайтиради.

Жаҳон тажрибасида бугунги кунда соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва пул билан таъминлашнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

учта асосий модели маълум:

Биринчиси - асосан аҳолининг шахсий маблағларидан пул билан таъминланадиган хусусий-суғурта соғлиқни сақлаш камбағаллар, қариялар ва аҳолининг бошқа ҳимояланмаган гуруҳларини даволаш, шунингдек ижтимоий эпидемияларга қарши ва профилактика эҳтиёжларининг оз қисмигина давлат ҳисобига пул билан таъминланади, яъни тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг асосий воситаси бозор ҳисобланади.

Бугунги кунда АҚШ суғурта қилишнинг ягона ижтимоий тизими йўқ бўлган ягона ривожланган капиталистик мамлакатдир, лекин шунга қарамай АҚШ ВНП сида соғлиқни сақлашга харажатлар улуши бошқа мамлакатлар кўрсаткичларидан юқоридир.

Иккинчиси - энг эътиборли ва кенг қўлланадигани - фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш воситасидан кенг фойдаланиб бозор имкониятларини давлат томонидан тартибга солиш билан қўшиб олиб боришга асосланган ижтимоий суғурта қилиш ва тармоқни пул билпн таъминлашнинг кўп каналли принципидир. Бунда давлат фуқаролар даромадлари даражасидан қатъи назар уларнинг тиббий хизматга бўлган ижтимоий зарур эҳтиёжларини қондиришда кафолатчи ролини ўйнайди.

Бу гуруҳ энг кўп сонли бўлиб, унга Германия, Бельгия, Люксембург, Голландия, Япония киради.

Учинчиси - тиббий харажатларни пул билан таъминлаш давлат бюджет суғуртаси орқали амалга оширилади, бунда суғурта бадаллари мажбурий солиққа тортиш шаклида тўпланади, тегишли маблағ эса бюджетнинг сарф қисмига "соғлиқни сақлашга" деган алоҳида сатр сифатида киради. Бу маблағларни тақсимлаш билан мустақил суғурта ташкилотлари эмас, давлат маъмурияти шуғулланади. Бундай тизимлар собиқ Иттифоқ республикаларида, Россия, Болтиқбўйи давлатларидан ташқари, Буюк Британия, Канада, Италия, Дания, Ирландия, Испанияда фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бу тизимлар собиқ СССРнинг давлатларидагидан камроқ марказлаштирилган бўлиб, тиббиёт муассасаларининг кўпроқ мустаўиллигини наназарда тутади.

Шарқий Европа мамлакатларидаги ва собиқ СССР нинг янги мустақил давлатларидаги ислоҳотларни таҳлил этишнинг кўрсатишича, соғлиқни сақлашни ёлловчилар ва

**5.4.-жадвал. Соғлиқни сақлаш бюджети умумий ҳажмида тиббий ёрдам пулли турлари ҳажми (фоизларда)**




*Манба: Ўзистиқболстат*

**5.5.-жадвал. Соғлиқни сақлашни пул билан таъминлаш структураси**






www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматчилар томонидан тўланадиган маблағлар ҳисобига пул билан таъминлаш аввалги тартиблар давридаги давлат томонидан пул билан таъминлашга ўхшамайди. Бунда истеъмолчига кўрсатилаётган тиббий хизматлар турининг кўплиги, шахс эҳтижларига ажратилаётган маблағларнинг ўзининг аниқлиги, давлат томонидан аралашиш имкониятларининг камайиши, тиббий ходимларни мукофотлаш учун кенгроқ имкониятлар мавжудлиги ижобий омиллар ҳисобланади.

Шу билан бирга тиббий-санитария суғуртасини жорий этиш қулай иқтисодий макби мавжуд бўлишини назарда тутади, чунки у ижтимоий эҳтиёжларга харажатларнинг ҳар қандай қисқаришидан жабр кўради.

Ишлаб чиқариш пасаяётган, пулнинг қадрсизланиши юқори бўлган, ижтимоий харажатлар чиқараётган шароитда тиббий суғурта тузимини жорий этиш "спиралнинг пастга қараб буралишига" олиб келади: ҳукуматлар масъулиятнинг бир қисмини зиммасидан олиб ташлаб, уни ўз навбатида олиб қолиш учун кураш олиб бораётган саноат корхоналарига беришга ҳаракат қилади.

Пировард натижада молиявий мажбуриятлар ҳукумат зиммасига тушади ва ҳамма ютқазади. Шуни ҳисобга олганда Чехия республикаси, Эстония, Венгрия, Россия

**5.6.-жадвал. Соғлиқни сақлаш бюджети структураси**




Федерациясида тиббий-санитари
суғуртасини жорий этиш кутилга
натижаларни бермади ва кўпимч
ресурслар келиб тушишини таъмин
лаш у ёқда турсин, ҳатто вужудг
келтирилган фоизларнинг ўз хара
жатларини ўзи қоплашни ҳам таъ
минлай олади.

Ғарбий Европа мамлакатлар
тажрибасининг кўрсатишича, су
урта қилиш ҳисобига пул била
таъминланаётган тиббиёт-санитари
ёрдами тизимил солиқлар ҳисоби
га пул билан таъминланадиган ти
зимларга нисбатан врачлар олади
ган мукофотнинг анча юқорилиг
(кўрсатилган хизматлар учун ҳа
тўлаш тизимини ҳисобга олга
ҳолда), маъмурий харажатларнин
анча юқорилиги, даволаш ёрдам
беришга ва тегишли равишда сал
матликни мустаҳкамлаш ва каса.
лик профилактикаси камроқ эъти
бор берилиши натижасида анч
қимматроқ бўлмоқда. Айни пай
да тиббий суғурта қилиш ҳисоби
пул билан таъминланадиган тизи
лар одатда бошланғич тиббий-сан
тария ёрдамининг номукаммал т
зимларига эга бўлади ва улард
умумий тажрибага эга бўлган вра
лар эмас, мутахассислар врачла
асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақла
тажрибасига жорий этилаётга
хўжалик юритишнинг янги мех
низми пул билан таъминлаш ка
лиги туфайли тармоқ олдига қўй
лган вазифаларни ҳал этишни тў
даражада таъминламайди. Тарм
фаолият кўрсатишининг ички м
ханизмини ташқи ижтимоий-иқт
содий омиллар, шу жумлада
хўжалик юритишнинг бозор ш
роитлари билан бир бутун қил
боғлаш имконини берадиган при
цим жиҳатидан янги ёндашув з
рур, ҳар бир фуқаронинг умум
мамлакат, шу жумладан уни
айрим ҳудудлари ривожланиш д
ражасига мос бўлган тиббий ёрд
олиш ҳуқуқини кафолатлаш кера

Соғлиқни сақлашни молияв
ислоҳ қилишнинг мақсади - бу а



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни учун ҳам, давлат учун ҳам иқтисодий фойдали бўлган аҳоли юқори малакаси ва сифатли ёрдам кўрсатиш йўлларини ишлаш ҳамда тармоқнинг фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборатдир.

Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, бюджетнинг аҳволи чатоқ бўлган ҳолларда соғлиқни сақлаш нормал фаолият кўрсатиши учун соғлиқни сақлашни пул билан таъминлашнинг давлат манбалари қаторида хусусий маблағларни ҳам жалб этиш зарур. Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни пул билан таъминлашнинг умумий ҳажмида бу манба 1990 йилдаги 1,5 фоиздан 1995 йилда 5,8 фоизга кўпайди.

Бироқ молиявий манбалар структурасида давлат ҳажми 80 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда.

Республика бюджети умумий ҳажмида соғлиқни сақлашга харажатлар салмоғи асосан тиббий ходимлар иш ҳақини ошириш ва нархларни индекслаш ҳисобига 1991 йилдаги 8,5 фоиздан 1994 йилда 10,5 фоизга кўпайди.

Бироқ пул билан таъминлашнинг камлиги ўтказилаётган тиббий тадбирлар - клиник диагностик аппаратлар, ускуналар, уларнинг эҳтиёт қисмларини, асбоблар, махсус автомобиль транспорти, дори-дармонлар сотиб олишда ёрқин ўз ифодасини топмоқда. Дорихоналарда улар миқдори анча кўпайган, лекин бир қанча ҳолларда уларнинг нархи аҳоли учун жуда юқоридир. Тиббиёт ходимларнинг иш ҳақи, стационарларда даволанаётган беморларнинг овқатланиши, дори-дармонлари, давлат касалхона муассасаларининг хўжалик харажатларини пул билан таъминлашни давлат ҳисобига амалга ошириш давом эттирилмоқда.

### *5.2.5. Бундан кейинги ҳаражатлар дастури*

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда қуйидагилар соғлиқни сақлашдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари бўлиши керак:

- мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- давлат томонидан кафолатланган бошланғич тиббий хизматлар асосий мажмуаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- соғлиқни сақлашдаги устун йўналишлар - бошланғич тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, касалликлар профилактикасига эътиборни кучайтириш;

**5.7.-жадвал. 1991 йилга нисбатан олға силжитилган умумий таълим мактаблари сонининг ошиши, фоизда**




- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида Қонун қабул қилиш.

### *5.3. 1995 йилда таълимни ривожлантиришнинг асосий устунликлари*

Инсоний тараққиёт ва таълим ўртасида мустаҳкам алоқа бўлиши аниқ-равшандир. Ўзбекистонга хос бўлган аҳоли таълим даражасининг юқорилиги - мамлакатнинг юксак ютуқларидан биридир.

Ўзбекистон - аҳолиси деярли мутлақ саводхон бўлган озгина ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Тегишли ёшдаги болаларнинг деярли 30 фоизи мактабгача таъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лим олади. Мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаммаси улар 4 миллион кишидан ортиқ, мактабга қатнайди. Ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тармоғи кенг ривожланган мамлакатнинг ҳар бир вилоятида ўрта махсус ва олий ўқув юртлари бор. Ҳар йили 600 минг киши мактабдан кейинги маълумотни амалга оширади. Ишлаб чиқаришда банд бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли кишилар салмоғи 1995 йилда 25,7 фоизга етди. Ўзбекистон учун хос бўлган умумий ўрта таълим олишнинг мутлақ мумкинлиги - инсоний тараққиёт ва камбағаллик олдини олишнинг муҳим омилидир.

Шу билан бирга ўтиш даври мураккабликлари билан изоҳланадиган молиявий чеклашлар туфайли таълимга харажатлар салмоғи ялпи ички маҳсулотда 1993 йилдаги 11 фоиздан 1995 йилда 9,9 фоизга камайди. Шу йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳам камайганлигини ҳисобга олиб, таълим учун ажратилган аниқ маблағлар унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва жорий эҳтиёжларни пул билан таъминлаш учун етарли эмас эди. Бунинг натижасали таълим тизимида мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртларини таъмирлаш, уларни зарур ускуналар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашга алоқадор кўпгина муаммолар мавжуд. Педагоглар иш ҳақининг нисбатан камлиги, бунинг оқибати сифатида малакали ходимларнинг кетиб қолиши алоҳида муаммо ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси таълим соҳасида ислоҳотларни жадаллаштириш зарурлигини белгилаб беради. Ўтиш давридаги энг кичик вазифа эришган натижаларни йўқотмаган ҳолда таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни янги ҳаётий воҳеликларга мослаштиришдан иборатдир. Лекин ҳозирнинг ўзида ўтиш давридан кейинги даврда таълимни ривожлантириш учун янги замин яратиш янада муҳимдир.

### *5.3.1. Умумий ўрта таълим сифатини ошириш*

Янги ўқув дастурлари ва дарсликларини ишлаб чиқиш таълим сифатини оширишда муҳим, лекин ягона жиҳат бўлмади. Республикада принцип жиҳатидан янги ўрта ўқув юртлари - гимназиялар, айрим фоизлар чуқур ўрганиладиган мактаблар тармоғи тез ривожланмоқда.

1991 йилдаги 799 та мактаб ўрнига 1995 йил охирига келиб айрим фанлар чуқур ўрганиладиган 3120 та мавжуд эди. Тегишли равишда 291 та лицей ва 16 та гимназия бор. Бу ўқув юртларида ўқувчиларнинг сони фақат 1995 йилда 205,7 минг кишига кўпайди.

Таълим муассасаларининг ўқув режалари, таълим шакллари ва усулларини ишлаб чиқишда эркинликка эга бўлганликлари принцип жиҳатидан янгилик ҳисобланади.

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг анъанавий усуллари билан бирга тест синовларидан ўтказиш тизими кенгроқ қўллана бошланди. Минтақавий ва республика даражаларида мактаб олимпиадалари ўтказилди.

Олий ўқув юртлари ҳузурида ташкилэтилган коллежларнинг янги тизими қисқа муддатларда юқори малакали ўрта бўғин мутахассисларини, айни вақтда шу йўналишдаги олий ўқув юртларига кириш учун контингентни тайёрлаш имконини беради.

Мактабгача тарбия, ўрта, ўрта махсус ва олий таълимнинг ишлаб чиқилган концепциялари асосида таълимнинг барча даражалари учун ўқув дастурларининг эскилари қайта кўриб чиқилмоқда, янгилари ишлаб чиқилмоқда. 1995 йилда мактабгача тарбия болалар муассасалари ва оилалар учун 17 номдаги ўқув-методик қўлланмалар, республика ҳудудида истиқомат қилувчи халқларнинг етти тилида 58 номдаги янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва умумий таълим



www.ziyouz.com kutubxonasi

мактаблари дастурлари ишлаб чиқилди ва нашрга тайёрланди, улардан 51 таси эълон қилишди ва ўқув юртларида фойдаланиш учун қабул қилинди.

### 5.3.2. *Олий таълим сифатини ошириш*

Ўзбекистонда олий таълим тизимида сифатни ошириш юқори сифатли ўрта таълим билан ҳам, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни хоҳлаганларни танлов асосида пухта танлаш билан ҳам боғланади.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида мактабдан кейинги таълимнинг принцип жиҳатдан турли схемаларидан фойдаланилади. Уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Улардан бири ўқишни давом эттиришни хоҳловчиларни "юмшоқ танлаш принципини қўллайди (ўрта мактабда муваффақиятли ўқиган ҳаммани деч қандай чеклашсиз қабул қилишгача). Бунда таълим жараёнининг ўзида таклиф этилаётган дастурларни ким ўзлаштиришга қодир, ким қодир эмаслигини қаттиқ танлаш амалга оширилади. Иккинчичи ўқув юртларига кираётганлар баъзан жуда мураккаб кириш тестларини топширишга мажбур бўлган "қаттиқ танлаш" принципини қўллайди. Кейинчалик таклиф этилаётган дастурларни ўзлаштиришга қодир бўлмаган талабаларнинг кетиб қолиши анча кам бўлади. Биринчи принцип таълимнинг тўла пулли схемасидан фойдаланиладиган мамлакатларда анча самаралидир. Тегишли равишда иккинчиси ўқитиш тўлалигига ёки қисман бюджет маблағлари амалга оширилган мамлакатларда самаралидир.

Ўзбекистонда ўрта махсус ва олий таълим олишнинг асосан бепул тизими амалга оширилгани учун, бу ерда "қаттиқ танлаш" принципи қўлланади.

Тест синовидан ўтказиш жараёнини такомиллаштириш учун республика умумий таълим мактаблари ва олий ўқув юртларининг энг яхши мутахассислари жалб этилади. Абитуриентлар билимларини тест синовидан ўтказиш тегишли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтазилади, ўтказилган тест натижалари компьютерда ишлов бериш учун республика тест марказига жўнатилади. Мамлакатнинг барча олий ўқув юртларига талабларни қабул қилиш ҳақидаги узилкесил қарор давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилинади.

Айни пайтда комиссия танлов бўйича анча обрўли марказий олий ўқув юртларига ўта олмаган, лекин нисбатан юқори балларга эга бўлган абитуриентларни бошқа олий ўқув юртлари, биринчи навбатда улар яшаётган жойлардаги минтақавий олий ўқув юртларига тавсия этиш ҳуқуқига эга.

Бевосита олий ўқув юртларида таълим сифатини ошириш учун билимларнинг доимий мониторинги ва талабаларнинг тайёрлигига асосланган модуль принципи жорий этилади. Агар аввал талабалар

**5.4.-қўшимча. Минтақаларда мутахассислар билан таъминланганлик муаммолари**

Мутахассислар билан таъминлашнинг худудий нотекислиги туфайли ҳозирги пайтда олий таълим доирасида ўқиётганлар сони аҳолининг ҳар 10 минг кишисига Тошкентда 461 талаба ва Самарқандда 106 талабадан Жиззах, Қашқадарё, наманган, сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида 40-55 талаба оралиғида ўзгариб турибди. бу вилоятларда илмий тадқиқотлар билан банд бўлган олимлар ва муҳандисларнинг умумий сони Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги илмий-тадқиқод институтларининг айрим йирик бўлинмаларида ишлаётган тадқиқотчилар ва муҳандислар сонидан ошмайди.

**5.5.-қўшимча. Мактаблар учун янги дарсликлар**

1996 йилга умумий таълим мактаб лари учун 97 номдаги ўқув-методик адабиётлар, қўлланмалар ва дастурлар, шу жумладан 22 номдаги янги дарсликлар нашр қилишга тайёрланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билими атиги икки марта - имтиҳон сессияларида текширилган бўлса, энди талаба бутун ўқув семестри давомида балл тўплаб боради, семестр охирида уларнинг йиғиндиси унинг рейтингини кўрсатади. Бундай ёндашувда имтиҳон сессияси талаб қилинмайди. Таълимнинг бундай схемаси талабларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнини мунтазам назорат қилиш, уларнинг мустақил ишлаши тизимини тартибга солиш имконини берибгина қолмасдан, шу билан бирга аввал имтиҳон сессиясига ажратилган камида икки ойни ўқув жараёнига қўшади.

Олий ўқув юртларидаги таълим жараёнида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқадиган янги фанлар жорий этилади. Компьютер техникаси кенгроқ жорий этилади.

Этика ва эстетика, дипломатик протоколи, амалий мулоқот этикаси ва психологияси, культрология бўйича машғулотларни жорий этиш аксарият олий ўқув юртларида таълимни инсонпарварлаштириш, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган мутахассисни тарбиялашга анча кўмаклашди.

### *5.3.3. Минтақавий марказларда олий ўқув юртлари тизимини ривожлантириш*

Четдаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни кадрлар билан таъминлашдаги нотекислик, шунингдек абитуриентларда республика марказий олий ўқув юртларига боришини қийинлаштирадиган молиявий муаммолар минтақавий марказларда олий ўқув юртлари тизимини ривожлантиришни талаб этди. Бу саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ноишлаб чиқариш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш оғирлик марказини марказдан бевосита минтақаларга ўтказиш имконини берди.

Шу мақсадларда аввал вилоят марказларида фаолият кўрсатган педигогика институтлари негизида мутахассислик ва касбларнинг кенг доираси бўйича кадрлаш тайёрлаш имконини берган университетлар ташкил этилди. Республикада университетлар сони 1990 йилдаги 3 тадан 1995 йилда 16 тага кўпайди.

Олий ўқув юртларида таълим сифатини ошириш "олий ўқув юртлари интеллектуал потенциали ва моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш учун олиб ўқув юртларининг собиқ минтақавий филиаллари коллежларга айлантирилди.

### *5.3.4. Ўрта ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш*

Бозор иқтисодиётига ўтиш, мулкчиликнинг хусусий шаллари ишлаб чиқаришини кенгайтириш шароитларида ўрта ҳунар таълими тизимини такомиллаштиришнинг ўткир зарурати пайдо бўлди. Бу муаммо қишлоқ жойлари учун аниқса ўткирдир.

Қишлоқда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, қишлоқ ёшларини фаол тадбиркорлик фаолилиятига жалб этиш учун 1995 йилдан бошлаб қишлоқ ерларида жойлашган ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятини тубдан қайта йўналтириш амалга оширилмоқда. Ҳар бир қишлоқ туманида улар базасида тадбиркорлик ўқув марказлари, касб лицейлари бизнес-мактаблар,

**5.6.-қўшимча. Мактабларнинг муаммолари**

Республика умумиц таълим мактабларининг учдан бир қисмидан кўпроғи типовой бўлмаган, мослаштирилган биноларда жойлаштирилган, уларнинг катта қисми қишлоқ жойларига тўғри келади. Қишлоқ ерларида жойлашган 7391 та мактабдан 2390 тасида телефон алоқаси, 2315 тасида водопровод суви, 5609 тасида канализация йўқ. Умумий таълим мактабларида ўқувчилар сони ошгани ҳолда ўқувчилар ўринларининг ошиши паст суръатлар билан амалга оширилмоқда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кичик ва ўрта бизнес, фермерлик хўжаликлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун кадрлар тайёрлаш бўйича коллежлар ташкил этилмоқда. Ҳозиргача 160 та шундай ҳунар лицейи ва бизнес мактаби, 41 та коллеж ташкил этилган бўлиб, уларда 112,3 минг киши ўқимоқда.

Ҳукуматнинг махсус қарори билан белгилаб қўйилдики, ана шу ўқув юртларида ишлаш учун шаҳарлардан қишлоқ жойларида доимий яшашга жўнаб кетаётган юқори малакали муаллимларга иш ҳаққи икки баравар кўпайтирилади.

### *5.3.5. Мактаб ўқувчилари ва талабаларни хорижда ўқитиш Халқаро ҳамкорлик*

Республиканинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги алоқалари кенгаймоқда. Бунинг натижасида ўқувчиларга ҳукуматлараро битимлар бўйича хорижий мамлакатларнинг нуфузли олиб ўқув юртларида маълумот олиш имкониятга таъминланган.

Ҳар йили республика умумий таълим мактабларининг тест синовларидан ўтган 50 дан зиёд ўқувчиси АКСЕЛС йўли билан АҚШга ўқишга юборилмоқда.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда талабаларнинг хорижий стажировкаларига ва қўшма корхоналар, фирмалар, суғурта ва аудиторлик компанияларида ишлаб чиқариш практикасидан ўтишларига катта аҳамият берилмоқда, уларда талабалар бозор шароитида иқтисодий механизмлар қандай фаолият кўрсатаётганини ўз кўзлари билан кўринлари мумкин.

Республиканинг етакчи олий ўқув юртлари Германия, Буюк Британия, АҚШ университетлари ва ҳоказолар билан мустаҳкам амалий алоқалар ўрнатишган.

Ҳозирча хорижда (Туркия, АҚШ, Миср, ХХР ва бошқа жойларда) доимийлик асосида мамлакатимизнинг оз талабаси (қарийб 700 киши), улардан деярли 60 фоизи иқтисодий ихтисослар бўйича ўқимоқда. Бир неча минг талаба хорижий олий ўқув юртларида қисқа муддат (3 ойдан бир йилгача) ўқиш имкониятига эга. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида хорижий мамлакатлардан, шу жумладан МДҲ мамлакатларидан 5,3 минг киши таълим олмоқда.

БМТ ва Европа Иттифоқи Комиссияси, Жаҳон банки ва унинг иқтисодий ривожланиш институти каби халқаро ташкилотлар хўжалик юритишнинг бозор шароитлари соҳасида муаллимлар ва давлат структуралари мутахассисларини жадал тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласида республикамизга катта ёрдам кўрсатмоқда. Улар ўтиш даври долзарб муаммолари ва бозор шароитида хўжалик юритиш ва бошқариш усулларини ўрганиш бўйича ўқув-амалий семинарлар ўтказишмлқда.

МДҲ мамлакатларига техник ёрдам кўрсатиш (TACIS) доирасида Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан республикада "Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази", "Амалий алоқалар маркази", "Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш агентлиги" ташкил этилди.

Ана шу дастур доирасида 1994 йилдан буён Тошкент шаҳрида банк мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун минтақавий банк ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда.

АҚШнинг халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) икки йилдан буён махсус ўқув курслари, шужумладан бозор иқтисодиёти бўйича курслар ўтказмоқда. Ана шу дастур доирасида АҚШ да республиканинг иқтисодиёт ва молия, солиқ сиёсати, инвестициялар ва менежмент соҳасидаги бир неча юз мутахассиси тайёргарликдан ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ЮНИДО



www.ziyouz.com kutubxonasi

(БМТ) ва республика давлат мулки қўмитаси билан биргаликда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бизнес-инкубаторлар ташкил этилди, шунингдек Бухоро ва Андижон шаҳарларида ана шундай инкубаторлар ташкил этиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Республикада хусусийлаштириш ва акционерлаштириш соҳасида профессионалларни тайёрловчи биринчи ўқув юрти ҳисобланган ташкил этилган қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш Миллий Марказларида машғулотларни АҚШ, Лондон фонд биржасининг машҳур консалтинг фирмалари мутахассислари ўтказишмоқда.

## 5.4. Таълимни ислоҳ қилишни давом эттиришнинг асосий устунликлари

### 5.4.1. Қишлоқ умумий таълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

Республика қишлоқ туманлари умумий таълим мактабларида мактаб ўқувчилари умумий сонининг 68 фоизи ўқишини ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муаммоси ғоят долзарб ҳисобланади. У катта эътибор бериш ва катта миқдордаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағни сарфлашни талаб этади. Бу муаммони ҳал этиш қишлоқ жойларида инсоний тараққиёт, камбағаллик олдини олишнинг муҳим омили ҳисобланишини эътиборга олиб, ҳукумат 1996-2000 йиллар орасидаги даврда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришнинг махсус дастурига қишлоқ умумий таълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш шароитларини яхшилаш чораларини қўшиш ҳақида қарор қабул қилди.

### 5.4.2. Иқтисодий таълимни такомиллаштириш

Республика бозор иқтисодиётини шакллантириш, унинг жаҳон хўжалик муносабатларининг тўлақонли субъекти сифатида таркиб топиши даврида иқтисодий кадрлар тайёрлаш тизимининг самарадорлиги ва бутун аҳоли умумий иқтисодий маданиятини ошириш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг бозор шароитларида ишлашга қодир бўлган иқтисодий соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун республикада муайян чоралар кўрилди:

- агар 1991 йилда республикада фақат учта ихтисослаштирилган иқтисод олиб ўқув юрти бўлган бўлса, ҳозир 6 та ана шундай олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда, 57 та олий ўқув юртидан 24 тасида ана шу соҳа мутахассислари тайёрланмоқда;
- 1991 йилда иқтисодий фанлар 57 та техникумдан 26 тасида ўқитилган бўлса, ҳозирги пайтда 47 тасида ўқитилмоқда.
- олий ўқув юртларига умумий қабулда иқтисодий соҳа мутахассислари салмоғи 1991 йилдаги 9,6 фоиздан 1995 йилда 16,9 фоизга, ўрта махсус ўқув юртлари бўйича 13,2 фоиздан 16,7 фоизга кўпайди;
- барча ўқув юртлари ўқув дастурларида иқтисод асослари, бизнес, маркетинг бўйича фанлар ўрганишга қўшимча вақт ажратилган;
- ҳар йили 144 мингдан зиёд раҳбар ва мутахассис ўз малакасини оширмоқда ҳамда қайта тайёргарликдан ўтмоқда, уларнинг катта қисми бозор иқтисодиёти дастури бўйича малакасини оширмоқда;
- жорий этилган янги классификаторда олий ўқув юртларига 28 та умумиқтисодий ва муҳандис-иқтисодчи мутахассисликлар ўрнига 7 йўналиш бўйича 60 та мутахассислик киритилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига иқтисодий мутахассисликлар бўйича қабул кўпайганига қарамай, улардан бир қанчаси, шу жумладан солиқлар ва солиққа тортиш, молия ва кредит, маркетинг, менежмент, божхона ва суғурта иши бўйича эҳтиёжларнинг қондирилиши 20-30фоиздан камроқни ташкил этади.

### *5.4.3. Янги ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш*

Ҳозирги пайтда дарсликлар, ўқув-методика адабиётлари, ўқув-кўргазмали қўлланмаларга бўлган эҳтиёж мактаб дастури бўйича ишлаётган ўқув юртларида 73 фоизга, ҳунар-техника билим юртларида 78 фоизга, ўрта махсус ўқув юртларида 68 фоизга, олий ўқув юртларида 70 фоизга қондирилмоқда. Фақат умумий таълим мактабларида 27 мингта дарслик етмаяпти яъни ҳар тўрт ўқувчидан бири дарсликлар тўла тўпламига эга эмас. Айни пайтда республика ўқув юртларидаги китоб фондининг ярмидан кўпи маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган. Кейинги йилларда республикада мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ўқув ва бадиий адабиёт деярли нашр эттирилмаяпти.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш муаммолари қуйидагилар билан боғлиқдир:

- матбаа корхоналари моддий-техника базаси даражасининг пастлиги (республика ва вилоятлар босмахоналари бўйича машиналарнинг деярли 50 фоизи меъёрдагидан икки баравар ортиқ муддатдан буён фойдаланиб келинмода, асосий фоизларнинг эскириши деярли 70 фоизни ташкил этади;
- республикада ўз қоғоз, бўёқ, муқова ва бошқа манбаа материаллари ишлаб чиқариши, ускуналар эҳтиёт қисмларининг йўқлиги;
- республикадаги таълимнинг нодавлат тили мактаблари (ўқишлар рус, қозоқ, қирғиз,тожик, туркман тилларида олиб бориладиган мактаблар) учун собиқ СССРнинг бошқа давлатларидан бир қанча дасрликларни сотиб олиш имкониятининг йўқолгани ёки улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги.

Шу билан бирга ўқув юртларини дарсликлар билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш олдидан қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

- аввал ҳукмрон бўлган мафкуравий догмалардан воз кечилганини назарда тутиб, гуманитар фанларнинг аксарияти: умумий, янги ва энг янги тарих, жамиятшунослик, фалсафа, иқтисодиёт, ҳуқуқ, сиёсатшунослик ва ҳоказолар бўйича таълим мазмунини қайта кўриш;
- Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганини ҳисобга олиб бир қанча фанлар: Ўзбекистон тарихи, иқтисодий география, табиатшунослик, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ҳоказолар бўйича таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш;
- ўқув дастурлари ва дарсликларни ўз мазмуни, материални баён

**5.8.-жадвал. Давлатнинг таълимга харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан фоизда**






www.ziyouz.com kutubxonasi

этиш шакллари ва усуллари бўйича жаҳоннинг энг яхши стандартларига яқинлаштириш;

- ўқув дастурларини ўқув жараёнини идеологиядан ҳоли қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш. Яъни ўқув жараёнидан идеология фанларини чиқариб ташлаш;
- янги, аввал республикада ўқитилмаган фанлар: маркетинг, менежмент, биржа фаолияти, қимматли қоғозлар бозори ва ҳоказолар бўйича янги дарсликлар яратиш ёки жаҳон тажрибасида фойдаланиладиган дарсликларни таржима қилиш;
- мактаб ўқув дастурини соддалаштириш ва рициональлаштириш, таълимнинг дисплей ва аудиовизуал усулларини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш юзасидан чоралар кўриш;
- янги лотин графикасини ҳисобга олган ҳолда дарсликлар яратиш;

### *5.4.4. Таълимнинг уч босқичли тизимига ўтиш ва янги таълимий стандартлар*

Ҳозирги пайтда республикада давлат таълимий стандартларини такомиллаштириш олий ўқув бртларида бакалавриат ва магистратура тизими бўйича таълимнинг уч даражаси тизимига ўтиш юзасидан иш давом эттирилмоқда.

База олий таълим дастури тўрт йилда амалга оширилади ва фундаментал тайёргарликни олиш ҳамда талабалар томонидан бакалавр даражасида касб билимлари асосларини ўзгартиришни назарда тутади. Бакалавр дипломи фаолиятнинг танланган йўналиши бўйича ишлашгина эмас, шу билан бирга таълим тизимининг олий босқичида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини ҳам беради. Шундан кейин махсус таълим олий маълумотли дипломли мутахассисларни (ўқиш муддати 1-2 йил) ёки фанлар магистрини (дастлабки мутахассис бўлажак фаолиятининг асосан тадқиқот тусида бўлишини назарда тутади) тайёрлашни назарда тутади.

### *5.4.5. Таълимни пул билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш*

Таълим ва унда ўтказилаётган ислоҳотларни пул билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш муаммоси маблағлар ғоят тақчил бўлган ва республикада макроиқтисодий ўзгаришлар рўй бератган шароитда энг муҳим ва мураккаб ҳисобланади.

Ўтиш даврининг молиявий оқибатлари, республикада нархларнинг эркинлаштирилиши бир қанча муаммоларни ўткирлаштирди ва таълим тизимига салбий таъсир кўрсатди. Аксарият ўқув юртларида бинолар, иншоотларни сақлаш, ускуналарни сотиб олиш, янгилаш ва таъмирлаш учун маблағ ниҳоятда етмаяпти.

Вужудга келган вазиятда пул билан таъминлашнинг янги манбаларини излаш, шунингдек мавжуд маблағлардан оқилона фойдаланиш зарурати етилди.

Таълимга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфи оқилона нисбатини белгилаш, шунингдек албатта бюджет томонидан пул билан таъминлашни талаб қиладиган сарф-харажат моддаларини аниқлаш таълим соҳасини пул билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан таълимга харажатларнинг бир қисмини корхоналар ва ташкилотлар, талабаларнинг ўзлари ва уларнинг мутасаддиларига ўтказиш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар кўрилди. Таълимга молия харажатларини марказий бюджетдан муниципал бюджетга қайта тақсимлаш олиб борилмоқда.

1995-1996 ўқув йилида олий ўқув юртларига кирган талабаларнинг ўртача 20 фоизи талабалар ёки уларнинг ҳомийлари томонидан



www.ziyouz.com kutubxonasi

таълим барча харажатларининг 20 фоизини албатта қоплайдиган қилиб пулли-контракт асосида қабул қилинди. Корхоналар, концернлар, корпорациялар томонидан ўқишга юборилаётган талабаларни уларни ўқитиш харажатларини тўла қоплаш шароитида мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат берилди.

Олий ўқув юртларига турли пулли хизматлар кўрсатиш ва олинган маблағларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда муаллимлар меҳнатига ҳақи тўлашни оширишга сарфлаш ҳуқуқи берилган.

Шу билан бирга қисман пулли таълимга ўтиш жараёни ўрта ва камбағал табақалар вакилларига ўқиш имкониятларини қисқартирмаслик учун эҳтиёткорликни талаб қилади. Таълимий кредитларни олиш ва қоплаш, аҳолининг камбағал табақалари ва истеъдодли ёшларга имтиёзлар беришнинг самарали механизмлари вужудга келтирилиши керак.

### *5.4.6. Умумий таълим мактаблари ва олий таълим учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш*

Ҳозирги пайтда республика умумий таълим мактабларида тегишли олий ва ўрта махсус педагогига маълумотига эга бўлган 61,4 минг ўқитувчи етишмайди (5,7 минг бошланғич синф, 15,8 минг чет тиллар, 0,8 минг тарих ва ҳуқуқ, 10,4 минг меҳнат таълими, 22,9 минг жисмоний тарбия, 3,3 минг рус тили ва адабиёти, 2,5 минг бошқа фанлар ўқитувчилари).

Асосий сабаб ўқитувчилар иш ҳақининг пастлиги бўлиб, ёш мутахассислар таълим соҳасида ишлашга иштиёқ билан бормаяптилар, кўпгина малакали мутахассис-муаллифлар эса тижорат структураларига ишга жойлашмоқдалар.

Вужудга келган ҳолат 1996 йилда жорий этилган пенсия олишни чеклаш муносабати билан пенсия ёшидаги педагогларнинг кетиб қолиши билан оғирлашмоқда. Умумий таълим мактабларидан пенсия ёшидаги ўқитувчиларнинг чиқиб кетиши йилига тахминан 23 минг кишини ёки ўқитувчи кадрлар умумий сонининг 5 фоизини ташкил этади. Ўқув юртларида, биринчи навбатда умумий таълим мактабларида педагогларнинг етишмаслиги ўқитувчи кадрлар тайёрлашга ихтисослашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабулнинг камайиши билан ҳам изоҳланади (1990 йилдаги 61,3 минг кишидан 1995 йилда 19 минг кишига камайган).

Ҳисоб-китобларга кўра республика олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларидан ўқитувчиларни ҳар йили чиқариш 2000 йилга бориб ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни 60-65 фоиз, бугунги кунда тақчил бўлган мутахассисликлар бўйича 40 фоиздан камроқ қондириши мумкин. Бу оқибат натижада ёш авлодни ўқитиш сифатига ва умуман мамлакат таълим потенциал ҳолатига таълим потенциали ҳолатига таъсир кўрсатади.

Республика олий ўқув юртларида муаллимлар ўртасида фан докторлари ўртача атиги 5 фоизни, фан номзодлари 40 фоизни ташкил этади, ўрта махсус ўқув юртларида 5 фоиздан кўпроқ муаллим олий маълумотга эга эмас.

Умумий таълим мактабларига янги киритилган фанлар - иқтисодиёт асослари, ҳуқуқ ва тадбиркорлик бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш таъминлаш етарли эмас.

Муаммони ҳал этиш учун ва уларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни амалга оширадиган педагогика институтларининг кам қувватлилигини назарда тутиб, унивеситетларнинг педагогик мутахассислари талабаларига иқтисодиёт асослари ва тадбиркорлик бўйитча қўшимча ихтисос олиш имкониятини бериш ҳақидаги масалани ҳал этиш, университетлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳузурида ишлаб турган ўқитувчиларни ана шу йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш зарур.

Давлатда мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланиш асосида муаллим касби нуфузини ошириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, биринчи навбатда муаллимлар меҳнатини рағбатлантиришни таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# 6-боб. Кам бағаллик ва ижтимоий ҳимоя

### *6.1. Камбағаллик тушунчаси*

Шунинг учун 1995 йил март ойида Копенгагенда бўлиб ўтган ижтимоий ривожланиш бўйича Халқаро Саммитда унинг қатнашчилари бўлган барча мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз мамлакатларида камбағалликни бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўриш юзасидан зиммаларига мажбуриятлар олганликлари бежиз эмас. Шу аснода БМТ Бош Ассамблеяси 1996 йилни камбағалликни бартараф этиш Халқаро йили деб эълон қилди.

Камбағаллик қандай қиёфага эга? Биз ҳар бир мамлакатда ўз қиёфасига эга деб айтишдан қўрқмаймиз. Кўпгина умумий белгилари бўлишига қармай, Америкада ўзини камбағал деб ҳисоблайдиганлар одам Мексика, Эфиопия, Бразилия, Швеция ва Жаҳоннинг исталган бошқа мамлакатидаги камбағал одамдан албатта фарқ қилади.

Иши, турар жойи бўлмаган, кўп болали ёки ота ёхуд она йўқ бўлган оилалардаги кишиларни ва бошқаларни камбағаллар деб ҳисоблаш қабул қилинган. Лекин ҳар бир ишлаётган камбағалми? Аксинча, ҳар бир ишлаётган камбағал эмасми? Ҳар бир кўп болага эга бўлган киши камбағалми? Аксинча, кўп боласи бўлмаган киши камбағал эмасми? Камбағаллик нима - у объектив категориями ёки субъекти категориями?

Буларнинг ҳаммаси шунчаки саволлар эмас. Бугунги кунда Ўзбекистонда камбағаллик кўп жиҳатдан бошқа мамлакатларга ўхшамаган ўз қиёфасига эга.

Камбағаллик чегараси мезонларининг йўқлиги аҳолини бойроқ қилиб қўймайди. Бундай шароитда аҳолини "камбағаллар" тоифасига кириш мезонини танлаш ғоят мураккаб бўлди.

Камбағалликни белгилашга ёндашишда учта турли ёндашув мавжуд. Биринчи, энг кўп қўлланадиган ёндашув - жон бошига даромадлари даражасиога асосланиб камбағалликни белгилаш. Даромадлар даражаси яшашнинг энг кам даражаси (энг кам истеъмол саватчи) билан таққосланади. Ана шу даромадлар энг кам даражаси кейинчалик "камбағаллик чегараси" ни белгилаш учун база бўлиб қолади. "Камбағаллик чегараси"дан паст даромадга эга бўлган киши камбағаллар тоифасига киради.

Тажрибада даромадлар бўйича камбағалликни турли усуллар, аҳоли жон бошига энг кам даромадлар бўйича, аҳоли жон бошига энг кам харажатлар бўйича оилага тўғри келадиган мулкнинг энг кам миқдори бўйича (оила даромадлар бўйича камбағал бўлиши, лекин мулк бўйича камбағал бўлмаслиги ёки ҳатто бой бўлиши мумкин), аҳоли жон бошига овқатланишга харажатлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган камориялар даражаси бўйича аниқлаш мумкин. Усуллардан бири бошқаларидан яхши бўлиши шарт эмас. Лекин камбағаллик даражасини баҳолаётганда улар турли натижа бериши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Камбағалликни белгилашга иккинчи ёндашув - бу ҳар бир кишидаги мавжуд қобилиятларни рўёбга чиқаришнинг мумкин эмаслиги. Бу ҳолда даромадлар одамларга ўз қобилиятларини ривожлантириш имконини берадиган воситагина бўлиб қолади. Пировард мақсад даромадлар эмас, умрнинг

> *Ҳозирги жамиятнинг асосий иллатларидан бири камбағаллик ҳисобланади. Жаҳондаги биронта ҳам мамлакат, ҳатто энг бой мамлакат ҳам бундан қутила олмади.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқлиги, саломатликнинг яхшилиги, жаҳон билим манбалари билан танишиш имконияти ва ҳоказолар ҳисобланади. Бундай ёндашувда одамлар агар улардаги мавжуд потенциални ривожлантиришда бирон-бир сабабга кўра улар имкониятлари чекланган бўлса, камбағаллар тоифасига киради.

Бир концепцияга асосланиб, одатда аҳолининг "заиф гуруҳлари" деб номланган гуруҳлари ажратиб кўрсатилади, улар вужудга ҳолат туфайли потенциал имкониятлари чеклангани муносабати билан камбағалликка энг мойил бўладилар. Улар қаторига ногиронлар, ёлғиз оналар, етим болалар, кекса кишилар ва ҳоказолар киради.

Учинчи концепция ўз даромадлари даражаси, потенциалини ривожлантириш имкониятлари, турмуш даражасининг бошқа хусусиятлари бўйича уларнинг атрофдаги одамлар ва ушбу жамиятда қабул қилинган нормалардан сезиларли фарқ қиладиган кишиларни камбағаллар қаторига қўшади. Бу концепцияда камбағал бўлиш ушбу жамиятдаги мақбул стандартлардан паст бўлишни билдиради. Одам унга даромадлар етишмаётгани ёки у ўз қобилиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлмагани учун эмас, у бу борада атрофини ўраб турган бошқа одамларга нисбатан чекланганлиги туфайли камбағал бўлади.

Нисбий камбағаллик ҳар қандай жамиятда мавжуд ва айрим назарияларга кўра ҳатто ана шу тоифага мансуб одамларни юқорироқ меҳнат натижаларига, ҳаётда муваффақиятга эришишга бўлган ниятларини авж олдирадиган зарур ҳол ҳисобланади. бундай нуқтаи назар ижобий потенциални ривожлантириш учун ижтимоий адолат ва рақобат муҳитини вужудга келтириш ғояларини қанчалик жамлагани ҳақида бир хил гапириш қийин. Шу билан бирга нисбий камбағалликнинг чегаралари шунда ҳаракатчандир. Улар кўпгина омиллар: мамлакатнинг иқтисодий аҳоли, ўтказилаётган давлат иқтисодий ва ижтимоий сиёсати, аҳоли психологиясининг ўзгариши ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Биз қашшоқлик деб номлашга одатланиб қолган мутлақ камбағаллик бошқа гап. Бу шундай ҳолатки, у одамни камситади, у қашшоқликни тобора иложсизлик нуқтасига олиб бориш хусусиятига эга, у амалда бундай ҳолатдан чиқиш йўлини кўрсатмайди ва вужудга келтирмайди.

**Нисбий камбағалликни қисқартириш, мутлақ камбағалликни бартараф этиш керак.**

Ҳарқандай давлатнинг сиёсати асосан шунга қаратилиши керак

## *6.2. Ўзбекистонда "кабағал одам" нинг ижтимоий қиёфаси*

### *6.2.1. Нисбий камбағаллик*

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида камбағаллик муаммосининг кўпгина тадқиқотлари камбағаллик - бу собиқ социалистик мамлакатлар учун янги ҳодиса бўлиб, у ўтиш даврининг қийинчиликлари ва таркиб топган алоқаларнинг узилиши билан вужудга келган деб ҳисобланмоқдалар. Айрим мамлакатлар учун бу тўғри бўлиши ҳам мумкин. Бироқ Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан бу бошқача тусдадир. Идеология догмалари ўз вақтида СССР да камбағал одамлар мавжудлигини тан олиш имкониятини бермасди. Уй хўжаликларининг бюджет тадқиқотлари ўтказилган бўлса ҳам, олинган натижалар ҳақидаги ахборот махфий бўлиб, чекланган доирадаги одамларгина танишишлари мумкин эди. расмий статистика ишларнинг реал аҳволини бўяб кўрсатарди.

Аҳвол эса шундай эдики, масалан Ўзбекистонда СССР таркибида бўлган ҳамма йиллар давомида қишлоқ аҳолисининг катта қисми



www.ziyouz.com kutubxonasi

**6.1-жадвал. Жаҳоннинг айрим мамлакатларда мутлақ камбағалликнинг қиёсий хусусиятлари**

| давлат-ларнинг номи | қашшоқлик шароитида яшаётган аҳоли улуши фоизларда 1992 йил | | ижтимоий ҳимоялаш бўйича бюджет харажатлар улуши ялпи ички даромадга нисбатан фоизларда 1992 йил | аҳоли жон бошига тузатиш киритиш киритилган ялпи ички даромад $ 1992 йил |
|---|---|---|---|---|
| | Шаҳар | Қишлоқ | | |
| Аргентина | 15 | 20 | ... | 5242 |
| Уругвай | 10 | 23 | 7.5 | 5182 |
| Венесуэла | 30 | 42 | 1.1 | 5237 |
| Мексика | 23 | 43 | 1.5 | 5213 |
| Таиланд | 7 | 29 | ... | 5178 |
| Малайзия | 8 | 23 | 0.5 | 5223 |
| Бразилия | 38 | 66 | 4.6 | 5142 |
| Шри Ланка | 15 | 36 | 2.0 | 2850 |
| Пакистан | 20 | 31 | ... | 2890 |
| Индия | 38 | 49 | 0.5. | 1230 |
| Узбекистан* | 8 | 19 | 4.4 | 2650 |

кўпгина мезонлар бўйича камбағал одамлар тоифасига киритилиши мумкин эди.

Фақат ошкоралик даври - 80-йилларнинг охирида собиқ СССР да камбағалликдек ҳолат мавжудлигини кенг тан олиш мумкин бўлди. Оиласининг ҳар бир аъзосига ўртача жон бошига тўғри келадиган даромад белгиланган энг оз иш ҳақидан кам бўлган оилалардаги кишиларни камбағал деб ҳисоблашарди. Ана шу мезон бўйича Ўзбекистонда яшаётган барча кишиларнинг 44 фоизи камбағаллар тоифасига киритилди.

Ўзбекистонда камбағаллар тоифасини ташкил этган аҳоли асосан қишлоқда яшовчи кишилар ва "заиф гуруҳлар" деб номланган - пенсионерлар, етимлар, бевалар, ёлғиз оналар, ногиронлар ҳисобига таркиб топган эди. "Заиф гуруҳлар"га нисбатан давлат пенсиялар ва турли хил нафақалар ҳисобига махсус қўллаб-қувватлаш ижтимоий дастурларини ишлаб чиқар эди.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, камбағаллар тоифасига тааллуқли бўлган одамларнинг аксарият кўпчилиги ишга ёки даро мадларнинг бошқа манбаларига эга бўлган, соғлиқни сақлаш ва таълим олишнинг бепул хизматларидан фойдаланган. Яъни ана шу 44 фоиз аҳолининг кўпчилиги ҳақида нисбий камбағал кишилар сифатида гапириш мумкин.

"Қайта қуриш" давомида пулнинг қадрсизланиши юқори бўлгани муносабати билан нисбий камбағаллар сони жадал ошиб борди ва 1991 йилга келиб бутун аҳолининг камида 75 фоизини камбағалларнинг ана шу тоифасига киритиш мумкин эди.

Ўша даврида пулнинг қадрсизланиши натижасида тез қадрсизланиб бораётган жорий даромадларнинг пастлиги, истеъмол бозорининг тақчиллиги туфайли асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг сотиб олишнинг мураккаблиги, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол даражасининг пастлиги, ёғлар ва оқсил моддалар ўрнига кўпроқ уг-

*Ўзбекистонда мутлақ камбағалликнинг кенг оммалашиши кузатилмайди*



www.ziyouz.com kutubxonasi

6.1-жадвал Ўзбекистонда умумий жиноятчиликнинг ўзгариши




*Мамлакатда жиноятчилик даражаси сезиларли равишда пасаймоқда*

леводлар истеъмол қилишнинг ғоят ноοқилона структураси, оналар ва болаларнинг, шу жумладан етарли ва оқилона овқатланмаслик ва атроф-муит шароитлари оқибати сифатидаги ўлим даражаси юқорилиги нисбий камбағалликнинг асосий белгилари ҳисобланарди.

Мамлакатда жиноятчилик даражаси сезиларли пасаяётганлиги яна бир далил ҳисобланади. Агар содир этилаётган жиноятлар ўсишининг энг юқори чўққиси 1992 йилга (93626 та) тўғри келган бўлса, 1993 йилда улар 90022 тага, 1994 йилда 73561 та ва 1995 йилда 67026 тагача камайди. 10 минг киши ҳисобига содир этилаётган жиноятлар сони 1995 йилда мамлакатда ўртача 30 тага тўғри келди, ваҳолангки Россияда 184 та, Украинада 118 та, Беларусда 101 та, Қозоғистонда 98 тага тенг эди.

Айни пайтда нисбий камбағалликка одамлар янги тоифаларининг жалб этилиши, шунингдек пул ишлаб топиш қийинлашгани камбағалликнинг аслида бўлганидан кенг оммалашган деган ҳиссиётни вужудга келтирди.

Ислоҳотлар ижтимоий қийматини юмшатиш учун улар ўтказила бошлаган пайтданоқ Ўзбекистон ҳукумати томонидан аҳолининг барча табақалари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, соғлиқни сақлаш, таълим хизматларига кафолатли эга бўлиш таъминланди. Шу вақтга келиб мамлакатда яшовчи барча кишилар аввал давлат квартиралари бўлган турар жойларининг мулк эгаси бўлишди. Квартиралар мулк қилиб ғоят паст рамзий нархларда сотилди, кўп холларда бепул берилди. Давлат оммавий ишсизликнинг кўпайишига йўл қўймади.

Барча фактлар шундан далолат бериб турибдики, нисбий камбағаллар уларнинг жорий даромадлари кўпайган ҳолда бу тоифадан чиқиш ва энг камида ўртача фаровонлик даражасида"ги одамлар тоифасига ўтиш учун потенциал имкониятларга эга.

### *6.2.2. Мутлақ камбағаллик*

Нисбий камбағалликка нисбатан кўпинча одамларга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан вужудга келган мутлақ камбағаллик энг кўп хавф уйғотади. Ҳар қандай жамиятда айрим оилалар кутилмаган воқеалар (боқувчисининг ўлими, ишсизлик, меҳнат қобилиятини

6.2.-жадвал. Республика минтақаларида жиноятчилик даражаси (10 минг кишига)






www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқотиш, ҳосилнинг нобуд бўлиши ва бошқалар) олдида ғоят заифдирлар.

Мутлақ камбағалликни ҳам, нисбий камбағалликни ҳам баҳолаш осон эмас. Масалан, бошқа ҳар қандай мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ёрдамчи хўжалик ҳисобига натурал истеъмол улушини аниқ баҳолаш ғоят қийиндир. Бундан ташқари бошқа мамлакатларда амал қилаётган даромадни декларациялаш тизими Ўзбекистонда ҳали яхши ишлаб чиқилмаган, уй хўжаликларини текшириш асосида даромадларнинг барча манбаларини ҳисобга оладиган механизм ҳам ишлаб чиқилмаган.

Бу шароитларда ғоят муҳтож бўлган (мутлақ камбағал) одамларни белгилаш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар зиммасига юкланган. Уларни текшириш натижаларига кўра республикада ҳар ойда қарийб 550 минг ғоят муҳтож оила аниқланмоқда. Бу республикада истиқомат қилаётган оилалар барча сонининг 12 фоизини ёки мамлакатда яшовчи барча кишиларнинг 13-15 фоизини ташкил этади. Ҳар бир оила уч ой давомида энг оз иш ҳақининг 1,5 баравардан 3 бараваригача миқдорда пул нафақаси олиш ҳуқуқига эга. Бу муддатли тамом бўлганидан кейин оиланинг моддий аҳволига боғлиқ ҳолда нафақани тўлаш навбатдаги уч ойга давом эттирилиши ёки тўхтатилиши мумкин. Йил давомида ҳеч бўлмаса бир марта ушбу дастур билан қамраб олинган оилаларнинг салмоғи қарийб 20 фоизни ташкил этади. Кутилганидек мутлақ камбағалларнинг энг кўп миқдори қишлоқда яшайди.

Боланинг туғилиши нисбатан паст жорий даромад шароитида оилалар даромадларининг пасайиши ва камбағаллар сонининг эҳтимол кўпайишига жиддий таъсир кўрсатади. танлаб текшириш маълумотларига кўра бола туғилиши билан оила аъзосига даромадлар даражаси 25-30 фоиз пасаяди. Шунинг учун оилани режалаштириш муаммоси Ўзбекистон учун долзарбдир.

Камбағалларнинг аҳволи улар даромадлари ўзгаришидан қатъи назар ёмонлашиши мумкин деган хавф бор. Таълимга харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1992 йилдаги 11,6 фоиздан 1995 йилда 9,9 фоизга, соғлиқни сақлашга харажатлар 5,5 фоиздан 5,2 фоизга қисқарди. Бу пасайиш ялпи ички маҳсулот ҳажми умумий пасайиши вазиятида рўй берди, мазкур соҳаларда аҳвол иқтисодиётнинг бошқа секторларидагидан кучлироқ ёмонлашганидан далолат беради. Бу тамойилни давом эттириш келажакда камбағалликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

### *6.2.3. Даромадларни тақсимлашдаги тенгсизлик*

Совет даврида одамлар даромадида тенгсизлик унча катта бўлмаган деган фикр мавжуд. Кўкларга кўтариб мақталган "камбағалликдаги тенглик" ҳақидаги афсона кўпинча социализм ғояларига қарши далил сифатида учрайди. Идеология догмаларини улоқтириб ташлаб шуни тан олиш керакки, аслида собиқ СССР да даромадлари, турмуш дарадаси ва тарзи тенг келтиришга муваффақ бўлинмади. Афсуски, турмуш даражасини ошириш ва сифатини такомиллаштиришнинг тенг имкониятларига эга бўлган жамиятни ҳам вужудга келтиришга муваффақ бўлинмади. Аҳолининг асосий оммасини даромадлари даражаси бўйича ўрта табақага киритиш мумкин бўлгани ҳолда, мутлақ камбағаллар ҳам, шунингдек ғоят бой одамлар ҳам бор эди. Эксперт ҳисоб-китобларига кўра СССР тарқаб кетган пайтда Джинни коэффициенти, масалан, Россияда 0,234га, Ўзбекистонда эса 0,285 га тенг эди, яъни шундайки, республикада аҳоли даромадларининг жамланиши даражаси Россиядагидан юқори эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**6.1.-қўшимча. Болали оилаларга нафақалар**

Ҳозирги пайтьда Ўзбекистонда нафақаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- фарзанд туғилганда оила иккита энг оз иш ҳақи миқдорида бир марталик нафақа олади. Бошқа давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистонда бу нафақа энг оз иш ҳақи миқдорига боғлиқ қилиб қўйилган, бу аввалбошданоқ пулнинг қадрсизланиши ошганда нафақалар ана шу турини индекслашни таъминлайди.

Бола туғилганда она ёки болани парвариш қилишни амалга ошираётган шахслар улар икки ёшга тўлгунча нафақалар олиш ҳуқуқини беради.

- 1994 йил сентябрь ойигача амал қилган йигирмата турли нафақа ўрнига 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ягона нафақалар жорий этилган. Нафақа миқдори бевосита оила структураси билан боғланган. У ота-оналарнинг даромадларидан қатъи назар барча оилаларга тўланади. Шу тариқа давлат оилаларга болаларни боқиш ва тарбиялаш харажатларининг бир қисмини қоплайди, айни пайтда ота-оналар масъулиятини ҳам оширади, чунки 1996 йил 1 апрелдаги ҳолатга кўра бир оилага нафақанинг энг кўп миқдори унча катта эмас - тўрт ва ундан кўпроқ фарзанди бўлган оилага энг иш миқдорининг 150 фоизига тенгдир.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда болали оилаларга ёрдам кўрсатишдан биринчи навбатда туғилиш даражасига таъсир кўрсатиш учун фойдаланилса, Ўзбекистонда оилавий нафақалар болаларни тарбиялаётган оилаларнинг моддий аҳволини қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида қаралади.

- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

Бозор иқтисодиётига ўтиш тенгсизликнинг ижтимоий муассасини чуқурлаштирди. 1995 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг жамланиши деярли 20 фоиз кўпайди ва 0,341 ни ташкил этди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда юқори ва паст даромадли гуруҳни ажратиб берадиган асосий чегара кўпроқ ёки камроқ маълумотли ва малакали бўлган кишилар ёртасида бўлади.

**6.3.-жадвал. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар структураси (ижтимоий ҳимояга харажатлар - 100 фоиз) (фоизларда)**




Ўзбекистонда рўй берган юқори даражадаги пул қадрсизланиши белгилаб қўйилган иш ҳақи ва даромадга эга бўлган одамлардан даромадларнинг тадбиркорлик даромади ҳисобига яшаётган кишиларга қайта тақсимланишига олиб келди. Ўқитувчилар, врачлар, илмий ходимлар, давлат хизматчилари тижорат фаолияти билан банд бўлган, кўпинча олий маълумот у ёқда турсин, баъзан тугалланган ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаган одамлар даромадидан анча камдир. Табиийки, бу интеллектуал соҳалардан энг малакали ходимлар кетиб қолмоқда. Бу яна бошқа муаммони - маълумотнинг қадрияти ва обрўси пасайишини ҳам келтириб чиқаради.

Даромадларни қайта тақсимлашнинг бошқа бир йўли - "қайчи нархлар" ҳисобига даромадларнинг қишлоқда яшовчи кишилардан шаҳарда яшовчи кишиларга ўтиши, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нархлар ўсишининг қишлоқ хўжалик учун етказиб берилаётган саноат маҳсулотига чоралар оширишдан орқада қолишидир.

Европача ва миллий турмуш тарзи юритадиган оилалар ўртасида даромадларнинг табақалашиши се-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларлидир. Европача турмуш тарзидаги оилалар ўртасида кам таъминланган оилалар 20 фоиз, миллий тумуш тарзидаги оилалар ўртасида 54 фоизга тенгдир. Бунинг асосий сабаби шундаки, туб миллатга мансуб оилалар қишлоқ жойларида жойлашган, европача турмуш тарзидаги оилалар салмоғи эса шаҳарларда юқорироқдир. Яъни камбағалликнинг вужудга келишида этик омил эмас, балки одамларнинг иқтисодий фаолияти сектори ҳал қилувчи ўрин тутади.

### *6.3. Аҳолининг заиф табақаларига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мавжуд дастурлари*

#### *6.3.1. Оилаларга ёрдам кўрсатиш асосий шакллари хусусияти*

Ислоҳотларнинг аҳолига ижтимоий таъсири анча сезиларли бўлиб қолганига қарамай, республикада барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш аҳоли, айниқса унинг заиф табақалари: болалар, пенсионерлар, ногиронлр, кам даромадлиларни илдамроқ ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирларни ўтказиш билан таъминланди.

Бозорга яқинлашиб борган сари ижтимоий сиёсат устунликлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш чоралари ва механизмлари ўзгарди, давлат томонидан тартибга солиш усулларидан кенг фойдаланилди - булар миқдорлари мунтазам равишда қайта кўриб чиқиладиган иш ҳақи, компенсация тўловлари, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тарзидаги бевосита пул тўловлари ва имтиёзлар, дотациялар ва ёрдам пуллари каби бевосита тўловлардан иборатдир.

Ислоҳотнинг биринчи йилларида ҳимоя чораси сифатида истеъмол субъсидиялари тизимидан ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишига қарши истеъмол бозорини ҳимоя қилишнинг турли шаклларидан кен фойдаланилди.

Зотан, 1994 йилгача нон, гўшт, сут, шакар, ўсимлик мойи, кир совун, болаларга мўлжалланган айрим товарларни истеъмол дотациялари амал қилди. Истеъмол субсидияларига аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратилган давлат бюджети барча маблағларининг деярли ярми сарфланарди.

Истеъмол товарларини сотиб олишга бир марталик ва кўп марталик купонлар тизими тажриба қилиб кўрилди, бу бутун аҳолига ҳаётий муҳим истеъмол товарларини олиш борасида бутун аҳолига пухта ижтимоиц кафолатни таъминлади.

Айни бир вақтда республика бюджетидан бошланғич синфлар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун текин нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар, кам қонлик касалига чалинган ҳомиладор аёлларни бепул овқатлантириш, барча мактаб ўқувчилари ва талабаларни имтиёзли овқатлантириш каби ижтимоий имтиёзлар қопланди. Коммунал хизматлари, шаҳар электр транспортида юришга ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар амал қилди, дорихона

*1995 йилда республикадаги ҳар саккиз оиладан бири, қишлоқдаги ҳар беш оиладан бири ҳар ойда моддий ёрдам олди*

**6.2.-қўшимча. аҳолининг ижтимоий заиф табақаларини қўллаб-қувватлашда жамоат ташкилотларининг ўрни**

Республикада Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўрлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти, "Ўзбекистон Чернобилчилари" республика уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шу жамиятларнинг аксарияти ўз корхоналарида ногиронларнинг меҳнатини ташкил этади ва улар учун фақат қўшимча даромад олиш имкониятини яратибгина қолмай, шу билан бирга меҳнат фаолиятига ошно этиш, ўзини жамиятга керакли деб ҳис этиш имконини ҳам беради, бу эса бебаҳо маънавий самара беради.

"Наврўз", "Маҳалла", "Соғлом авлод учун", "Меҳр-шафқат ва саломатлик" ҳайрия жамғармалари Ижтимоий таъминот вазирлиги билан биргаликда ногиронларга ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзолари қилиб ҳис этиш имконини берадиган турли тадбирлар: ногиронларнинг республика муносабатлари, бошқа спорт мусобақалари, Халқаро ногиронлар кунини ўтказиш ва ҳоказоларни ташкил этадилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқармалари ва давлат матбуот қўмитаси зарурлари қопланди.

Аҳоли камбағал табақалари: кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ишсизлар, белгиланган даромадли шахслар, ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан чоралар кўрилди. Олий ўқув юртлари талабалари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари, акпирантларга бир неча бор стипендиялар миқдори оширилди, мактаб ва талабалар ошхоналари ҳамда буфетларида овқатланиш, хусусий квартирада яшаш қийматини қоплаш бўйича компенсация тўловлари, жамоат транспортида имтиёзли юриш жорий этилди.

Биринчи марта никоҳдан ўтаётган ёш келин-куёвлар учун 1990-1994 йилларда мебель ва гилам буюмлари сотиб олишнинг имтиёзли тартиби белгиланди.

*Ногиронларни ногиронлар аравачалари, яхши протезлар, қулоққа тутадиган аппаратлари билан таъминлаш республика учун энг мураккаб муаммолардан биридир*

Айни пайтда ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўлланилаётган чораларни чуқур таҳлил этиш уларнинг камчиликларини, биринчи навбатда исрофгарчилик ва ҳаммани бир хилда кўриш боқимандалик психологияси илдиз отганлигини фош этди. Дотациялар ва имтиёзлар эҳтиёжни асосламай, бутун аҳолига тенг даражада жорий қилинарди. Улардан ночор бўлмаган оилалар ҳам фойдаланар, улар аксарият ҳолларда бундай дотациялар ва имтиёзларни муҳтожларга нисбатан кўпроқ олишарди.

1994 йилнинг охиридан бошлаб энг муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устунликлари жорий этила бошланди. Барча нафақалар ва моддий ёрдам фақат оилалар орқали кўрсатилиб, кам таъминланган оилалар ва болалар уларни асосий олувчилар бўлиб қолишди.

Ўзбекистонда камбағал оилаларга ариза асосида моддий ёрдам тўлаш уларга ёрдам кўрсатишнинг энг таъсирчан тури бўлиб қолди. У давлат бюджети ҳисобига тўланади, қўрғон, қишлоқ, овул фуқаролари йиғини қарори ёки кўчалар ва уй-жойлардан фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан тайинланади. Қарор қабул қилиш олдидан оиланинг муҳтожлиги текширилади, оиланинг ишламаётган аъзоларини ишга жойлаштириш ва уларни керакли касбларга тайёрлаш юзасидан ёрдам кўрсатилади, ишлов бериб даромад олиш учун ижарага ер участкаси ажратилади ва бошқалар.

Энг камбағал оилаларни белгилашнинг бундай тартиби агар қўшни объектив сабаблар туфайли ўзига ўзи бера олмаса, унга ёрдам бериш, унинг аҳволига тушунишга доир халқнинг қадимги анъаналаридан келиб чиқади.

Ўзбек халқининг асрий анъаналарига мурожаат қилиш бир томондан ялпи миллий даромаднинг бир қисмини ҳақиқатан муҳтож бўлган кишилар фойдасига уларнинг инсоний қадр-қимматларини камситмай ва иккинчи томондан бюрократик аппаратни кўпайтирмай сарфлаш имконини берди. 1995 йилда республикадаги ҳар саккиз оиладан бири, қишлоқдаги ҳар беш оиладан бири ҳар ойда моддий ёрдам олди.

Республикада давлат ёрдамидан ташқари муҳтожлар ҳақида турар жойидаги уйда ғамхўрлик қилиш, ишга қобилиятсизларга ёрдам кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари бериш, бир марталик текин овқатларни ташкил этиш, камбағал оилаларга суннат тўйи миллий маросимини ўтказиш каби аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш шакллари ривожланди. Улар корхоналар ва хўжаликлар, ҳомийлик ёрдами маблағлари ҳисобига пул билан таъминланади.

### 6.3.2. Ногиронларга ёрдам дастурлари

Ҳар қандай мамлакатда ногиронлар энг заиф кишилар ҳисобланади. Мамлакатда ногиронларга



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёрдам кўрсатиш учун ҳуқуқий асос "Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тарзида мавжуддир.Бундан ташқари 1995 йилда "1996-2000 йиллар даврида ногиронларнинг ҳуқуқларини тиклаш давлат дастури" қабул қилинган.

Ногиронликни янада аниқроқ белгилаш учун республиканинг барча минтақаларида 166 та, шу жумладан 142 та туман, туманлараро ва шаҳар даражасидаги, 24 та вилоят даражасидаги экспорт врачлар комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Бошланғич комиссиялардан 31 таси ихтисослашган комиссиялардир (12 таси психатрия, 6 таси фтизатрия, 7 таси офтальмолгия, 3 таси кардиология, 3 таси травмология).

Болаликдан ногиронлар нафақалар, саломатлиги туфайли ногиронлар - ёши ва меҳнат стажидан қатъий назар ногиронлик пенсияларини олиш ҳуқуқига эга.

**Ногиронларга ижтимоий ёрдам дастурларида ногиронларга улар саломатлиги даражасида меҳнат қилиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган.** Бунинг учун ижтимоий таъминот тизимида учта ҳунар-техника билим юрти фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотган йигит ва қизлар ўқишади. Тошкент шаҳридаги республика, Тошкент шаҳар ва Фарғона вилоятлараро билим юртлари шулар жумласидандир.

Ўқувчилардаги жисмоний камчиликларни ҳисобга олган ҳолда билим юртларида уларни ҳисобчи ходим, теле-радио устаси, тикувчи, пойабзал, совутгич, кондиционерлар ва ўлчов асбобларини тузатиш усталари касблари бўйича ўқитиш ташкил этилган.

Ногиронларни ногиронлар аравачалари, яхши протезлар, қулоққа тутадиган аппаратлар билан таъминлаш республика учун энг мураккаб муаммолардан биридир.

1995 йилда протез буюмларини чиқарувчи хусусийлаштирилган корхоналар ва 2 та хусусий фирма асосида протез буюмларини чиқариш ташкил этилди. Республикада биринчи марта қўлтиқ таёқ ва хассалар тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар билан 8 минг ногирон таъминланди. Лекин бу реал эҳтиёждан анча камдир.

**6.3.-қўшимча. Амалдаги солиқ ва бошқа турдаги имтиёзларнинг хусусияти**

Республикада аҳоли заиф табақаларига қонуний тарзида тасдиқланган имтиёзлар кам таъминланган оилалар ва аҳолининг бошқа заиф табақаларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга кўмаклашади.

Имтиёзларни бериш "Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Ўзбекистон фуқаролари пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун, шунингдек "Бирлашмалар, корхоналар ва муассасалардан солиқ олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан асосланган. Ҳозирги пайтда имтиёзларнинг 106 тури мавжуд. Улардан мамлакатнинг бир миллиондан ортиқ фуқароси фойдаланмоқда. Улардан 160 киши уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 478345 киши - иккинчи жаҳон уруши йилларидаги меҳнат фронти қатнашчилари, 7220 киши - Чернобиль АЭСидаги фалокатни тугатишқатнашчилари, 100 мингдан ортиқ киши - болаликдан ногирон ва 300 мингдан ортиқ киши - умумий касалликлардан ногиронлар.

Масалан, 1995 йилда имтиёзли ёрдам сифатида ногиронларнинг 286 оиласи квартира билан таъминланди,

387 оиланинг квартираси бепул таъмирлаб берилди, 590 ногиронга квартира телефон ўрнатилди.

Шу билан бирга ногиронларни имтиёзлар билан таъминлашнинг номукаммаллиги асосий муаммолардан биридир. 106 та мавжуд имтиёздан амалда 75 таси қўлланмоқда, қолганлари ё қисман қўлланмоқда ё умумий қўлланмаяпти. Автотранспорт билан таъминлаш, транспорт воситаларини текин таъмирлаш, турар жой билан бепул таъминлаш, берилиши керак бўлган махсус автомобиль ўрнига компенсация тўлаш ва техник хизмат кўрсатиш, санаторий-курорт йўлланмалари ўрнига компенсация тўлаш, дори-дармонлар билан имтиёзли таъминлаш ва бошқалар шулар жумласидадир.

Мамлакатда меҳнат шароитлари зарарли бўлган ишлаб чиқаришда ишловчи фуқаролар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, барча даражадаги Шуҳрат орденлари билан мукофотланган шахслар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари, ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажараёиган пайтда жароҳат олган ҳарбий хизматчилар орасидан чиққан ногиронлар, концентрация лагерларининг собиқ кичик ёшли тутқунлари, болаликдан ногиронлар, ён ва ундан кўп болали қаҳрамон оналар, хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадор, контузия, бўлиш ёки жароҳатланиш натижасида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинлари, студент меҳнат отрядлари аъзолари, Чернобиль фалокати оқибатида жабрланган фуқароларга имтиёзли солиқ солиш жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, олий ва ўрта диний ўқув юртлари талабалари стипендияларига солиқ солинмайди.

Ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларига улар ишлаб чиқаришда бажарган ишлари учун тўловлар солиққа тортиладиган даромадга қўшилмайди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирилган натурал шаклдаги ва қайта ишланган тарздаги қорамол, парранда, асаларичилик, деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан тушган даромадга солиқсолинмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги пайтда ногиронлар аравачаларига муҳтож бўлган 45 минг киши бор. 1995 йилда фақат 2220 ногирон аравачалар билан таъминланди. Бу 1994 йилдагидан икки баравар кўп, лекин шунга қарамай барча муҳтожларнинг эҳтиёжини тўла таъминлайди.

1995 йилда 18 минг киши қулоққа тутадиган аппаратга муҳтож бўлгани ҳолда улар билан 2 минг киши таъминланди.

Йўл чипталари қиймати кескин ошиб кетганлиги муносабати билан ногиронларнинг собиқ СССР республикаларида жойлашган санаторий-курорт муассасаларида малакали даволаниш ва соғломлаштириш имкониятлари кескин чекланди. Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги ногиронларга улар истиқомат қилаётган жойларга улар истиқомат қилаётган жойларидан узоқ бўлмаган маҳаллий санаторийлар ва профилакторийларга йўлланма олишларида ёрдам бермоқда.

Республикада 34 та интернат уй бўлиб, уларда 9900 нафар ногирон ва қария тўла давлат таъминотида яшамоқда. Улардан 5 таси чуқур ақлий қолоқ болалар учун, 6 таси қариялар ва ногиронлар учун, 22 таси сурункали руҳий касалликларга чалинган бемор ногиронлар учун ва 1 та республика пансионати кекса уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун.

### *6.3.3. Пенсия таъминоти*

Республикада мустақиллик йиллари давомида пенсионерларни ижтимоий ҳисмоялашни кучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. 1993 йил сентябрь ойида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақида"-ги берилган миллий қонун қабул қилинди. Қонун пенсиялар миқдорининг ижтимоий суғуртага бадаллар миқдорига боғлиқлигини кучайтирди ва шу билан пенсия қонунларини ривожланган мамлакатлар стандартларига анча яқўинлаштирди.

1993 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг ягона молиявий асосини вужудга келтириш мақсадида ижтимоий суғурта жамланмаси ташкил этилди. Жамғарма пенсиялар, вақтинча қобилиятсизлик бўйича нафақалар ва ижтимоий нафақалар тўлашга харажатларни пул билан таъминлашни амалга оширади. Шу билан бирга ижтимоий суғурта бадалларнинг юқори фоизига қарамай давлат пенсияларини тўлашни пул билан таъминлашда жиддий муаммолар мавжуд.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал этишда қуйи структуралар масъулиятини ошириш ва ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида 1993 йилнинг ўртасида ижтимоий ёрдам кўрсатишни бошқаришнинг марказлаштирилган усулларидан воз кечилди. Хусусан, пенсиялар ва нафақаларни ёзиш ва тўлаш бўйича вилоят марказлари, шунингдек ёлғизларга хизмат кўрсатиш марказлари тугатилди. Уларнинг вазифалари туман ижтимоий таъминот органларида берилди. Ҳозирги пайтда ижтимоий таъминот тизимида 3 мингдан ортиқ ижтимоий ходим бор.

Ҳозирги пайтда республикада 27 минг нафардан кўпроқ ёлғиз пенсионер аниқланган бўлиб, улардан қарийб 24 минг нафари доимий парваришга муҳтождир. Уларга уйда кундалик ижтимоий-маиший ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун ижтимоий ходимлар биркитилган. 18 минг нафардан ортиқ ёлғиз пенсионер имтиёзлар: бепул коммунал хизмати, шаҳар жамоат транспортида бепул юриш, бепул дори-дармонлардан фойдаланишмоқда. Ёлғиз пенсионерларни энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари (тўққиз номда) билан бепул таъминлаш юзасидан харажатлар ойига 3 миллион сўмдан ортиқроқни ташикл этади.

Пенсионерлар оилаларининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

Камбағалликка қарши кураш дастурининг ана шу тўртта йўналиши тўла рўёбга чиқарилса, даромадлар бўйича камбағаллик анча камаяди ва камбағал кишиларнинг шундай камбағал тоифалари (ногиронлар, пенсионерлар, етимлар ва ҳоказолар) қоладики, уларга нисбатан махсус ёндашувларни излаш керак бўларди.

### *6.4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ислоҳ қилиш йўналишлари*

Дастлабки баҳоларга кўра 1995 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ялпи ички маҳсулотнинг 4,4 фоизи сарфланди. Ўз таркибида бешта, шу жумладан икки ёшгача бир болага эга бўлган кам таъминланган оила фақат турли нафақалар ҳисобига атиги тўртта энг оз иш ҳақига ёки иш ҳақи ўртача республика даражасининг 60 фоизига тенг қўшимча даромад оларди.

Шу билан бирга ижтимоий ҳимоялашнинг амал қилаётган тизими етарли даражада адресли эмас. Болалари бўлган кўпгина оилалар истисносиз ҳамма болаларга тўланадиган унча катта бўлмаган нафақаларга мухтож эмас. Айни пайтда оилалар учун бу нафақалар мутлақо етарли эмас. Тизимда биринчи синф ўқувчиси учун зарур буюмларни сотиб олиш харажатлари оила учун оғир юк бўлиб тушадиган болалар маткаб ёшига етиши муносабати билан нафақаларни кўпайтириш назарда тутилмаган. Вирусли гепатит (мамлакатда энг кўп тарқалган вирусли касаллик), ичак касалликлари, сил касали билан оғриб тузалган болаларни соғломлаштириш учун овқатлантириш ижтимоий дастурлар эътиборидан четда қолган.

Бола туғилганда тўланадиган бир марталик нафақалар янги туғилган чақалоққа бромларнинг ҳатто Ээнг кичик тўпламини сотиб олишга ҳам етмайди. Ёш келин-куёвлар оилаларида тўнғич фарзанд туғилганда бундай нафақаларга алоҳида зарурат сезилади.

Келажакда камбағаллик даражасини аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги тизимини рационаллаштириш, даставвал нафақа олувчилар тоифалари сонини энг заиф табақалар доирасигача - оилада бошқа меҳнатга қобилиятли аъзолар бўлмаганида битта боқувчили оилалар бемор ёки ақлан заиф болалар; ногиронлар; пенсия миқдори кам бўлган ёлғиз пенсионерларга қисқартириш ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

16 ёшгача бўлган болаларнинг ҳаммасига нафақа тўлашни бекор қилиш аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш адреслилигини чуқурлаштиришнинг энг равшан юксалиш таъминланадиган пайтгача бўлган даврда бундай нафақаларни ариза асосида муҳтожлигини олиндан маҳалла қўмиталари ва ижтимоий таъминот органлари томонидан текшириб, фақат камбағал оилаларга беришни амалга ошириш энг мақсадга мувофиқдир. Ушбу нафақа оилаларга кам таъминланган оилаларга ёрдам дастури бўйича берилаётган нафақага қўшиб топширилиши мумкин.

Зарур дарсликлар ва ўқув-канцелярия буюмларидан иборат бўлган “биринчи синф ўқувчисига совға”ни сотиб олиш ва кейинчалик ўқувчиларга совға қилиш учун мактабларга маблағ ажратиш ёрдамнинг самарали тури бўларди.

Аҳоли заиф табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, одамлар моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этишда давлат манбаларидан ташқари корхоналар, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармалари маблағларини ишга солиш мақсадга мувофиқдир.

### *6.4.3. Пенсия тизимини ислоҳ қилиш*

Пенсия таъминотидаги Пенсияларни ўз вақтида пул билан таъминлаш ва пенсияларни тўлаш би-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лан боғлиқ мавжуд муаммолар пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш заруратини вужудга келтиради.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш қуйидагиларга қаратилган бўлиши керак:

1. Пенсия тахминоти меъёрлари ва шартларини қайта кўриб чиқиш.

2. Пенсияларни тўлашни пул билан таъминлашга боғлиқ муаммоларни ҳал этиш.

3. Пенсиялари индекслаш ва ўтмишдаги иш ҳақларини замонавийлаштириш.

4. Пенсиялар тўлашга давлат харажатларини қисқартириш.

5. Пенсия таъминотининг нодавлат (қўшимча) тизимини вужудга келтириш.

6. Пенсия таъминоти тизимини компьютерлаштириш.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш таклиф этилади:

**1. Пенсия таъминоти меъёрлари ва шартларини қайта кўриш бўйича:**

• Пенсия тайинлаш ва унинг миқдорини ҳисоблашда иш стажи давомийлигининг аҳамиятини ошириш. Меҳнат стажининг ҳар бир тўла йилини баҳолашнинг амалдаги тартиби янги иқтисодий тизимга зид келмоқда. "Меҳнат стажи" атамасини бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда қабул қилинган "суғурта стажи" атамаси билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. шу билан бирга меҳнат сажи ҳар бир тўла йилининг аҳамиятини камайтириш мақсадга мувофиқ эмас.

Масалан, амал қилаётлган тартибда стаж тўла бўлмаган пенсия бир неча ой ва ҳатто бир неча кун ишлаган шаксларга ҳам тайинланиши мумкин. Шундай ҳоллар ҳам борки, бошқа шартлари тенг бўлган ҳолда, 12,5 йил ишлаган фуқарога ҳам, атиги 1 ой ишлаган фуқарога ҳам пенсия бир хил миқдорда тайинланади. бундай зиддиятни бартараф этиш учун энг кам иш стажини (масалан, 5 йил) қилиб белгилаш таклиф этилади, ана шу стаж мавжуд бўлганида ёш бўйича нафақа тайинланади.

Пенсия миқдорини бутун меҳнат фаолияти давомида йўлаган бадаллари миқдорига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш. Пенсия ҳисоблаш учун иш стажига ходим ижтимоий суғурта бадалларини тўлаган даврларигина қўшиш керак. Яъни стажга аста-секин ишга тенглаштирилган даврларни, шунингдек стажга имтиёзли тартибда (икки баравар, бир ярим баравар миқдорда) ҳисобланадиган иш даврларини қўшишдан ва кечиш зарур.

• Пенсиянитайинлаётганда ҳисобга олинадиган иш стажини чекламаслик, чунки меҳнат фаолиятининг бутун даври учун суғурта бадаллари тўланади.

**2. Пенсиялар тўлашни пул билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда қуйидаги чораларни амалга ошириш зарур кўринади:**

• Юридик шахсни вужудга келтирмай якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган юридик ва жисмоний шахслар - барча ўзини суғурта қилдирадиганларни юз фоиз ҳисобга олишга эришиш. Ижтимоий суғурта органларида рўйхатдан ўтмаган ёки ўз вақтида рўйхатдан ўтмаган ўзини суғурта қилдирадиганларга нисбатан жазо жарималарини жорий этиш.

• Иш берувчининг ҳам, ходимнинг ҳам суғурта бадалларини тўлаш учун биргаликдаги моддий жавобгарлигини ошириш.

• Босқичма-босқич иш берувчи ва ходим учун ходимнинг иш ҳақига фоизларда суғурта бадалларининг бир хил меъёрини белгилаш. Бунда ходим ана шундай ечимдан қийналмаслиги учун иш ҳақи у иш берувчи ўрнига суғурта бадалларини тўлайдиган миқдорга мутаносиб равишда оширилиши зарур. Бу ҳолда пенсия миқдори суғурта бадаллари қанчалик узоқ вақт тўланганига боғлиқ бўлишини билган



www.ziyouz.com kutubxonasi

ходим уларнинг ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиш механизмига қўшилишга мажбур бўлади. Бу ижтимоий суғуртафондига бадалларни тўламаслик ҳолларини бартараф этиш ҳар қалай улар миқдорини қисқартириш имконини беради.

Информатиканинг замоанвий воситаларини қўллаш асосида амалга ошириладиган суғурта бадалларини тўлаш ва пенсия ҳуқуқларига эга бўлишнинг якка тартибдаги (персоналлаштирилган) ҳисобини жорий этиш. Бундай ҳисобга олиш бу қанча принципиал муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

**Биринчидан,** якка тартибда ҳисобга олиш давлат пенсия тизими механизмларини ривожланиб бораётган бозор муносабатларига мос ҳолга олиб келади.

**Иккинчидан,** бундайҳисобсиз давлат пенсия суғуртасини пенсия миқдори билан суғурта стажи ва тўланган суғурта бадаллари ўртасида боғлиқликни ўрнатиш йўналишида ривожлантириб бўлмайди. Бундай боғлиқлик ижтимоий суғурта жамғармаси бюджетга ижобий таъсир кўрсатиши керак, чунки бу суғурта бадалларини ўз вақтида ва тўла тўлашдан манфаатдорликни вужудга келтиради.

**Учинчидан,** якка тартибда ҳисобга олиш умуман республикада, шу жумладан айрим касблар бўйича аҳолининг иш билан банд бўлган ва пенсионерлари сонининг ўзгаришини янада аниқроқ прогноз қилиш ва бунинг оқибати сифатида пенсиялар тўлаш ва суғурта тарифини ҳисоб-китоб қилишга зарур харажатларни янада аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Пенсияларни тайинлашда амалда фойдаланилиши мумкин бўлган суғурта бадалларини персоналлаштирилган ҳисобга олиш маълумотлари зарур базасини вужудга келтириш, табиийки, тегишли ахборотни тўплаш учун муайян вақтни талаб этади.

• Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари молиявий асосини суғурта бадаллари ташкил этади. Шунинг учун бу маблағлар фақат ижтимоий суғурта бадалларини тўлаган шахслар ва улар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга ишлатилиши керак. Республикада таркиб топган ҳарбий хизматчиларга пенсиялар ва ишламаган фуқароларга нафақаларни ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобига тўланадиган тажрибани қайта кўриб чиқиш керак.

Пенсиялар иш ҳақига қўшиб ҳисобланадиган белгиланган бадаллар ҳисобидан тўланиши муносабати билан товарлар ва хизматлар нархлари ошганда иш ҳақини пенсиядан кўпроқ миқдорга ошириш керак. Акс ҳолда ошиб бораётган пенсияларни тўлаш учун етарли молиявий маблағлар йўқ бўлади.

• Молия-банк операцияларини фақат аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланадиган маблағлар билан амалга оширадиган махсус "ижтимоий" банкни ташкил этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш

Бунда олинаётган дивидендларнинг бир қисмини ишга қобилиятсиз бўлган алоҳида муҳтож фуқароларга қўшимча ижтимоий хизматлар кўрсатишга ишлатиш мумкин бўларди.

**3. Пенсия индексациялаш ва ўтмишдаги иш ҳақларини замонавийлаштириш бўйича:**

Пенсияларни индекслаш ҳар қандай пенсия тизимининг зарур воситаси ҳисобланади. У пенсиялар реал қийматининг (айниқса пул қадрсизланаётган шароитда) кўпайиб бориши билан иш ҳақига нисбатан белгиланган нисбатан таъминлашга даъват этилгандир.

Иқтисодий ва молиявий қийинчиликлар шароитларида барча пенсияларни бир неча баравар кўпайтиришни амалга ошириш мураккабдир. Бундай оширишда энг кўп миқдордаги пенсияларни янада оширмай туриб энг оз миқдордаги пенсияларни ошириш, демак энг оз



www.ziyouz.com kutubxonasi

миқдордаги пенсиялар паст даражаси муаммоларини ҳал этишга пенсия тизими молия ресурсларини жамлаш мумкин бўлмайди.

Энг оз миқдордаги пенсия нархлар ошиши миқдорини қоплайдиган даражага кўпаядиган, қолган пенсиялар эса энг озмиқдордаги пенсияларнинг аввалги ва янги миқдорлари ўртасидаги фарққа тенг бўлган қайд этилган миқдорга ошадиган пенсияларни индекслайдиган бундай тартиб эътиборга лойиқ. Бироқ, табиийки, пенсияларни оширишнинг бундай механизмидан фойдаланиш нисбатан юқори пенсия оладиган пенсионерларнинг унга салбий муносабатини уйғотади. бундан ташқари мазкур механизмни қўллаш амалда пенсиялар миқдорларининг аста-секин текисланишига олиб келади, 1992 йилда айнан шундай бўлган эди. Бу узоқ йиллик иш стажига эга бўлган ва анча юқори маош олган пенсионерлар орасида норозилик уйғотди.

Бу икки омилни ҳисобга олмай илож йўқ. Шунинг учун индекслаш тез-тез амалга оширилган ҳолларда пенсияларни индекслашнинг ҳар икки усулини (яъни барча пенсияларни тўғридан-тўғри индекслаш ва пенсияларни белгиланган миқдорга кўпайтиришни) навбати билан қўллаш энг тўғри қарор бўлади.

• Ўтмишдаги иш ҳақларини замонавийлаштириш механизмини қайта кўриб чиқиш зарур, зеро пенсиялар уларга асосланиб ҳисобланади. Пенсия таъминоти молиявий базаси барқарорлашиб бориши билан пенсияларни индекслаш учун қуйидаги тартибдан фойдаланиш мумкин бўлади, бу тартибга мувофиқ ҳар бир пенсионер учун унга пенсия ҳисобланган иш ҳақининг уни олаётлган йилда республикадаги ўртача иш ҳақи нисбатига тенг бўлган якка тартибдаги коэффициент белгиланади. Индекслаш пайтида республика бўйича ўртача иш ҳақини шу коэффициентга кўпайтириш билан пенсияни ҳисоблаш учун янги иш ҳақи чиқарилади.

**4. Пенсиялар тўлашга харажатларни қисқартириш бўйича**

Пенсионерлар моддий аҳволини ёмонламай туриб пенсиялар тўлашга харажатларни қисқартиришнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

• Тўловларни банк муассасалари орқали амалга ошириш. Ҳозирги пайтда барча пенсияларнинг деярли 97 фоизи алоқа корхоналари орқали тўланмоқда. Уларнинг пенсияларни пенсионерлар уйларига етказиб бериш юзасидан кўрсатаётган хизматлари учун ҳар ойда ижтимоий суғурта жамғармаси маблағларидан 40 млн. сўмдан ортиқ пул ўтказилмоқда. Бу жуда катта миқдордаги пулдир. Қиёслаш учун, фақат Сирдарё вилоятида пенсияларни тўлашга харажатлар 56 млн. сўмни ташкил этади.

Кўпгина мамлакатларда белгилаб қўйилганидек, пенсияларни тўлашни ҳар ойда пенсионерларнинг ҳисоб-китоб варақларига пулларни омонат тарзида қўйиш орқали банк муассасалари, шу жумладан халқ (жамғарма) банклари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Пенсияларни тўлаш учун усулининг афзалликлари шундан иборатки:

**биринчидан,** ҳар ойда пенсиялар тўлашга сарфланаётган маблағлар умумий миқдоридан салкам 2 фоизи (ҳозирги пайтда бу 40 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этади) тежалади;

**иккинчидан,** нақд пулга бўлган эҳтиёж бирмунча қисқаради;

**учинчидан,** пенсионерларнинг ҳисоб варақларида қолаётган маблағлар халқ хўжалигини ривожлантириш, аниқ тармоқни инвестициялашга сарфланиши мумкин.

Табиийки, пенсиялар тўлашнинг ушбу усулини амалга ошириш учун банк муассасалари тармоғини кенгайтириш, пенсияларни олиш учун зарур шароитлар яратиш энг муҳи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ми пенсияларни банк муассасаларига қўйишнинг мақсадга мувофиқлигига одамларда ишончни тиклаш зарур.

Пенсияларга пенсияларни уйга етказиб бериш тартибини бошқаларнинг доимий парваришига муҳтож бўлган пенсионерлар, масалан, I гуруҳ ногиронларига нисбатан сақлаб қолиш мумкин.

• Ишлаш имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган касблар ва лавозимлар рўйхатини қисқартириш.

Ҳозирги пайтда ҳар 16 пенсионердан бири имтиёзли пенсия олмоқда. Фақат 1994 йилнинг ўзида 29,1 минг кишига (ёки шу йили ёши бўйича пенсия тайинлаганларнинг 23 фоизига) имтиёзли пенсиялар тайинланди.

Имтиёзли пенсияларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар қарийб 120 млн. сўмни ёки барча пенсияларни тўлаш харажатларининг 6 фоизини ташкил этади. Меҳнат шароитлари зарурли ва оғир ишларда банд бўлган шахсларнинг ижтимоий масалаларини пенсия таъминоти ҳисобига ҳал этиш тубдан нотўғридир. Уларни ижтимоий ҳимоялашни меҳнат шароитларини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш ҳисоббига таъминлаш зарур.

Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобига имтиёзли пенсиялар фан-техника тараққиётига қарамай иш шароитларини яхшилаш мумкин бўлмаган шахсларгагина (масалан, шахтёрлар, радиоактив моддалар билан ишлайдиган кишилар ва бошқаларга) тўланиши керак, бошқаларга эса бў пенсиялар корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига тўланиши лозим.

5. Пенсия таъминотининг нодавлат (қўшимча) тизимини ташкил этиш бўйича

Ғарбдаги кўпгина ривожланган мамлакатларда пенсия таъминотининг давлат тизими билан бирга пенсия таъминотининг нодавлат тизими ҳам фаолият кўрсатмоқда, у пенсияга чиққандан кейин меҳнат фаолиятининг кейинги даврларида вужудга келган турмуш моддий даражасига яқин бўлган даражани сақлашга хизмат қилишга даъват этилгандир. Бироқ нодавлат пенсия тизимларининг ҳаётий фаолияти фақат барқарор иқтисодий шароитда таъминланади. Шунинг учун даставвал нодавлат пенсия жамғармалари барқарор иқтисодий аҳволга эга, шунингдек ходимлари сони кўп бўлган корхоналарда ташкил этилиши мумкин, чунки бундай жамғармаларни ташкил этиш катта ташкилий харажатларни талаб этади.

Давлат нодавлат пенсия тизимини вужудга келтириш жараёнини қонунлар билан тартибга солиш ва унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги кафолатчиси бўлиши керак, чунки бундай тизимда ҳар қандай муайян хавф бор.

6. Пенсия таъминоти тизимини компьютерлаштириш бўйича

Ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ҳақида оператив ва ишончли ахборот олиш имконияти муҳим аҳамият касб этади. Компьютер ахборот базасини вужудга келтириш муҳтожларни фақат табақалаштириб қолмай, шу билан бирга етарли даражада аниқлик билан эҳтимол тутилган қадамларнинг республика иқтисодиёти ва бюджетига таъсирини ҳисоб-китоб қилиш имконини ҳам бериши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# *Статистик маълумот*

